

## Аёлга бош урини

Ўзгич қайт қўлларидо  
Қўнғур зоти - аёл, бае  
Ўйларисини қўлларидан  
Ўйзе олмаган аёлмас  
Ўхми, юлдуз, қўнқабозин  
Ўлдуз фақат қайлмас  
Ўлзубекдан битта ўтмон  
Ўлзулмаган аёлмас  
Ўлбойсиз. қу тоҳон қўз  
Ўор хайрат - қу ўманга  
Ўкасидан бир нишон қўз  
Ўлқиз қўқит қўз қишонга  
„Дахўламай тек туринг, сиз  
Қолманг ранжу - увалга.  
Ўйзе аёлга бош уринг сиз  
Даҳо тухқан аёлга!

Ў. Ўалиева

*Ҳалима Худойбердиева*  
**ЮРАГИМНИНГ ОҒРИҚ  
НУҚТАЛАРИ**

**ТОШКЕНТ**  
**"ЎЗБЕКИСТОН"**  
**1991**

Уз2  
X 87

Муҳаррир — Раҳима ШОМАНСУРОВА

ISBN 5-640-00940-3

X 0301070000-045 96—91  
M 351 (04) 91

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1991 й.



## Аёлнинг кўнгил байрами

Босиб ўтган йўлимизга назар ташланар экан, уларни бир қадар қайта яшаб ўтишдай таассурот қолади кишида. Тўғри, босиб ўтилган йўлда ютуқларни қўлга киритиш билан бирга, жуда катта нуқсонларга ҳам йўл қўйдик. Аммо бу дегани, бизнингча босиб ўтган йўлимиз шип-шийдам, у йўлларни йўл қўйган хатоларимиз, нуқсонларимиз сели бутунлай ювиб кетган деган хулосага келсак тўғри бўлармикин? Халқдан сўраб кўринг, қирқ беш кунда қуриб битказилган Катта Фарғона канали доврўгини эсдан чиқарганми? Яна сўранг, ўша жанговар кунларда тупроқ кечиб, чанг ютиб халқни руҳлантирган оташнафас шоирларини, санъаткорларини унутганми улар?

Микрофонсиз Фарғона осмонларини титратган "Меҳнат аҳли", "Катта ашула"лари билан бобожонларимиз, оталаримиз, бутун халқимизнинг сиғинадиган маликаларига айланган Ҳалимаҳоним Носирова, Тамараҳоним, Мукаррамаҳоним Турғунбоева хизматлари, шуҳратларини халқ кўнглидан ювиб юборадиган селнинг ўзи борми бу дунёда?! Турли соҳаларда меҳнат қилган, қилаётган, турли миллат вакиллари кечаги кун, бу-

гунимизнинг фахри бўлган раҳматли Турсуной Охунова, ҳурматли Зулфия опамиз, овоз оҳанглари юракни орзиқтириб юборар даражада кўнгилларимиз қадрдонига айланган Сорахоним Эшонтўраева, Буолма Жўраева, Саодат Гулаҳмедова, узун умри стим гўдаклар кўзига термулиб ўтаётган, хонадони, кўнглини савоб аталмиш гуллар босган Антонина Хлсбушкина...

Бугунги кунда биз нимагаки эришган бўлсак, жамиятимиз кишилари ўз юкларини озми-кўпми юксакликка чиқара олган, кўтара олган бўлса бу юкларнинг ярмидан кўп қисмини мана шу фариштасифат аёллар — жумҳуриятнинг ишчи, хизматчи, деҳқон аёллари ўз нозик елкаларида чиқариб бердилар.

Бу кўриниб турган ҳақиқатларни тан олмаслик ҳеч бўлмаганда ноинсофлик бўлур эди. Бугун Иттифоқнинг нуфузли минбарларида республикамиз шаънини асосли фикрлари билан ҳимоя қилаётган СССР халқ депутатлари Раъно Убайдуллаева, Бернора Қориева, Тўхтаҳон Қирғизбоева, Фотима Бадалбосва, Мастура Сайфутдиноваларга, қўйинги, ҳар бири ўз иш жойида, онласида қайта қуришни сидқидилдан қабул қилган, унинг тезроқ ва кўнгилдагидек амалга ошуви учун шовқин-суронларсиз сидқидилдан меҳнат қилаётган ҳар бир замондошимизга юқорида номлари меҳр билан тилга олинган опаларимизнинг обрўлари, шуҳратларини тилаймиз. Олдингилар кўтариб келаётган юкни ерда қолдирмоққа кейин келаётганларнинг маънан ҳаққи йўқ.

Қайта қуриш бизга катта ҳуқуқларни берди. Биз ҳар доим ўйлаб юрган муаммоларимиз, гапларимизни илгаригидек қимтиниб, йўл қидириб эмас, ошкор, баралла айтаяпмиз. Бу жуда катта гап. Бу тўлиқ маънода ростликка олиб бораётган йўл. Бу кўп кўнгилзадалиқлар, тўғри гапнинг тўқмоғидан эзила-эзила гунг бўлиб,

"ичимдан топ" бўлиб қолган кўпчилик одамларнинг тилини чиқараётган, фикрлашга ўргатаётган фасл. Аммо зинҳор ҳўлу қуруқ баробар ёниши, бор топилган қадриятлар, бойликлардан воз кечилиб, не ҳасратда қурилган бинолар бузилиб, қўпорилиб, қайтадан қурилиши кераклиги ҳақидаги буйруқ эмас.

Дарз кетган, таъмирга муҳтож бинолар, таҳрирга муҳтож иш юритиш йўсинлари, қарорлар, муносабатлар, характерлар қайта қурилиши керак.

"Принципиал тарбиявий йўл шундан иборатки, ўтмиш ҳақидаги гап-сўзлардан ва танқидчиликдан, қуруқ ваъдалардан аниқ равшан амалий ишларга ўтиш керак, ишларнинг натижалари ҳар бир меҳнат коллективда, ҳар бир оилада сезилиб турадиган бўлсин. Ҳозир сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳволимиз шундайки, энди ўзимиз ўтирган қайиқни силкитавериш билан овора бўлиш ярамайди, бу қайиқни тўғри йўлга солиб юбориш ва уни зарур жадаллик билан юргизиш керак. Ҳозир одамларни тўлқинлантириб турган мушкул муаммоларни қаттиқ интизом, тартиб, масъулият билангина ҳал этиш мумкин. Куч-ғайратларимизни бирлаштириб, республикани миллий ва ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги марраларга олиб чиқайлик".

Бу — Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастуридаги кўпчилик қалбидан ўрин олган, кўпларнинг юрагида умид чироғини ёққан сатрлар, десам янглиш бўлмас.

Жумҳуриятни сифат жиҳатдан кўтариш учун ҳақиқатан кучларни ақл билан бирлаштириб, уюшиб ишлашдан бошқа чорамиз йўқ. Бугунги расм бўлаётган фикрлар ҳар хиллиги яхши. Фойдали фикрларни ҳар томондан — ўнгданми, сўлданми, дўстанми, душманданми ола билишни, ўзлаштира билишни ўрганишимиз

керак. Биз ҳам баҳслар тарафдоримиз. Фақат бу баҳслар сўнгида амалий натижалар бўлсин, фойда берсин. Фикрлар ҳар хиллиги "Фақат мен ҳақман" деб оёқ тираб олишга, анархияга, ҳар ким хоҳлаганча шох ташлашига олиб келса, бу ёмон белги. Криловнинг "Оққуш, чўртанбалиқ ва қисқичбақа" ҳақидаги масалини эсланг. Агар биз ҳар хил фикрлилар мана шу масалдагидай ҳар томонга тортаверадиган бўлсак, бу яқин йилларда бизнинг аҳволимизни на съезд, на депутатлар, ҳеч ким, ҳеч нарса ўзгартира олмайди. Бош-бошдоқлик ҳеч қачон яхшиликка олиб бормаган. Нуфузли маърузаларимизда такрорланганидай, тартиб, қатъий интизом асосида иш-ламас эканмиз, бугунги ночор аҳволдан чиқиш, деп-синиб, силтаниб турган тараққиёт машинасини жилдириш — олдинга юргизиб юбориш жудаям мушкул.

Бундан минг йиллар олдин ҳам, кеча ҳам бугун ҳам бу ўтар кетар дунё сиру синоатларини чуқур тушунган шоҳу гадо аёлни улуғлаган, эъозлаган. Диққат қилинг, булбулзабон, туркигўй шоирларимиз салафи бўлмиш Муҳаммад Хоразмий ўз "Муҳаббатнома"сида аёл шаънини қандоқ юксакка кўтардилар:

Қора менг\*  
Ол яноқингга ярашур,  
Бошим доим  
Аёқингга ярашур.

Гўрлари нурга тўлгур жаннатмакон бобокалонимиз Хоразмий ўз табаррук бошларини аёл оёғига тенг кўриб, озгина бўрттириб шоирона лутф қиладиларки, бу танти мардлик, қадр хусусида ҳамма замон эркакларига сабоқ

---

\*  
М е н г — хол

1

бўлғусидир. Замонлар оша тарихий, аммо ҳеч қачон эскирмас бу улуғ фикрнинг бошқачароқ қиррасини бугунги юсак иқтидорли рус шоири Евгений Евтушенкода учратдим. "Биз узоқ йиллар ҳаракат қилиб,— дейди у аччиқ изтироб билан,— аёлни баландроққа, юсакка кўтармадик, аксинча, пастга — ўз ёнимиз, эркакнинг ёнига олиб тушдик".

Хўш, "эркакнинг ёнига олиб тушилган", қўлига "эркак билан тенг ҳуқуқли" деган ёрлиқ топширилган аёлнинг бугунги куни ҳақида нима дейиш мумкин?.. Аввало уларнинг тунги сменаларда ишлашлари хусусида...

Ҳукумат томонидан аёлларнинг оғир ишлар, тунги сменаларда ишлашлари тақиқланганига роппа-роса ўттиз йил тўлди. Аммо, аёллар соғлиқларини гаровга қўйиб ишлашда давом этаяптилар. Назаримда пахтанинг қора меҳнати ҳақида гап кўпайгани сайин бизнинг аёлларимиз унга бола-чақаси билан кундан-кунга тобора ёпишиб бораётганга ўхшайди. Фақатгина деҳқон аёлларми? Навоийдаги химия заводида ишлайдиган аёллар хусусида ҳам шу мазмунда гапириш мумкин. Ҳомиладор аёллар декрет отпускасигача енгилроқ ишга ўтишни ўзлари исташмайди. Чунки ўтса, ойлик камаяди. Тирикчилик тошдан қаттиқ. Жумҳуриятимиз аҳолисининг 45 фоизи учма-уч, етиб-етмай қашшоқликда кун кечираётган экан, бу аёлларни ҳам тушуниш мумкин. Улар ўзларининг соғлиқ, сиҳатларини қурбон қилиб бўлса-да, оилани тебратишга уринмоқдалар.

Тўғри, уруш йиллари далалар, корхоналар эркаксиз қолган бўлиб, қарамоғидаги чоллар, гўдакларни боқиш, вайроналарни тиклаш зарурати аёлни уч сменалик ишга ҳайдарди. Бугун-чи, бугун уни ҳеч ким зўрлаётгани йўқ-ку. Англаб турганимиз, аччиқ ҳақиқат шундан



иборатки, то биз бу муштипар аёлни тирикчилик ўтказиш ғамидан қутқармас, яшаш тарзини ўнгламас эканмиз, у ўз рози-ризалиги, ўз оёғи билан ишга уч сменалаб бўзчининг моксидек қатнайверади!

Француз ёзувчиси Андре Моруа "Омадли никоҳ — ҳар кун таъмир этиб турилиши керак бўлган бинодир", дейди. Назаримда бугунги аёлларда шаҳарда ва айниқса қишлоқда оиладаги мана шу зарур таъмир учун вақт йўқ. Уч сменалаб ишлаб, ҳолдан тойган бечора аёл қачон хуш назокатлари, ғамхўрликлари билан эрининг кўнглини олсин, ўзига қарасин? Ҳақиқатан, ўзи усиз ҳам бир сиқим умрда яхши хотин, жон малҳами бўлмоғи керак. Аммо қани бугунги аёлда ўзи ҳарчанд истагани, уринганида ҳам малҳам бўлмоқликка имконият? Жамият бугун аёлни шу аҳволга олиб келдики, эртадан кечгача "қушда қўним бор, унда йўқ" қабилда ҳаракат қилгани билан, на ўзи ёлчиди, на оилани ёлчитади. Биргина, мунисгина жонини мингга бўлиб урингани билан, мингга бўлиниб, парчаланиб кетган кучдан нима кутиш мумкин?!

Болаларимизнинг овқатланиш; кийиниш, билим олиш даражаси ҳатто ўз мамлакатимиз миқёсида бошқа республикалардагидан бир неча баробар паст. Қизчаларни авжи ғунча ёшида офтоб уриб кетаяпти. Буларни тушуниш учун ўринли таъкидлангандай кўп нарса эмас, безовта юрак ва очиқ кўз керак, холос. Янги пахта навлари яратиш (жумҳурият пахта далаларида асосан аёллар, болалар ишлашади), пахта меҳнатини механизациялаш борасида бутун-бутун институтлар иш олиб бормоқда. Юзлаб кандидатлик, докторлик диссертациялари ёқланиб, ҳаётга жорий этилмоқда. Аммо... Амалий натижалар кўнгилдагидек эмас. Илмга умрларини тиккан иқтидорли олимларимиз олдига қўядиган

талаб, илтимосимиз ўша-ўша. Тарихимизни шуъла-лантирган чироқларимиз, бобокалонларимиз ўзларининг "Улугбек жадвали", "Хоразмий алжабри" каби минг-минг йиллик дунё ҳайратига сазовор асарларининг руҳ, қудрати билан сизнинг ҳам ақлингиз, тафаккурингиз қаватларини ёритсинким, сиз ҳам мана шу жабрдийда халқнинг оғирини енгил қилиш йўлида, фанда, ишлаб чиқаришда бир қадам олдинга ташлайсиз, пахта юкидан эгилиб, букилиб бораётган одамларнинг қўлтиғига кирасиз, суяйсиз, деган умиддамиз.

Бугун қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам аёлнинг аҳволи мақтангулик эмас. Кечқурун дўконлар, магазинларда, кун бўйи давлат идорасида эркак қатори ишлаб ҳолдан тойган аёлларни, терга тушган, дамбадам соатга қараётган ҳолда учратасиз. Куннинг ботишига қараб қовоғи тундлашиб бораётган бу сержаҳл аёлларнинг бир хаёли ҳозир ўпкасини қўлтиқлаб етиб борганда "Ҳар доим кеч келасиз, нима сизнинг болангиздан бошқа дардим йўқми, мени", деб юзига сапчийдиган боғча опада бўлса, бир хаёли ҳозир мактабдан қайтган, аммо қасрда юргани номаълум ўқувчи боласида. Дарвоқе, бечора боғча опанинг ҳам уйида бир этак боласи, бир дунё юмуши бор. Эрталаб эса аёллар яна болаларини судраб, жеркиб боғча-яслиларга шошилаётган бўлади. Ишхонасига белгиланган соатга етиб бориб, йўқлама дафтарига қўл қўйиши керак... Бизнинг бу ночор муҳитимиз таъсири туғилаётган болаларимиз соғлиғида, характерида бекамикўст ўз аксини топмоқда. Тажанг, серзарда оналардан инжиқ, касалванд болалар дунёга келмоқда. Тагин бугунги болалар "асабий" деб ҳайрон бўлганимиз ортиқча!

Унутманг!

Эртага биздан қоладиган мана бу минг хил кимёвий

дори таъсиридан пажмурда, бсмор тупроғимиз, қуриётган боғларимиз, қақраб, чанги чиқиб бораётган дарё, кўлларимизни тирилтириш, тиклаш ишлари мана шу асабий, бизнинг ғамхўрлик, меҳру мурувватимиздан етарли баҳраманд бўлолмаган нимжон болалар зиммасига тушади.

Унутманг!

Ўзбек деган халқнинг эртанги посбонлари, қалқонлари ҳам мана шу соғлиқлари у қадар жойида бўлмаган камқон, касалванд болалар орасидан чиқади!

Матбуот навқирон ёшдаги йигитларимизнинг ҳар учтасидан биттаси ҳарбий хизматга яроқсиз топилаётганлиги ҳақида ёзди. Аждоди Алпомиш, Кунтуғмиш, Рустами-Достон бўлган балоғат ёшидаги ўзбек ўғлонларининг бугунги ўртача оғирлиги 46 килограммга тушиб қолган. Уларни Ватаннинг ҳимоя чизиқларида эмас, қурилиш батальонларида оғир этикларини зўрға кўтариб босган қадамлари юракка ботади! Мен шу ўринда жумҳуриятимизда бўлиб ўтган савияси баланд кенгашда ўқилган маърузанинг юрагимни тўлқинлантириб юборган жумласини келтирмоқчиман: "Бу соҳадаги энг долзарб масалалардан яна бири қурилиш батальонларида хизмат қилаётган ёшларимизнинг оғирини енгил қилишдир. У ерларда интизом, сиёсий-тарбиявий ишлар ниҳоятда паст даражада эканлигини биламиз. Бизнинг муҳокама учун таклифимиз шундай: агар қурилиш батальонларида хизмат қилиш керак бўлса, ўзимизда, жуда бўлмаса Ўрта Осиё миқёсида ҳам қурилиш кўп, шу ерда хизмат қилишсин". Бу — одамларни умид қўرғонларига етаклайдиган, халқни, айниқса, ўғлонлари ҳарбий хизмат ёшига етаётган аёллар, оналар юрагига чироқ ёқадиган таклиф. Бундай таклифлар, турли сабаблар туфайли партиядан узоқлаша бошлаган халқни орқага қайтаради.

Партияни халққа яқинлаштиради, жипслаштиради. Бу таклифларни тезроқ амалга оширишни сўраб келаётган мактубларнинг сони кундан-кунга ошмоқда. Ишловчи хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, уларга маданий-маиший, тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини кўтариш, болаларининг кўнгилдагидай тарбияланиши, билим олиши учун зарарли бўлган корхоналарда нормадан ортиқ даражада шовқин остида саккиз соатлаб тик туриб ишлайдиган аёлларга осон эмас. Ҳозир жумҳуриятимиз завод ва фабрикаларида хотин-қизларнинг ўн саккиз фоизи тунги сменаларда ҳам ишлайдилар. Қишлоқ хўжалигида колхозчиларнинг мавсумий иш кунлари дам олиш кунларисиз 12—14 соат давом этади. Уларнинг фарзанди эса ибтидоий шароитларга эга бўлмаган даладаги "боғча-ясли"ларда тарбияланадилар". Бу қадар оғир меҳнат уларга нима бeryпти? Афсуски, жавоб жуда ачинарли. Қайта қуриш хотин-қизларни "тенг ҳуқуқлилиги" шиори остида аёллар зиммасига юкланган керагидан ортиқ ташвишу, юмушларни олиб ташлаши керак. Унинг нозик елкаларидаги бу юклар ҳаддан зиёд оғирлашиб кетиши натижасида аёллар, юқорида айтганимиздай, ҳам жисман, ҳам маънан жуда катта йўқотишларга дучор бўлдилар. Бу, энг аввало, жумҳуриятимиздаги пахта яккаҳоқимлиги асоратидир.

Жумҳуриятимиз раҳбарияти бугунги аҳволни чуқур тушунган ҳолда бу инқироздан чиқиш йўлларини қидирмоқда. Оилаларга қўшимча ер берилиши, кўп болали аёлларнинг меҳнати ҳам ижтимоий меҳнат саналиб, уларга меҳнат дафтарчалари очилиши, 1989 йилги терим мавсумида халққа берилган бир миллиард икки юз миллион сўм пул, болаларини биринчи синфдан бешинчи синфгача бспул овқатлантириш, ҳомиладор, камқон

аёлларнинг соғлиғини тиклаш учун ажратилган маблағ— буларнинг ҳаммаси жуда катта изланишлар, меҳнатлар билан топилган имкон, олдинга ташланган қадамдир.

Жумҳуриятимиз пахта тайёрлаш планининг камай-тирилиши, далаларда заҳарли химикатлар қўлланилишининг қатъий тақиқланиши — халқ ҳаётида янги-янги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш демакдир. Азал-азалдан бобомерос, отамерос ерга қону жони билан боғланган деҳқонларимизнинг ер билан таъминланишидек катта воқеа — бугунги куннинг жиддий муаммолари: аҳолини гўшт, сут, мева-чева, сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашдаги тангликни аста-секин йўқотиш имконини беради. Халқимизнинг кўпчилик қисми районлар, қишлоқларда яшайдилар. "Шаҳар билан қишлоқ орасидаги тафовутни йўқотиш" шиори остида олиб борилган ишлар оқибатида қишлоқларни ўз табиий кўрки, латофатидан айирди. Халқнинг неча асрлик удумлари, одатлари, анъаналарига "эскилик сарқити" деб тамға босилиб, йўқотиб юборилди. "Ўлик хор бўлган жойда, тирикларга иззат йўқ", — деган гап бор арабларда. Қадимий халқ удумларини авлоддан-авлодга олиб ўтишда хотин-қизларнинг ҳиссаси катта.

Болаларимиз, ёшларимизни тарбиялаш маъносида ҳам қадимий қадриятларимизни тиш-тирноғимиз билан асрашимиз керак бўлади. Улар ҳаётга энгил-елпи қарамай, бир-бирини қадрлашлари, сабр-тоқатли, кечирувчан бўлишларида, масалаларни кескин, шитоб ҳал қилавермай, "етти ўлчаб бир кесиш"ларида қадимги қўшиқлар, ҳикматлар бир оқила онадай мазадга келади. Бу қўшиқлар янграган дақиқалар шундай ҳасратли, шундай маҳзунқи... Бу қадрдон дақиқалардан сираям ажралгинг келмайди:

Оқ илон, оппоқ илон,  
Ойдинда ётганинг қани?  
Мен ёмондан айрилиб,  
Яхшини топганинг қани?

Кетган ёридан юз ўгириш, қасоскорлик, аламзадалик йўқ бу ғамангиз сатрларда. Агар бўлганида бу қўшиқ халқ орасида бу қадар узоқ яшаб қолмасди. Бизнинг халқ қўшиқларимиз, айниқса, қадимийлари ҳаёт билан қанчалар ҳамоҳанг. Маъшуқанинг кўнглида ҳамон хайроналик. Озгина юракни эзар, эритар даражадаги гинахонлик...

Баъзан болаларимизда қадимий классик қўшиқларимизга қизиқиш камлиги ҳақида куюниб гапириб қолишади. Бу қўшиқларни қабул қилиш, қилмаслик уларнинг ўзларигагина боғлиқ эмас. Бу ерда болаларнигина айблаб бўлмайди. Ахир фарзандларимиз осмондан тушмаган-ку, уларнинг бор нуқсонларини осмонга ағдариб қутулсак. Улар бугунги сиз билан биз яратган муҳитнинг, ўз уйимизнинг, тарбиямизнинг маҳсули. Бу гуноҳ илдинини ўзимиздан, шу кунги яшаш шароитларимиздан қидирмоқ керак. Демак, биз уларга етарли вақт, меҳр, имконият ажратолмабмиз. Албатта, бу ерда биз оналарнинг хонадону, жамият томонидан "ўта сийланганлигимиз" ўз таъсирини ўтказмай иложи йўқ. Лекин бу ҳам асосий сабаб эмас. Шароит куллари бизнинг юракларимизнинг у ер, бу ерларида милтиллаб турган чўғларни ҳам кўмиб юбормаслиги, биз улар билан болаларимизнинг мурғак юракларига зиё олиб киришимиз, уларни чўғлантиришимиз, руҳлантиришимиз керак.

Нақддан келсанг отам демоқ азмойишли,  
Онам демоқ, ярашиқли, намойишли.

Ёраб, бандам деганини бўзлатмасин,  
Таёқ тираб "болам" демоқ мушкул ишдир.

Асрим унинг қон кўйлагин бошга ўра,  
Аёлдан шу ўғлон учун узр сўра.

Мен "афғон қирларида қолган" ўғлон ҳақида шеъримнинг мана шу сатрларини тўлиғича онамдан олганман. Энди мен ўз болаларимга "эслаганда айтиб юргулик, ёмон йўллардан қайтиб юргулик" нима айта оламан? Масала мана шундай қўйилиши керак. Бизни манқурт қилиб яратмаган эканлар, бизнинг ҳам фақат ўз фароғатимизни ўйлаб яшаш, ўз умримизни амалтақал яшаб, ортимизда манқуртлар қолдирмоққа маънан ҳаққимиз йўқ.

Биз болаларимизнинг соғлиғи, жисми жони билан биргаликда маънавияти учун ҳам қайғуришимиз керак.

Яна бир жуда муҳим масалада тўхталиб ўтмоқчиман. Яраларидан қон сизиб турган ва бу яралар ҳали-бери битиб кетмайдиган Фарғона, Бўка, Паркент, фожеалари биз аёлларни ҳушёр торттирмоғи керак.

Тўғри, халқнинг жуда қийин кун кечираётганлигини бугун аҳолининг етти ёшли гўдагидан тортиб етмиш ёшли оқсоқолигача тушуниб турибди. Тўғри, муаммоларни бартараф этиш осон кўчмаяпти. Орқама-орқа балоғатга етаётган ёшлар, йигитлар асов отдай ўз кучларини қаерга қўйишни билмай иш сўраб шаҳару қишлоқларимизда изғиб юришибди. Аммо, азизлар, неча ўн йиллар давомида етилган бу муаммоларни ҳал этиш учун маълум фурсат, моддий имконият кераклиги ҳам кундай аён-ку! Қонни қон билан ювиб бўлмайди. "Душманинг уйидан ҳам ковушдек ўлик чиқмасин", деган гап бор халқда. Муаммоларни ҳал қилиш йўли

бу эмас эди-ку! Нега шундай бўлди? Биз қаерда вазиятни етарли баҳолай олмадик? Бу гўрлигимиздан ким, қай йўсинда фойдаланди? Саволлар, тахминлар, афсусларнинг чеки йўқ... Биз ҳали узоқ йиллар бу хунрезликлар сабабларини муҳокама қиламиз. Аммо... аммо нима ўзгаради?.. Йигитлар, гулдай йигитларнинг қабрлари устида гуллар ўсиб ётибди бугун. Мана, боши омон одам камбағалнинг елкасига офтоб теккан кун, ер ҳақида имзоланган Қонунни ҳам кўрдик. Бугунги кунда ишсизларни иш билан таъминлаш масаласи ҳукуматимизнинг ўз олдига қўйган энг долзарб, энг кескин масаласи бўлиб турибди. Ўлмаган одам эрта-индин бу кунга ҳам етмоғига имоним комил.

Фарғонадаги тўполонларда йигитлар мана шу хил талабларни ҳам ўртага қўйишган эди! Афсус, биз уларни асраб қола олмадик! Нияти пок бўлмаган қўллардан уларни ажратиб олишга улгурмай қолдик. Бу ҳақда ўз маърузаларида ҳурматли секретаримиз шундай таъкидладилар: "Такрор айтаманки, сиёсий, маънавий бурчимиздан ташқари энг аввало оталик бурчимизни ўйласак, фарзандларимизнинг тақдирини ўз манфаатлари йўлида қурбон қилаётганларга бешарқ қараб туришимиз керакми?"

Мен бугун юрагимда санчиқ туриб фарғоналик, бўкалик, паркентлик оқила, фозила аёлларга мурожаат қиламан:

Онажонлар, опа-сингилларим! Бу бебақо дунёда аёлга, онага унинг фарзандидан яқинроқ, азизроқ нима бор? Қолган бор дунёсини бир ёнга қўйингда, бир ёнга гуркираб, юрагида асов ўт ёниб турган ўғлонингизни қўйиб шунинг азиз жонини асраш пайида бўлинг. Ахир биз уларни осонлик билан шу ёшга етказганмизми? На мана бу ҳал қилиниши



керак бўлган муаммолар, на миллий низо, бу каби масалалар болангизнинг ҳатто тирноғи тўкилишига ҳам арзимаслигини, бу ҳаммаси айланиб келганда тинч йўл билан ҳал қилиниши, изга солиниши мумкин бўлган гаплар эканлигини болангизга тушунтира олармикансиз?! Ахир баъзи жумҳуриятлар, давлатлар бундан каттароқ масалаларни ҳам фуқароларнинг бир тола сочлари ҳам тўкилмай ҳал қилиб олишяпти-ку. Бугун яна қон тўкилмаслиги, одам ўлмаслиги учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилишимизни оддий оналик бурчимиз тақозо этади.

Хавотирли юракларимизда оналикнинг буюк куч, қудрати бош кўтармоғи, болаларимизнинг азиз жонларига қалқон бўлмоғимиз, керак бўлса — улар ўтар йўлларга ўтиб бўлмас тўғон бўлиб ётмоғимиз керакки, бола, агар у одам боласи бўлса, оёқ остидаги онаизорини қон қақшатиб, босиб ўтиб ўлмоққа, ўлдирмоққа кетмас!

Ҳавода учиб юрган хас ҳам бесабаб кўзга тушмас экан. Улуғлар бесабаб улуғланмас, халқнинг сиғинадиган каъбаларига айланмас экан. Менинг ҳам ўз сиғинадиган шоирларим, каъбаларим бор. Уларнинг бири қашшоқ эл-улус дардида фарёд чекиб "ўз кўз ёшларига тоя-тоя кетиб бораётган" Огаҳий. Яна бири "хор-зорларга ачинмоққа чақирдим", деб ҳамон дунёни шафқату мурувватга чорлаётган руснинг буюк имони Пушкин. Бири "Украинам, ҳасратингдан юрак бағрим бўлди доғ", деб ҳануз титраниб-титраниб айтиб келаётган мунис, қайгулари ёруғ украин шоираси Леся Украинка, бири "шўрлик халқим, мол ортида судралиб ўтган халқим", деб ҳануз кўкси пора халқи дардида куйиб бораётган қозоқ шоири улуғ Абай.

Демоқчиманки, бугун ер юзида "инсонман" деб кўксига уриб юрганларнинг ҳар бирига ўз халқининг

катта муаммолари, қайғуларига қайғудошлиги, яқинлигига қараб баҳо берилиши керак. Халқнинг мунис аёлларига, бегуноҳ, беҳишт қушчаларидай гўдакларига кўрсатган меҳру муруввати, шафқати, кўмагига қараб баҳо берилиши керак. Ташқаридан келган одам, элнинг қандай эл эканлигига унинг остонасида пешвоз чиққан аёлига қараб баҳо беради.

Маъсума онангиз, мунис аёлингиз, қўш олчадай суюмли қизалоқларингиз, опа-сингилларингиз чеҳрасига диққат қилинг. Бахтлими, кўзлари ўтсиз, ранглари синиқ эмасми уларнинг? Рисоладагидай кийинганми, зийнатланганми улар? Сизнинг ҳақиқий оилапарвар эрлик обрўингиз, жамиятнинг обрўси қай даражада эканлигини белгиловчи асосий мезон мана шу.

Сўзимни устоз Алишер Навоийнинг аёлни улуғловчи бир тўртлиги билан яқунламоқчиман. Зеро, маним назаримда аёл таърифини ул ҳазрат қадар маромига етказиб айтган бошқа бирор шоир ҳали Шарқу Фарбнинг шеърият майдонларида бўй кўрсатгани йўқ:

Кўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши,  
Юз бирла сўзинг яхши, дудоғинг яхши.  
Энг бирла менгинг яхши, сақоқинг яхши,  
Бир-бир не дейин, боштин-аёгинг яхши.



## Юрагимнинг оғриқ нуқталари

(Мени Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига  
номзод қилиб кўрсатишганда  
шоир Икромжон Отамуродов билан  
шундай суҳбат бўлиб ўтганди)

— Ҳалима опа, суҳбатимизни академик Андрей Сахаровнинг гапидан бошласак: "Жамиятни фақат маънавий заминларга суяниб юксалтириш мумкин". Муддао равшан. Сиз қандай ўйлайсиз?

— Икромжон, суҳбатимизнинг бошидаёқ Сахаровнинг сўзини келтириб юрагимнинг оғриқ нуқталаридан бирига тегиб кетдингиз. Машрабни кимлар осган, Нодирани-чи? Улуғбекнинг бошини кимлар кесди? Бир сўз билан айтганимизда, кўнгил кўзи кўрлар, маънан сўқир одамлар, шундаймасми? Бу ҳали минбардаги бир кекса одамни ҳуштаквозлик, чапаквозлик билан довдиратиб қўйиш, фикрини издан чиқариш, асабини ўйнаш экан-ку!.. Худди кечагидай кўз ўнгимда, залга қараб ҳали фикри тугамаганини уқтиролмаётган, бир амаллаб

гапириб олиш умидида қайта-қайта ўзини қўлга олиб сўз бошлаётган, яна беомон олатасир қарсақлар, ҳуш-таклар остида гапини йўқотиб қўяётган, озгин қўллари қалтираб минбарда сочилиб кетган нутқи, қоғозларини йиғиштириб ололмаётган асабий қария... Умр гузаронликдаги бўронлардан ичи тўкилиб, говак бўлиб қолган, гичирлабгина турган кекса чинорнинг қулаши учун бундан ортиқ қандай зарба керак? Эҳтимол, унинг жон ришталарининг дастлабки иплари, ўшанда, минбардан кўнгли оғриб, мағлубларча, мункиб тушиб келаётганида узилгандир?!

Бошқа фикрларини қўятуриб, Сахаровнинг биргина Афғонистонга аскарларимизни киритмаслик хўсусидаги қаршиликка учраган фикрини эслайлик. Агар унинг биргина шу фикри ўз вақтида инobatга олинганида фақатгина Ўзбекистонда 1400 дан зиёд йигит, умид-орзу билан бўйларига гул ўлчаб ўстирилган марди-майдон ўғлонларимиз мулки афғон бўлиб Афғон қирларида қолмаган, ўз жигар-гўшалари бағрида ўйнаб-кулиб юрган бўлармиди?!

Ўзи ақлга, инсофга чақирган одамларнинг ўзига бўлган "сийлови"дан довдираб қолган донишманд Сахаровнинг руҳи бугун ўша ноҳақ баҳслар иштирокчиларини ҳам, бу баҳсларга томошабин бўлиб ўтирган бизларни ҳам кечирсин!

— Сезишимча, гап зайлини қадрни, ғурурни англашга, ор-номусни сезишга, ўзни танишга буряпсиз? Алалхусус фикр бир бутун эътиқод бўлиб шаклланиш, якдил халққа айланишдек азалий муаммо тўғрисида.

— Биз ўз йўлимизни ёритмоқчи бўлган ўз чи-роқларимизни ҳамиша, бешафқатларча ўз қўлимиз билан ўчирганмиз. Бунга тарихдан кўплаб мисол келтириш мумкин.

Дили тиғи ситамдан пора бўлган халқни кўрлим,  
Тани дарду аламдин ёра бўлган халқни кўрлим,  
Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган халқни кўрлим.

Ахир, "Дили тиғи ситамдан пора бўлган" мана шу халқ ўзининг эҳтиросли ҳимоячиси Бобораҳим Машраб-дек шоирини дордан қутқариб қололмади-да! Қутқариш учун эса, Сахаров айтганидай, биз "юксалишимиз, маънавий заминларга суяниб юксалишимиз керак". Ҳавода учиб юрмай, маънавий заминларимизни чуқурроқ ўрганишимиз, бу заминнинг қаерига беписанд, беўй оёқ қўйсақ кимлар чирқираши, қайси жойига оёқ қўйсақ кимларнинг руҳи бош кўтаришига фаросатимиз этиши керак. Яна кўзим ўнгига ўз кўз ёшларига "тоя-тоя... кетиб бораётган" бобожонимиз Огаҳий келаяпти. Яқинда унинг яна бир ноласига кўзим тушди:

Кўнглим ўтига сув урмоқ бирла таскин истаманг  
Ким анинг бир учқуни солғуси юз Жайҳунга ўт...

Тасаввур қилинг, томиримиз, бобокалонимиз Огаҳийдай "маънавий заминимиз"нинг кўнгли ўтининг, дардларининг бир учқуни юз Амударёнинг ёниб кетмоғи учун кифоя бўлса, биз қаерда ўсганмиз, Икромжон? Биз қандай шароитда бу хил фавқулодда дардсиз "бахтли куйчилар" бўлиб улғайдик. Мана шу нарса мени ажаблантиради. Заминдан ажралиш эмасми бу?!

Улуғ бобомиз Қодирийнинг турмада тушган суратдаги кўзлари ёдингиздами? Мен бу кўзларга илк бор дуч келганимда сурат қаршисида узоқ қотиб қолдим, кўнглимдан эса мана шунга яқин ўйлар кечганди... Иншоолло... Мен бу кўзларни ўз кўксимда бор фиғон-фарёди билан ўла-ўлгунимча кўтариб юраман!

Қодирийнинг кўзи...минг йиллик гамим,  
Ҳеч қачон бут бўлмас, ҳеч тўлмас камим!

Маъюс кўзларингдан ўргилай жабрдийда халқим, улуғ халқим! Ахир, сен ер юзига ҳазрат Навоийдек, устоз Улуғбекдек, улуғ Қодирийдек фикрат устунларини бергансан. Бугун мен субҳи-саҳарлар қодир табиатга мана бундай илтижо қиламан:

"О, қодир эгам, энди сен менинг даҳо фарзандлар туғиш, ўстиришга қодир жафокаш халқимга ўз фарзандларини тариқдай тирқиратмай қовуштириш, бирлаштириш, болаларининг олтин бошларини асраш куч, қудратини ҳам ато эт!"

"Адабиёт" газетасининг шу йил 5 январь сонисидаги "Қисмат" мақоласида Тошкентдаги 2-гуруч заводининг ишчиси, 1908 йилда туғилган Калонов Шукурнинг СССР Давлат Хавфсизлик министрлиги қошидаги кенгаш томонидан антисовет тарғиботи учун Красноярск ўлкасига сургун қилиниши 1989 йил 13 мартда асоссиз деб топилгани ва ўлимидан сўнг оқлангани ҳақида ўқиб қолдим... Бунгача у ўн йил Сибирь ўрмонларида, беш йил Узоқ Шарқ қамоқхоналарида ўтириб чиқади. Бу "ўтириб чиқиш", Сибирь аёзлари асоратлари билан Шукур Калоновнинг озодликдаги саноқли йиллари ҳам касалхоналарда ўтади ва қисмати оғир кечган инсон 49 ёшида 1957 йилдаёқ оламдан ўтади.

Шу кунларда менинг бобом, аввалги мақолаларимдан бирида ёзганим репрессия қурбони бўлган Холназар Чавандознинг ҳам оқлангани ҳақида, менинг онам Қаршигул Холназар қизига, тоғаларим Саидқул, Раззоқ, Қодирқул Холназар ўғилларига хабар келди. Мени Боёвутга, онамнинг мазаси бўлмаётганини айтиб чақиртиришди. Борсам онамнинг ранги докадай оқариб кетган. Қўллари қалтираб пичирлайди холос... Оқлашибди,

падари бузрукворимни оқлашибди... билардим-а, оҳ, шўрлик отам-а, воҳ шўрлик отам... тариқча гуноҳинг йўқлигини билардим...

Азоб, Икром, умр бўйи ҳаммасини билиб, тишни-тишга қўйиб яшашдай оғир азоб йўқлигини мен ўз онам мисолида кўрдим. Ёши қирқни қораламай сочлари пахтадай оқариб кетганлигини мен меҳнатнинг оғирлигидан деб билардим... Ахир, инсон устидан, унинг бир мартагина бериладиган қонуний ўз умри устидан шу қадар бедодлик, масхарабозликлар... Ахир, бу одамларнинг ҳар бири авжи гуллаган йигитлик ёшида (бобом 37 ёшда кетган эканлар) Узоқ Шарқ қаҳратонларида ўпкасини совуққа олдирибми, даҳшатли Сибирь қамоқхоналарининг совуқ баракларидаги ақлингга буров соладиган тергов азобларига дош беролмай ақлдан озибми ит азобидида ўлиб кетган бўлсалар-у, орадан 40 йил, 50 йил ўтгач тегишли жойлардан "уларга қўйилган айблар асоссиз эканлиги айтилиб, уларнинг оқланганлиги" ҳақида қогоз олсанг... Бу қандай иш юритиш йўсини бўлди, ахир?

Биз ер устида биргалашиб жўр овозда (тушунган катталар ва тушунмаган болалар бирдай) шодмон бахт қўшиқларини айтганимизда, ер остида бари бирдай қучоқлашиб, айқаш-уйқаш ётган эски, беқасам чопонига ўранган Чўлпонлар, совуқ урган Усмонлар, диндор деб бошидаги салласи кўчага улоқтирилган, бир пой маҳсисини қўнғилтоқ кийиб, бир пойини кийишга рухсат берилмагани учун қўлтигига қисиб чиқиб кетганича бедарак йўқолган менинг бечора бобом Холназар Чавандоз, Шукур Калонов... булар қонуний нафрат, аламдан қандоқ оёққа турмадилар экан?! Ўша йиллар қай даражада бемаъниларча бахтиёр яшаганимиз, куйлаганимизнинг фаҳмига ва буларнинг сабабларига энди-

энди унча-мунча етаётгандайман. Қатагон репрессия йиллари, қисқа вақт ичида халқ орасида ўқув алфавитининг икки марта ўзгаргани... Зиёли, билимдон одамлар, муаллимлар, нафақат одамлар, китобларгача қувғинга учрагани... бу каби ҳодисаларнинг ҳар бири оддий халқ орасида аста-секин илдиз отиб, қўрқув, ваҳиманинг авж олиши, эътиқоднинг сусайиши, манқуртликнинг бошланишига олиб келган.

Шу маънода Андрей Сахаров юз маротаба ҳақ. Жамиятни инқироздан илмий-техника инқилоби, ишлаб чиқаришдаги юқори кўрсаткичлар эмас, маънавий шаклланиш, маънавий юксалишгина асраб қолиши мумкин. Лев Толстой топиб айтган: "Агар бизнинг юрагимиз бўм-бўш бўлса, уни қонунлар билан ҳам, сиёсий ислохотлар билан ҳам тўлдириб бўлмайди". Юрагимизни кўтариб турадиган устун — бизнинг эътиқодимиздир.

— Сизнинг ҳаёт йўлингизга дахлдор муаллимнингиз ким? У мазкур тушунча ифода этган маъно даражасида қисматингизга шерик бўлганми? Бугунги муаллим тўғрисидаги таассуротингиз?

— Ҳаётингизда ва айниқса, тарих ва адабиёт фанидан дарс берувчи муаллимлар маълум даражада санъаткор ҳам бўлишлари, дарс ўтишни санъат даражасига кўтаришлари керак. Менинг адабиётдан дарс берган ўқитувчим Акром ака Каримназаров (у киши ҳалиям ўша бизнинг Боёвут районининг Ленин номи кохозидagi мактабда адабиёт муаллими) маъноли ўқишга жуда эътибор берардилар, ўзлариям эринмай қатор шеърлар, баъзан бутун-бутун поэмаларни бошдан оёқ ёддан ўқирдилар. Мен дарсликларимиздаги қайта ишланиши керак бўлган саҳифалар, номукамалликлар учун аввало, шу одам олдида ўзимни айбдор сезаман. Мен айрим шеърини асарларимиздаги ура-уралар, аравани



қуруқ олиб қочишлар, риторика учун (дарсликларимизда бундай асарлар истаганча топилади) шу одам олдида қизараман. Чунки, улар китоблар, ёзувчилар, шоирларга ҳали-ҳануз ғайри табиий бир катта эҳтиром, улуг меҳру муҳаббат билан қарайдилар. Шу ғалати, ижодкорга бўлган чексиз меҳру муҳаббатни болалар юрагига шундай санъаткорлик билан ўчмас қилиб сингдирадиларки... Шундай одамларни, сенга бўлган эҳтиромни, меҳрни ҳар йили сенга нотаниш янги авлод, 30—40 боланинг юрагига соладиган ўз беминнат, дарё кўнгилли ташвиқотчиларингни алдаб бўладими, уларга бешфарқлик кўрсатиб бўладими?!

Менинг назаримда, Ақром ака билан Чингиз Айтматовнинг "Асрга татиғулик кун" асаридаги қишлоқ ўқитувчиси Едигей орасида қандайдир умумий ўхшашликлар бордай...

Болаларимиз катталардан кўрганини қилишади. Айниқса, ўқитувчиларнинг. Ўтган йили қишлоқ мактабларининг бирида шундай воқеа бўлганини айтиб беришди. Юқори синф ўқувчилари ҳар бири 15 сўмдан пул йиғиб ўз ўқитувчиларига қимматбаҳо узук совға қилишибди. Бемалолроқ оилаларда билинмас балки, камхарж оилалардачи, бир ойлик боғча пули бу. Ёки иккита иссиқ этикча олинса, гўдаклар бу қишдан омон чиқадилар. Қишлоқда бир аёлни биладан. У ўзи қишлоқ идораларининг полини ювиб тирикчилик қилади. Болалари мактабда ўқигани учунми ҳали мактабнинг деразаларини, ҳали синф полини ювиб юрганини кўраман... Бир гал атайлаб шу ҳақда сўрадим.

— Нима қилай,— деди у уҳ тортиб.— Одамлардай амалдор бўлмасамки, булар мендан ҳайиқишса ё бештўрт сўм буёғимда ортиқча бўлсаки, байрам-пайрам деб бу қуриб кетгурларнинг кўнглини олсам... Кучим қў-

лимга етади. Болаларимга дурустроқ баҳо қўйишса медал-педалга илинармикан, дейман. Баъзан ўзлариям шаъма қилишади. Болаларимам ўзимдай рабочий бўлиб косаси оқармай юрмасин деб, буларга сочим сунурги, қўлим косов...

Бу ёшгина келинчакнинг ҳасратларини эшитиб ўтирибману юрагимга сим-сим оғриқ кираётганини сезаман. Биз сиз билан, Икромжон, ўзликни англаш, қадр туйғуси ҳақида гапираяпмиз. Мана бу онасига уйини тозалатиб, отасини ўз томорқасида ишлатиб, боласига яхши баҳо қўядиган айрим ўқитувчилар ҳам, ҳар йили олтин медаль баҳонасида "бир нималик" бўлиб қоладиган баъзи мактаб директорлари ҳам шу жамиятимиз аъзоси.

Энди мана бу хўрсиниб ўтирган келинчак — менинг кўксимнинг оғриғи. Унинг боласининг "рабочий" бўлиб қолмаслиги мана бу беандиша, маҳаллий амалдорчаларгагина боғлиқ эмаслиги, бунинг учун ҳали биргаликда жуда кўп ишлар қилишимиз, аввало, унинг ўзи (шу келинчак)нинг ҳаётга қарашларини ўзгартиришимиз кераклиги, қолаверса, мана бу тамагир одамларнинг нафсини қирқиш йўллари ҳақида ўша кунни анча гаплашдик. Жамиятда кичикми, каттами юлғичликни йўқотмас эканмиз, маънан юксалиш ҳақида гап бўлиши мумкинми?! Муаллим деб, болаларга ҳарф танитган, халқни танитган одамларга айтилади. Афсус юқоридаги кимсалар ҳам муаллимлар номидан гапирадилар. Маънавиятнинг асоси — инсоннинг ўзлиги, ўзининг қандай ишларга қодирлигини англашидан бошланса керак. "Ўз кучига ишонган одамнинг қўлидан кўп нарса келади", дейди Гумбольт.

— Маънавият ҳақида кўп гапириляпти?!

— Тўғри. Ҳамишяам йўқолаётган нарса ҳақида кўп гапирилади. Бу йўқотишни мен нималарда кўраман?

Бултур телевизор кўриб ўтиргандик. Бир пайт тутаб ётган ахлат уюмини машинага ортаётган одамни кўрсатишди. Шу ахлат орасидан ташлаб кетилган янги туғилган, ҳали совуб улгурмаган чақалоқнинг ўлиги чиққанлигини айтишди. Ёраб, шу бурқсиб тутаб ётган ахлат уюми ёниб кетса чақалоқ тириклай шу ахлатхонада ёниши керак! Тушуняпсизми, Икром, ноннинг уволи, қуш, қумурсқанинг уволидан кўрқадиган инсон бугунги кунда ўз қонидан бино бўлган жигаргўшасини тириклайича тутаб ётган ахлатхонага ташлаб кетаяпти!

Ахир, яхши тарбия кўрган оилаларнинг болалари қўғирчоқларини ҳам тўғри келган жойга ташлаб кетмайди-ку! Матбуотда айтилишича, бултур мамлакатимиз бўйича 13—14 ёшдаги мактаб ўқувчилари — қизлардан 3 минги фарзанд кўрганлар. Шундай шармандали воқеа бўлган битта оиланинг аҳволини кўз олдингизга келтириб кўринг! Болаларимиз "Муножот"ни эшитишга ҳушлари йўқ, эртадан кечгача "рок" музыкаларига зикр тушадилар, деб хавотирланадилар баъзи дугоналарим ўз болалари хусусида.

— Бунинг боиси?

— Ҳаммасининг бош сабаби — оилани асосий юри-тувчи кучи — аёлнинг ўта бандлигида. Аёл ҳозир шаҳарда ҳам (қишлоқ аёли ҳақидаку гап очмай қўя қолай) давлат идораси, уй, бозор-ўчар, меҳмон-излом ўртасида бўзчининг моқисига айланди. Ўз маънавий дунёси, болаларининг маънавий дунёсини ўйлаш ҳақида вақт қайда унга. Вақт, шароит, ҳаётимизга бостириб кириб келаётган Ғарб музыкалари, Ғарб ҳаёти эса ўз ишини қилиб, ёшларимизнинг ҳаётга қарашларини ўзгартириб, уларни йўлдан уриб улгураяпти. Уч минг қизалоқнинг минг сиру синоатли дунёларининг сеҳри очилмасқ барбод бўлмадими? Болаларимизнинг ўсмирликдан ўтиб улгур-

май туриб, хазон япроқларидай сўнаётгани, орзу-истакларининг чинни дунёлари чил-чил синаётгани, қадрлари поймол бўлаётгани эмасми бу?! Тўғри айтасиз. Бу ҳақда кўп гапириляпти. Энди бир ўзимизни қўлга олиб, амалий ишга ўтсак эди...

— Сиз ўзингиз нималарни тавсия қилардингиз?

— Бунинг учун аввало: қандай йўллар билан бўлмасин аёлнинг давлат идорасидаги иш куни соатини қисқартириш, (мен бу ҳақда деярли ҳар чиқишимда эслатаман);

мактаблардаги ўқув программаларини ўзгартириш, дарслар савиясини ўқувчиларни Ғарб музыкаларидай ўзига торта олиш даражасига олиб чиқиш;

ўқитувчиларнинг маънавий савиясини кўтариш;

болаларни кўчада эътиборсиз, бекор қолдирмаслик;

бола ҳаётида оила жавобгарлиги, ота-она масъулитини бир неча баробар ошириш (қанчалик бандлигимиздан қатъи назар);

жамият учун назоратсиз қолган бола келтирган зарарни ота-онадан ундириб олиш ҳақида қонун чиқариш (бу қонун болаларни ўз ҳолига ташлаб қўйган кўпчилик ота-оналарни ҳушёр торттиради);

ўқув программасига тарбия соатлари киритилиши каби фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлардим.

Қаранг, Мопассан нима дейди:

"Эркак ва аёл муҳаббати — бу ихтиёрий келишувдир. Буни уларнинг қай бири бузса, фақат хиёнатда айбланиди, аммо аёл она бўлгач, унинг бурчи янада кучаяди, бинобарин, табиат унга зурриёд масаласини ишониб топширган". Табиат бизга зурриёд масаласини ишониб топширган экан, биз зурриёдларимизнинг ҳаётларини бошидаёқ мурғак юракларининг чил-парчин бўлмоғига йўл қўя оламизми, ҳали гуноҳ нималигини тушуниб-ту-

шунмай шу йўлга кириб кетаётганларига бизнинг юракларимиз, аёллар юраги тинч қарай оладими? Бас, шундай экан. болаларимизнинг эртанги куни, жамиятимизнинг эртанги кунини соғломлаштириш учун оёққа турмасак бўлмас!

— Ёнингиздаги инсоннинг қиёфаси?

— Ҳақиқатан, бизнинг ҳаётимиз ёнимиздаги инсоннинг қиёфаси, руҳий дунёсига қанчалар боғлиқ. Биз болаларимизнинг (бизнинг икки қиз, уч ўғлимиз бор) отаси билан бир кўнгилдан суҳбатлашиб қоладиган бўлсак (албатта бундай бахт бизга тез-тез насиб бўлавермайди, иккаламизда ҳам ҳамиша бандлик), минг йил ўтиб кетганини ҳам сезмаймиз. Менинг яратгандан, қодир табиатдан сўровим бундай:

"Агар қўлингдан келса, бандам деган бандангни "ёнидаги одам"дан қисма. Умр ўзи бир сиқим. Шуниям қанчадир қисмини келишмовчилик, ғиди-бидига сарфлашга тўғри келса, бу овора умргузаронлик учун, бу тириклик дунёсига келиб-кешиб юришга арзимайди".

— Изма-кейин вояга етиб келаётган авлодлар орасидаги давомийлик ва фарқлар, сизнингча, айнан қайси жиҳатларда кўринади? Борди-ю, авлодлар орасида фарқлар содир бўлса, буни қандай йўсинлар билан яқинлаштириш мумкин? Маънавий қашшоқлик қусурини нима билан изоҳлаш мумкин?

— Авлодларни катта, умуминсоний туйғулар бирлаштиради. Масалан, бир бутун халққа бўлган фидолик, Ватанни танишга бўлган фидолик, ёрга, фарзандларга бўлган меҳру мурувват, муҳаббат. Одамзод авлодлар орасида кўприк вазифасини ўташи, аждодидан қолган дуру гавҳарларни йўл-йўлакай тўкмай, йўқотмай, ўзи тополса қўшиб авлодларига етказиши керак бўлган кўприк вазифасини адо этмоғи лозим. Биз, афсус, мана

шу тарихий заруриятни кўнгилдагидай ўтаяпмиз деб айтолмаймиз. Болаларимизнинг кўзларига, юракларига назар ташлаб кўринг, йўқ, кўпинча уларнинг сиртига қараб, баъзан ҳавасинг келса-да, кўнгилларига кўз солиб зулматга дуч келасан. Қанча кузатма, сарсон бўлиб қанча излама милтиллаган нур кўринмайди. Бунинг учун мана шу қуруқ, шовқини зўр, шақилдоқсифат болалардан хафа бўлманг, укам, бунда уларнинг заррача айби йўқ. Айб, боболаридан олган инжу-дурларни болаларига етказиб беролмаган ношуд ота-оналарда. Баъзан давраларда икки оғиз табрик сўзини ўзбекча айтолмайдиган зиёли дўстларимиз бор. Икки оғиз табрик сўзи! Шунини айтолмайдиган одам ўз боласига жаҳонга кўз-кўз қилгулик бойлигимиз бўлган Аҳмад Яссавийдан нима айтиб беролади, Маҳмуд Қошғарийдан-чи? Боболаримиз ўз тилларидан тортиб "Девони луғатит-турк"даги чуғурлаган қуш тилигача билганлар. Бизнинг эҳтиётсизлигимиз, беғамлигимизни қарангки, ўз тилимизни ҳам йўқотиб ўтирибмиз. Тил-а, тилсиз, ўз она тилисиз ер юзида қандоқ бош кўтариб юради одам!

— Шахс маданияти тўғрисида ўйлаганингизда, сизни нималар безовта қилади?

— Ҳаётда ўзини танишдан, ўз томирлари қайси булоқлардан сув ичганини билишдан муҳимроқ жараён йўқ. Таниган, билган одам ўз даражасига, "ўзининг нархи қанчага баҳоланишига" ҳам фаросати етади. Ўзининг қадрига етган одам ўзи илма-тешик шолчада ўтириб, ўзгага пар тўшак тўшамайди.

— Яхшилик, меҳр-муҳаббат, оқибат, самимият сингари фазилатларнинг қадрсизланишини қабул қила оласизми? Виждон экологияси, онг экологияси каби тушунчалар фикрлашув тарзимизга чуқур ўрнашиб дард билан такрорланаяпти. Масаланинг бундай ха-

вотирлик сабаби инсоний қадриятни асраб қолиш муаммосига бориб боғланади чоғи?

— Ғалати парадокс. Биз тўқ яшаганимиз, билим савиямиз, саводимиз ортгани сари қадимий қадриятларимиздан, бир-биримиздан узоқлашиб кетаётгандаймиз. Оддий инсоний муомала, бир-бирининг кўнглини овлаш камёб ҳодисага айланиб бораётгандай. Табиатку, билмайман, қай ғазаб келтирар қилмишимиз боис, ношуд боласидан юз ўгирган отадай берман қарамай, кўллари қуриб, қуш-қумурсқалари қирилиб, дов-дарахтлари сўлиш тортаяпти. Одамзод, бу бугунги гоҳо беёд, бедод бўлиб бораётган одамлар ҳам шу табиатнинг фарзанди-да, наҳотки, биз ҳам меҳру диёнатдек яшил япроқларимизни тўкиб, қуруқ танага айланиб бораётган бўлсак?!

Кўрқаяпман. Одам одамга ўхшамай бораётганидан кўрқаяпман, Икром. Республика телевидениесининг "Инсон ва қонун" кўрсатувида бир суд жараёнини олиб кўрсатишгани ҳамон эсимда. Прокурор воқеа тафсилотини айтиб тугатгунча ўзини йиғидан тўхтатолмади. Эҳтимол, ўша куни шу кўрсатувни ким кўрган бўлса, ҳамма йиғлагандир. Бировнинг ғамидан йиғлай оладиган одамдан умид қилса бўлади.

Ўша куни бир йўла 3 одам, хотини ва қайнонасини отиб ўлдирган, қайнсинглисини оғир ярадор қилган қотил йиғитни суд қилишиб отувга ҳукм қилишди.

Тўрт қурбон бир уйдан! Бундай кунда халқдан олдинроқ биз йиғлашимиз керак, Икром! Қайси халқдаки қотил кўп бўлса, қурбон кўп бўлса, бу ҳол учун аввало шу халқнинг ёзувчиси йиғлаши керак! Негаки, биз ўз асарларимиз билан донишманд Чингиз Айтматовнинг ўз Манқурт боласининг ўқидан ҳалок бўлган Найман онасининг нолаларидай фиғону фарёдларимиз билан халқнинг қотиб бораётган кўксини юмшатишимиз, жаҳолатнинг олдини олишимиз керак эди.

Даҳшатга тушганим, Икром, ўлимга ҳукм қилинишига ақли етиб турган қотил, "қўшимчангиз борми?" деган саволга бир-иккита шундай арзимас гапларни қўшимча қилдики, аламдан дод дегинг келади! Қандай аҳволга тушаяпмиз?! Онг занглаши, онг қуриши эмасми бу?! Виждон, имон таназзули эмасми бу?! Ўша куни қотилнинг хотини воқеадан анча олдин унинг чўнтагидан наша топиб олгани, уйида тўполон бўлгани, эри хотинини урганини айтишди.

"Опам ўзини эри ўлдиршини яхши билардилар,— дейди келинчакнинг синглиси кўз ёши дув-дув тўкилиб,— эрдан чиқишни ор билдилар..."

Ёраб, бу қандай бедодликки, ор-номус кучи фақат ва фақат ўзини ўлдирмоққа етса! Биз қизларимизни қандай тарбияляяпмиз ўзи, наҳотки улар ўзларини ҳимоя қилиш учун ўз юракларида тариқча куч топмасалар? "Эрдан чиқариб олиш ўлимдан ёмонлиги" ҳақидаги қаердаги бемаъни фикр бизнинг мушфиқ, мунис оналаримиз, мўмин-мусулмон оталаримиз кўнглидан қачон чиқиб кетади? Қачон улар ўз қадрлари, одам учун бир мартагина бериладиган ҳаёт қадрига етадиган, ўз қадри учун бош кўтара оладиган бўладилар, қачон?!

— Инсоннинг табиатга муносабатида маданиятнинг ўрни?

— Инсон табиатга фақат ўз истеъмоли учун керакли нарса деб қараяпти. Мен шундан ташвишдаман. Болалигимни, 3—4-синфларда ўқиб юрган пайтларимни эслайман. Колхозимизнинг юқори қисмидаги у томони Котлованга тутшиб кетадиган беҳишти-жовидонни эслатовчи боғи бўлиб, ўша боғ ер билан битта бўлиб тўкилган олмаларни оқизиб кетаётган шарқираган сувлари билан фақат хотирамдагина қолди. Ям-яшил хушбўй гилам — чим устида у ер бу ерда ётган



катта-катта оппоқ олма, ноклар, ҳақиқатан ҳам, Икромжон, ўйнай-ўйнай у ер-бу ерда думалаб, ухлаб қолган болачаларга ўхшарди. Дастлабки китобларимдан биридаги қуйидаги сатрлар ўша бир умрга кўнглимга муҳрланган кўринишлар тасвиридир:

Унда-мунда ухлаб қолган гўлаксахт —  
Чимга нақш олмалар тўкибли дарахт.  
Гўдакларни ердан кўтарадир бахт,  
Юртим, тўкин боғлар фасли бу фасл.

Ўшанда колхознинг Юсуф Хўжабеков деган иззатли раиси бўларди. У киши ҳозир Янгийўлда. Улар отам билан чақ-чақ суҳбат қуриб, китобхонлик қилганларида тонготар базм бўларди. Гўрлари нурга тўлгур отам эски китобларни қироатини жойига келтириб, ғалати, юракни ларзага келтиргувчи бир хониш билан ўқирдилар...

...Шундай қилиб, Ҳазрат Алимиз мункиб йиқилган, елка, яғрини супадай, бир элни кўтаргулик саман отларини бир силтаниб, кўтариб оёққа турғазибдилар-у, ҳайрон қотган оломонга қараб шундай бир сўз дебдилар...

Мен ишонардим. "Бир элни кўтариб бораётган саман отларга", "Енгилсанг ўлдираман, енгсанг сенга хотин бўламан" шарти асосида Ҳазрат Али билан яккама-якка кураш тушган "маликалар маликаси" Зефунунни енгган Ҳазрат Алимиз Зефунунни шу юртга ҳоким қилиб қолдириб, ўзи яна янги жангларга от қўйиб кетаётганига ишониб яшардим.

Яқинда Тошкент кўчаларида шу саман зурёдларидан бирини кўриб қолдим. Ишонасизми, соғинчданми, ўкинчданми, кўзимга ёш келиб, то отнинг қораси кўринмай қолгунча орқамга қарай-қарай кетдим. Наҳот, бу озиб-тўзиб қовурғалари саналиб турган от, ўша "бир элни, кўтарадиган" саман авлодларидан бўлса."Бўрон

ёллар” қаёқда, хас-хус илашиб, чалкашиб ётган сийраккина ёлга бир умр тароқ тегмаган... Кўзлари... кўзларидаги ҳасратга бардош бериш қийин. Ҳайвонники бўлсаям!

Йўл-йўлакай гувиллаб бостириб келаётган машиналардан қўрқиб-қисиниб, ўзини, кийимларини эҳтиётлаб нарироқдан ўтаётган одамларга сўниқ кўзлари билан жовдираб... Колхозимиздаги ўша боғи-эрам аллақачонлар қуриб, синиб, чўкиртлак бўлиб ётарди. Бултур боғни бутунлай қўпориб, тозалаб янги ниҳолчалар ўтқазишди. Мен ўша боғнинг, илк кўчатларини худо раҳмат қилгур Ризамат ота ўтқазиб кетган боғнинг қайтадан қад кўтаришини истайман. Бу боғ ҳамқишлоқларимнинг рангига қон югуртирсин, рўзгорларига қут бўлиб кирсин.

Агар шу боғни ўшандай қилиб кўтаришга биз, бугунгиларнинг қурби етса, демак қайта қуриш ғалаба қилади. Масала мана шундай қўйилиши керак. Шу, эндигина оёққа тураётган, кўпам сердаромад бўлмаган колхозимиз одамларининг, жабрдийда аёлларининг, болачаларининг кўзларида қувонч, ишонч туйғуларини кўришни истайман. Худди мен болалигимда, отамнинг бир умрлик қадрдони Юсуф аканинг даврларида кўргандай...

Баъзан тунлар уйқум ўчиб кетади, Икром. Боғлар қуриб бўлди ҳисоб. Тошкентнинг “ўпкаси” бўлган хушбўй, тоза ҳаволи Бўстонлиқдан қирқилаётган, ғичирлаб қулаётган қирқ-эллик йиллик бодомлар, ёнғоқлар садоси келиб турибди. У ёқда халқимиз бошига фожеалари қуюқ тун қоронғусидай бостириб келаётган, ўлаётган Улуғ Орол. Бу ёқда қирқ бошли аждарҳодай халққа, айниқса болалар, аёлларга заҳар пуркаётган, тури қирқдан, юздан ошиб кетган касалликлар. Буларнинг ҳаммаси одамларнинг характери, кайфиятига таъсир

қилмайдим, уни тирик тутиб, тик тутиб юрган ички устунни — руҳини синдириб, маънан ўлдирмайдим?

Қўрқаман, Икром, биз бугунги аҳвол ечимларини тезроқ топмасак одамзод юқоридаги афтодаҳол от аҳволига тушмоғи, ўз мадад кучларидан (табиати, тили, маънавияти) айрилиб бу дашту-биёбонда тентираб қолмоғи ҳеч гап эмас. Одамнинг озгина меҳру-муруватини сезса, ёнидаги одам одам-ку, керак бўлса ердаги кўкариб турган мунис, уятчан қизалоқдай майса ҳам, бир нарсага тушунадигандай тикилиб, зийрак қулоқ солиб ўтирган садоқатли ит ҳам қўллади. Табиатга, одамга муносабатда шундан келиб чиқиш керак шеклли.

— Инсоннинг келаётган насл олдидаги масъуллиги. Муқаддас аёл — азалий орзуингизми ё муайян тасаввурингизми? Аёлнинг қайси хусусиятлари кўнглингизни кўтариб, қайси жиҳатлари юрагингизга зил бўлиб ботади? Маънавий ҳуқуқ мезони. Учрашувларга борганингизда, хусусан, оналари ташлаб кетган мурғак, бегуноҳ болалар билан юзма-юз келганингизда қандай аҳволга тушасиз? Сизга келаётган хатларнинг асосий мазмуни ва сизнинг муносабатингиз? Армон тушунчасига шеърларингизда ҳам, мақолаларингизда ҳам кўп мурожаат этасиз. Бу маънавий кемтикликдан пайдо бўлган хавфми?

— Одамзод қорин билан тирик эмас, дейдилар. Ҳақ гап. У орзу-дунёлари, умид қўрғонларидан чиқиб кетиб, узоққа боролмайди, яшолмайди. Мен афсус чекаман, Икром. Ўзимнинг бандлигимга, болаларимнинг отасининг бандлигига, нафақат болаларнинг кўнглини олиш, уларга менинг қиблагоҳим — отажонимдай "ўз Ҳазрат Алиларимиз" ҳақида ўқиб бериш, баъзан ўз соғлигимиз ҳақида қайғуришга ҳам вақт топмай, ишда тил остига

валидол ташлаб ўтиришларимизга афсусланаман. Бу, биз— бугунги авлоднинг умумий дарди. Биз ер юзига умид билан келган эканмизми, одамдай яшашимиз ҳам керак, шундай эмасми? Нафақат бугунги ишни, узоқроқни, болалар тақдирини ҳам ўйлашимиз, эртанги юкларни тортиши керак бўлган "юраги тинч, асаби мустаҳкам" одамни вояга етказиш учун бугун ўзимиз хотиржамроқ ишлаш, яшаш шароитига эга бўлишимиз керак. Биламан, бу осон эмас. Айниқса, бугунги, жамиятнинг таназзул аҳволда турганида. Аммо аста-секин йўл қидириб, давлат ишига зарар етмаган ҳолда (давлат иши ҳам ўзимиз тортишимиз керак бўлган юк) халқни мана шундай "ҳаллослаган отдай" эмас, сокинроқ, хотиржамроқ, одамдай яшаш шароитига олиб келишимиз керак. Қадри баланд ишлар, улуғ кашфиётлар ҳамма замонда ҳам "бўлхо-бўл, чопачоп"нинг эмас, тинч оқар дарёдай сокин хаёллар, эркин фикрлашлар маҳсули бўлган.

Биз эҳтимол дастлабки қурган пайтларимизда йўл қўйган ношудлигимиз, хатоларимиз учун энди "қайта" қураётгандирмиз. Ҳар ҳолда қурган иморатини бузиб, қайта-қайта қуравериш мсъморга обрў келтирмайди... Ҳаллослаб юриб бажариладиган ишнинг натижасига ишониб бўладими?! Инсонни, кўнгил дарёлари саёз тортиб, қуриб бораётган инсонни қайтариш, орзу дунёлари, умид қўрғонларига қайтариш керак. Шунда унинг зада юрагида ўкинчми, армонми пайдо бўлса ажабмас. Қўли қалтирамай, киприк қоқмай осойишта кўнгил билан "Боламдан ихтиёрий, қайтиб олмаслик шарти билан воз кечаман", дсб ёзиб бсриб кетаётган аёл ҳам жамиятнинг сиз билан мендек тенг ҳуқуқли граждани. Бу беғуноҳ норасидалар жамиятдаги хато ишлар, хато муносабатлар маҳсули. Шунинг учун ҳам

жамият ўз хатоларини ўзи тузатишга мажбур. Сўзсиз, бу тирик етимлар кўчада қолмайди. Кейин уларнинг умр йўллари қандай кечади, кўнгил жароҳатлари умр бўйи битадими, бу ҳақда ўйламай илож йўқ.

Моҳигул қизим шамоллаб қолиб, касалхонага тушдик. Палатамизда тўртта болалик аёллар ётар, ҳар бири ўз касал боласининг ташвишларию, таглик ювишдан бўшамасди. Бизнинг хонамизга тўрт ойлик чақалоқни олиб кириб ётқизишиб, тайинлашди: "Онаси записка ёзиб, бола ёстигининг тагига қўйиб, кечаси қочиб кетибди. Шу болага қараб турунглар, савоб бўлади". Онасини излаб ҳаммага жовдираб қараб ётган ўғил болачанинг кўзлари қоп-қора, катта-катта. "Қўшни пала-тада кўрувдим онасини, турқи совуқ эди ўзи,— гап бошлади ҳамхонамиз — ёши каттароқ аёл, бурнини жий-ириб,— бир камимиз ҳаром бола боқиш эди..."

Пол ювадиган кампир бериб кетган шишадаги сут ачиб қолган эканми ютоқиб эмган бола бирдан қотиб-қотиб йиғлай бошлади. Ичи кетди.

Биз аёллар болани навбатма-навбат кўтарамиз, оғзига сув, сут тутамиз. Пол юувчи кампир боланинг каравотига ташлаб қўйилган кўйлакчалар, йўрғакликларига ишора қилади: "Ануни қаранг, вой шўрлиг-ей, дазмоллаб кетганини қаранг, қалпоқчасига гул тикиб ўтирганини кўриб ҳайрон қолувдим, шўрликка. Уч кун бўлди келганига. Кўзидан ёш қуриганини кўрмадим. Бир катта дарди бор-да, бечорани. Эй, бу дунёсига ўт кетсин. Ёнидаги шеригига "Боламни отаси йўқ, уйим йўқ. Кўтариб қаёққа бораман", деган экан. Кечаси, кийимларини ҳам олмай қочиб кетибди".

Қаранг, эҳтиётсиз қўйилган битта қадамнинг оқибатларини. Бир тойдими, кейин хато устига хатога йўл қўяётганини ўзи ҳам сезмайди чоғи одам. "Хаҳ, шўр-

лик-а, отасини-ку тайини йўқ экан, онайи гўр бўлиб сен нимага ташлаб кетасан, бу гўдаккинани. Худога нима ёзди, бу бола бечора".

Ўшанда, Икром, мен шу чақалоқнинг сутли шिशанинг сўргичига қандай жон ҳолатда ёпишгани, ютоқиб эмганига диққат қилганман. Тинимсиз, чинқириб йиғлайверганидан иссиғи чиқиб кетган, кўзлари катта болаларникидай жиққа ёш (чақалоқлар кўз ёшисиз йиғлайди-ку), сути тугаб қолган шисани харчанд тортганимиз билан бермай қуруқ сўргичини чўпиллатиб сўргани сўрган эди.

Одамзод боласининг шўри, қора куни бундан ортиқ бўладими? Ота бор, она бор. "Бола эгасиз..." "Энг тоза мева" шеъримни ўша тунда, шу чақалоқни кўтариб юриб, йиғлай-йиғлай ёзгандим. Ҳозир Сизга ўша шеърни ўқийман:

Гуноҳ маҳсулидир балки жаҳонда,  
Дунёга келтирмиш балки хатолар.  
Ва лекин ҳамма вақт, ҳар қандай онда,  
Гўдаклар энг тоза мева аталар.  
Мевам, қайси боғда бунёд бўлдинг сен,  
Қай ношуд боғбон у — мевасин отган?  
Қай бир қондан бино, зурёд бўлдинг сен,  
Онам, — деб ҳар кимга жовдираб ётган?  
Балки отанг бордир, туйғуси қўлмак,  
Аммо амали бор — бергувчи фармон.  
Мушкулмас, онангни ҳолини билмоқ,  
Унинг сени ташлаб, топгани армон!  
Ўзи ташлаб, ўзи дараклаб сўраб  
Юрар танғиб сутли кўкракларини.  
Ажаб, сени оппоқ чойшабга ўраб,  
Дазмоллаб кетибди қўйлақларингни.  
Муҳаббат, севардим сени жон қадар,  
Сен бунда ишқмас, йўқ, кулфатсан, мастсан!  
Она, сен ҳам энди кетарсан бадар,

Қайтиб бу кўйлакни дазмолламассан.  
Билмайман, ким бунда ўтар солиб дод.  
Кимдан оз, ё кимдан кўпроқ айб ўтди?!  
Билганим — кўрнамак, нопок икки зот  
Бир тоза мевани поймоллаб ўтди.  
Бировлар қаргайди куюниб, бўзлаб,  
Биров кўз ёшини артар панада.  
Ҳар кўкракдан она исини излаб,  
Чақалоқ чирқираб касалхонада.

Шундан кейинги учрашувларнинг бирида ўша шеърни ўқиганимда чоғроққина залдан ўша мазмунда еттита хат олдим. Бирини келтирай:

"Ҳалима опа, мен ҳам ўша сиз ўқиган, "тоза мева"ларданман. Сиз қандай ўйлайсиз? Мен ҳаётим изга тушиб кетишига унча ишонмайман. Чунки умрим бўйи ўша "отасининг тайини йўқ" деган тавқ-лаънатни кўтариб юрибман. Отасининг тайини йўқ қизга қайси отаси тайин йигит уйланади? Узр. Сизга исмимни ошкор ёзолмайман".

Ўз туққан ота-онаси томонидан рад этилган болада бу дунёда кимга ишонч қолади? Бултур "Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари" кўрсатувида Сирдарёдаги болалар уйини кўрсатишди.

Бир қизалоқнинг тўхтаб-тўхтаб, шашқатор ёши қуйилиб, ўксиб, онасини чорлаб, бўзлагани ҳалиям кўз ўнгимда...

Сочларимни ювиб ўрган,  
Онажонимни соғиндим.  
Ҳаммадан ҳам ортиқ кўрган,  
Онаизоримни соғиндим.

— Бўзлама, болажон,— деганман ўшанда юракларим қийма-қийма бўлиб,— онаизоринг ўлганми деб қўрқаман. Сенинг бундай сел бўлиб оқиб, бўтадай бўзлашингдан

кейин ҳам она туядай ўкириб, оёғидаги бор тушов-арқонларини узиб, сен томонга чопмаса, на илож бор, болажон ўлган бўлади-да. Одам сифатида, айниқса, аёл, она сифатида ўлган бўлса умид қилма, бағрингни тош қил, қизалоғим. "Келмасга йиғлаган ҳайфи кўзим", дейди-ку халқ.

Шундай, бугун болалар уйларига болаларини ҳар хил сабаблар билан беришяпти: балоғат ёшига етмай туққани учун, отасининг тайини йўқлиги ё бўлсаям, бу болага қарашга рағбати йўқлиги (ўз оиласи, болалари бор), уй торлиги, яшашга шароитнинг йўқлиги, эридан ажрашиб кетганлиги учун, эрига аччиқма-аччиқ (болани қайтариб олишни эса эр хаёлининг кўчасига ҳам келтирмайди. Чунки уйда янги хотин яна ҳомиладор)...

Қаёққа кетяпмиз, ўзи? Ё раб, биз мана шу ҳар бири ўзининг ҳою-ҳаваси, ҳирси, кичкина, бачкана мақсад-чалари билан ўз кўчаларига йўрғалаб кетаётган одам-чалар билан улкан маънавият кўчасига чиқа олар-миканмиз?..

Ахир, бошқа йўл йўқ, манави қўғирчоқлар билан астойдил шуғулланиб, уларни одамга айлантириш, таъсир қилгудек дори-дармонлар топиб, бу бедодлик, бағритошлик, манқуртлик касаллигига чалинганларни даволаш, оёққа турғазидан, қўлтиғига кириб суяб бўлсаям ўша улуғ йўлга олиб чиқишдан бошқа чорамиз йўқ. Чунки, биз халқни кўзлаган ёруғ манзилларимизга фақат шу — маънавият йўли орқалигина олиб ўтишимиз мумкин. Бу кўрлик, бемеҳрлик, бешафқатликнинг ҳаммаси, инсон сифатидаги ўз баҳосини билмаслик, ўз ҳақ-ҳуқуқини танимаслик, ўз ҳаёти қадрига етмасликдан келиб чиқади... Мен одамга биринчи галда маънавий бутунлик тилайман. Ҳаётнинг қайси томонига нигоҳ ташламанг, бу хил воқеаларнинг биридан ўтиб ик-



кинчисига дуч келаверасиз. Маънавий қашшоқлик, кем-тиклик бўлмай нима бу?! Ҳ, кўргилиги кўп халқим-ей, болаларинг кўрларча ўз қўллари билан ўз томирларини чопиб, қирқиб ётган бўлса, бу катта дарднинг оғриқ, кўлами армон сўзига сигармикин?! Агар сиғадиган бўлса шундайдир, армон — емирилаётган маънавият!

— Ҳалима опа, сизнинг номзодингиз Тошкент вилоятидаги Ғалаба районида жумҳуриятимиз Олий кенгашига депутатликка кўрсатилди. Унга қандай муайян тадориклар билан борасиз?

— Одамларнинг ҳаётга қарашлари яқин бўлиб, ўртада бегоналик пардаси бўлмаса бир-бирини тушуниш, бир-бирига пешвоз юриш тезлашади, осонлашади. Ғалабаликлар сермулоҳаза, меҳнаткаш одамлар.

Шароити ҳар хил Ғалаба (бу районда сердаромад, ўзига тўқ хўжаликлар билан бир қаторда шароити қийин, турмуш тарзи оғир колхоз, совхозлар ҳам бор) менга ўзим туғилиб ўсган Сирдарё вилоятининг Боёвут районини эслатади. Кичкина мисол. Районга борганимда, Ҳамза номидаги колхознинг болалар боғчасига киргандик. Боғча ҳовлиси чиннидай тоза, саранжом-сарипшта. Хоналар дид билан жиҳозланган. Каравотчалардаги оппоқ, дазмолланган чойшаблар. Боғча мудираси, боғча опаларнинг бир-биридан сертавозе, хушсухан муносабатлари... Лекин мана шу рисоладагидек ҳолатлар биргина камчиликни янада бўрттириб кўрсатади.

Боғчани иситиш яхши йўлга қўйилмаган экан. Тезроқ бу ишни амалга ошириш ҳақида ўйладим... Кейинги учрашувларимнинг бирида Ҳамза номидаги колхознинг парткоми Сулаймон ака боғчада зарур ҳажмда ремонт ишлари амалга оширилган, боғча иситилгани ҳақида айтдилар.

Умуминсониятга меҳр кўрсатишдан кўра ёлғиз одамга меҳру мурувват кўрсатиш, кўнглини овлаш қийинроқ дейишади. Юқорида айтилган жумҳуриятимиз муаммоларининг ҳар бирининг аксини қандайдир даражада Ғалаба районида кўриш мумкин. Томидан чакка ўтаётган аёлнинг (район хотин-қизлар кенгашининг йиғилишида шу ҳақда гап бўлди) кўнглига ўзининг ташвишидан бошқа нима сиғар эди?

Ҳар ҳолда, қисқача айтганда шу аёлларнинг ҳаёти, турмуш тарзига бир қатим бўлса-да нур киритиш (ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан) биринчи галдаги вазифам бўлади деб ўйлайман.

- Мадад кучлар қўлласин.
- Раҳмат.



## Халқ тилига айланган аёллар

Бугун оилада, жамиятда аёлнинг ўрни қасрда? Ҳеч иккиланмай айтишим мумкинки, ўтмиш билан таққослайдиган бўлсак оиладаги бизнинг ўрнимиз жаннатмакон момоларимиз эгаллаган мавқедан, улар турган жойдан анчагина пастга тушиб кетган. Латиш шоири Эдуард Межелайтис шундай ёзди:

Ренуар суратида шундай чиққан экансан,  
Гоҳо ер аёлисан, гоҳ ер аёли эмас.  
Ўзалликни ўзингда шундай йиққан экансан,  
Ўзинг ҳақиқатан ҳам шундай оласан нафас.

Биз, бугунги аёллар эса "Гоҳ ер аёли эмас", эмас, бутунлай ер аёли, рўзгор, иш аёлига, ишчи кучига айландик. Мамлакатимизда қайта қуриш бошланганига анча бўлганига қарамай амалий силжишлар кўзга ташланмаяпти.

Иқтисодий йўналишдаги уқувсизликларимиз шундоққина маънавиятимизда ҳам акс этиб турибди. Маъ-

навиятимизда ўзгариш бўлмай туриб, ишимизда ўзгариш бўлишига кўзим етмай қолди.

Нега дейсизми, ё биз, бугунги аёллар ўта уқувсизлик қилаяпмиз, ё сиз, эркаклар ҳам бизнинг нуридийда боболаримиз турган жойдан пастроқ кетдингиз. Ахир қадимда "эрли хотин қарқара хотин, эрсиз хотин масхара хотин" деганларидай, эрли хотиннинг елкасидаги юк бугунгидай зил-замбил бўлмаган-ку. Бугун хотинимиз биз билан тенг ҳуқуқли дейсизми? Бугун ўша аёлга сирғадай тақилган барча қоғоздаги ҳуқуқларни олиш керагу, унга бир зумгина боласини кўксига босиб ўтириш ёки ўз соғлиғи-сиҳатини ўйлаш имкониятини бериш йўлидан бориш керак шекилли. Бу ўринда тенг ҳуқуқлилик маъносида нималарни кўзда тутгани ҳақида Ленинга мурожаат қилишга тўғри келади. "Албатта, бунда гап меҳнат унуми, меҳнат миқдори, иш стажи, меҳнат шароити ва бошқа жиҳатдан хотин-қизларни эркаклар билан бараварлаштириш тўғрисида бораётгани йўқ, балки хотин-қизлар эркаклардан фарқли ўлароқ "ўзларининг уй-рўзғорлари орқасида эзилишларига йўл қўймаслик устида боради" (ТАТ, 3-том, 233-бет).

Биз ҳамон мана шу Лениннинг аёлнинг "эзилишларига йўл қўймаслик" тўғрисидаги фикрини амалга оширолганимиз йўқ.

Бугунги ҳолатимизнинг социал, маънавий, моддий илдишлари жуда чуқурлигини тушунамиз, лекин шунга қарамай, сизнинг-да амалий ишингиз, сўзингиз билан аёлнинг ишончига кира олмаганингиз сабаб ҳам у минг томон бўлиниб (уй, бола тарбияси, давлат иши) ўзини ўтга-чўққа уради. Сиз фарзандлар тарбияси билан узлуксиз, кўнгилдан шуғулланишнинг уддасидан чиқмаганингиз сабаб ҳам мамлакатда ёшлар, болаларнинг ахлоқларини кўнгилдагидай деб бўлмайди. Улар орасида

биронинг ҳақидан хазар қилмайдиган, бешафқат, енгил яшаш йўлларини қидирувчилар кўпайиб бормоқда. Фактлар тили билан айтсак, 1988 йилда 1987 йилга нисбатан қотиллик 34 фоиз, тан жароҳати етказиш 14 фоиз, босқинчилик 65, талончилик 33, ўғирлик 30 фоизга кўпайди.

Ҳурматли эркакларимиз маъзур тутсинлар, бизнинг нуқсонларимизнинг ҳамма занжирлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Болалар тарбиясининг сусайиб кетишидаги ҳамма гуноҳни тенг бўлиб оламиз. Бу ерда оналар, аёлларнинг ўта бандлиги биринчи ўринда турса-да (аёл ҳам бандликка мажбур-ку ахир), сизни ҳам оқлай олмаймиз. Муҳрланган қонунлардан ташқари ҳаётнинг ёзилмаган ўз қонунлари бор. Ахир, айниқса биз мусулмонларда ҳар қандай оиланинг боши, бошловчиси, ҳимоячи қалқони эркак-ку! Болалигимдан хотирамга муҳрланиб қолган мана бу эски қўшиқда халқ жуда топиб айтган:

Йиқилганда суянмоққа  
Ўғил керакдир йиғитга.

Шундай, бизнинг Шарқда Сизнинг номингиз ҳамиша бир поғона юқорида бўлган. Лекин сизга ҳамиша ҳам шундай суяниб бўладими?

Сиз эътиқодда, муҳаббатда гоҳо устивор эмаслигингиз сабаб умид-орзу билан ўзингиз дунёга келтирган фарзандларни, аёлингизни босиб ўтиб, ёшингиз бир жойга борганда оилангизни тўзитиб (бундайлар кам учраса-да) бошқаси билан кетаяпсиз. Сизнинг бу қилмишингиз, эндигина ҳаётга кириб келаётган фарзандларингиз кўнглида қандай ўзгаришлар яшашини, ўзи усиз ҳам минг юмушли, рўзғор, болалар тарбиясидан толиқиб,

дармони қуриб бораётган жуфт-қалолингизни қай аҳволга туширишини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Мамлакатда ажралишлар сонининг йилдан-йилга тўхтовсиз кўтарилиб бораётганидан, вояга етмаган қизларнинг фарзандлик бўлиб қолаётганидан юрагинг увишади. Отанинг обрўси, сиёсатидан ҳайиқмайдиган, она билан ҳисоблашмайдиган ёки ота-она меҳридан бутунлай бебаҳра қолган қизалоқларгина билиб-билмай бу боши берк нопок йўлга қадам қўядилар. Мамлакатимизда тирик етимлар сони уруш йилларидагидан кўра икки ҳисса шиддат билан ўсмоқда.

Матбуот кўрсатганидай, мамлакатда йилига бир миллион оила ажралаётган, бузилаётган бўлса бу оилаларнинг ҳар бирида ота-онадан бирининг меҳрига зор бўлиб қоладиган ҳеч бўлмаганида битта-иккитадан бола бор-ку. Бизга вилоятлардан баъзан 9—10 лаб болалар билан ажралишаётганлари ҳақида шикоят хатлари келади. Бунинг сабабларини баъзан турмушнинг, яшашнинг оғирлиги, етишмовчиликларга йўймоқчи бўлишади. Албатта, сабаблар йўқ эмас, аммо буни асосий сабаб қилиб кўрсатиш — менда ҳеч бўлмаса ўз қилмишларини хаспўшлашдай таассурот қолдиради. Йўқ, йўқ, бир тишлам нонга зор замонларда ҳам одамлар бир-бири билан тил топган-ку. Бир-бирига пешвоз юришга куч топа олган-ку. Топган оби-ёвғонини еру-кўкка ишонмай тишининг қавагида асраб катта қилаётган ўз зурёдлари, гўдақларига илинган-ку. Аксарият бундай ҳодисалар бизда ўзларини тутиб, турмушни йўлга қўйгач, унча-мунча мол, давлат орттиргач "кўнгил армонлари", кўнгил майллари ҳисобига амалга ошади. "Ўзбекка жир битса қўш хотинли бўлади" деган гап бежиз тарқалмаган шекилли. Ўзи дунёга келтирган гўдақлар олдидаги масъулият юкини елкасидан улоқтириб ўз кўнгил

кўчасига кетаётган бундай одамларни инсофга келтира оладиган куч, қаттиққўл қонун кераклиги ҳақида аввал ҳам ёзгандим.

Халқда ота-онаси ажрашиб кетган болаларни "бир кўзли етим" дейишади. Ҳозир матбуотнинг таъкидича, болалар уйларидаги гўдакларнинг тўқсон фоизи шундай етимлар. Бир гўдак кўнгли чил-чил синиб, дунёда армон билан яшаб ўтишидай катта гуноҳнинг жавобгарлигини кимнинг зиммасига юклаймиз. Эркакнингми, аёлнингми? Умуман, бу юклашдан болага, жамиятга қандай фойда бор?!

Матбуотда айтилишича, 1987 йил Иттифоқ бўйича қишлоқларда киши бошига ўртача даромад 92 сўмдан тушди. 100—120 сўмдан туширган республикалар ҳам бўлди. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 59 сўмни ташкил этди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қомитетининг пленумида ўртоқ И. А. Каримов янада яққолроқ таъкидлаб ўтдилар. "Статистиканинг кўрсатишича, ҳозир Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда даромад 75 сўмдан ошмайдиган 8 миллион 800 мингга яқин киши яшаб турибди, бу эса аҳолининг 45 фоизини ташкил этади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра кун кечириш учун камида 85 сўм зарурлигини эътиборга оладиган бўлсак, ана шу кишилар ҳозир қандай қийинчилик билан учма-уч яшаб келишаётганига ўзингиз баҳо беришингиз мумкин". Мана шундай етишмовчилик, асабни қақшатар даражадаги бир шароитдан эсон-омон ўтиб олиш учун ҳам бир-биримизни тушунишимиз, бир-биримизга мадад бўлишдан ўзга йўлимиз йўқ. Шу шароитнинг ўзи эркакларимизнинг қон-қонига сингиб кетган минг йиллик бобомерос туйғу "мен эркакман" деган бўйсунмас ғу-

рурни энгиб минг хил юмуш аро талаш, толиқиб, дармони қуриб, бевақт қариб бораётган аёлга эгилишни, унга паноҳ бўлишни тақозо этади. Бу "эгилиш" ҳеч бўлмаса қилишингиз мумкин бўлган ишларни тенг бўлиб олишдан бошланар деб ўйлайман. Шундай деймиз-у, умуман рўзгор ишларини тенг бўлиб бўладими ўзи, ҳаракат қилган билан, меҳрибон эрлар ҳарчанд уринганлари билан уйда аёлнинг қўли тегмаса ҳам битаверадиган ишнинг ўзи борми? Шундай бўлгани ҳолда, афсуски, ҳамма жойда бўлганидек, бу ерда ҳам тенглик "оғизда". Шаҳарда, болаларимнинг мактабига, ота-оналар мажлисига неча марта борган бўлсам, залда ҳаммиша 90—95 фоиз аёлларни, оналарни кўрганман. Залнинг, синфнинг у ер-бу ерида келганларидан хижолат бўлгандай, яккам-дуккам эркаклар кўзга ташланади. Магазинларда, дўконларда ҳам терга тушиб дамба-дам соатга қараётган, куннинг ботишига қараб қовоғи тундлашиб бораётган сержаҳл аёллар. Боғча, яслиларга болаларни судраб, жеркиб яна аёллар шошиляётган бўлади. Яна ишхонага белгиланган соатга етиб бориб, йўқлама дафтарига қўл ҳам қўйилиши керак...

Бизнинг бу ночор муҳитимиз таъсири, қайтариқ бўлса ҳам яна айтай, туғилаётган болаларимиз соғлиғида, характерида бекаму кўст ўз аксини топмоқда. Тажанг, серзарда оналардан инжиқ, касалванд болалар дунёга келмоқда. Яна бугунги болалар "асабий" деб ҳайрон бўлганимиз ортиқча.

— Бу умр эмас, азоб-ку, қандай яшайпмиз ўзи?— деди менга бир куни қўшним, композитор аёл,— кундуз иш, ишламасанг кунинг ўтмаса. Аммо ижодкор сифатида тамом бўлиб бораётганимни сезиб юрибман. Иш, магазин, кир-чир, болалар, отаси... юракларим қалтираб



юрганга ўхшайман. Умримиз шундай ўтадимми энди, баъзан ҳаммасига қўл силтаб "бор-е" дегим келади...

Рост. Қандай яшаяпмиз ўзи?!

Шўринг қурғур аёл ҳам бир марта яшайди-ку бу ёруғ дунёда. Қишлоқдаги аёлнинг "чоп-чоп" юмушлари-ку бундан икки баробар кўп. Ҳаёт шундай, турмуш ташвишларининг 70—80 фоизи унга юкланиб давом этар экан, мен бечора аёлнинг ўз момомерос, онамерос аёллик бурчи — фарзанд тарбиясига ҳам ярамай қоладими?— деб қўрқаман. Қайта қуриш аёлнинг иш кунини қисқартириш ҳақида барибир ўйлаб кўриши керак. Бу ишни аёлнинг фойдасига ҳал қилган жамият, оқибат ўз фойдасига улкан ишни амалга оширган бўлади.

Жумҳуриятнинг пахта, пилла каби энг меҳнатталаб қийин соҳаларининг асосий оғирлиги аёллар зиммасида экан, республикамиз муҳитида ҳам аёлларга муносабатни кескин ўзгартириш керак, деб ўйлайман. Матбуот шундай ёзади: "ЧССРда фарзанд кўрган аёл 3 йилгача ишдан озод қилинади. Бундан икки йилгача унинг иш ўрни сақланиб турилади. 3 йилдан кейин эса ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаб қўйилади. У ерда 28 ҳафтадан сўнг туғуруқ отпускиси берилади, ёлғиз аёллар эса ойлик иш ҳақининг 90 фоизи сақланиб қолган ҳолда 37 ҳафтадан сўнг декретга чиқадилар. Дарҳақиқат, чехословакиялик хотин-қизлар асосан, оила юмушлари билан шуғулланиб кунига олти, баъзан тўрт соатдан ишласалар ҳам, улар ойига ўртача 2.800 крондан иш ҳақи оладилар. Агар буни ўзимизнинг пулга айлантирадиган бўлсак, ойига 280 сўмни ташкил этади".

Бу борада ўзимизда, Латвияда ҳам жуда савоб бир тадбир амалга оширилди. "Майиб-мажруҳ болаларни 16 ёшга етгунча уйда тарбиялайдиган оналарга ҳар ой давомида 70 сўм миқдориди ёрдам пули тўлаб берилсин.

Майиб-мажруҳ болани уйда тарбиялайдиган онанинг шу давр мобайнида кетган вақти иш стажига қўшиб ҳисоблансин".

Ўз жумҳуриятимизда ҳам халқимиз учун мана шундай оқилона, мардонавор ишларни ўз имкониятларимиз доирасидан келиб чиқиб, албатта, тезроқ амалга оширишларидан умидвормиз.

Дарвоқе, бу масалада бизда ҳам умидбахш шамоллар эсиб қолди. Пленум материалларида, И. А. Каримовнинг нутқида аҳолига қўшимча томорқа бериш, уларнинг ер улушини кенгайтиришдай зарур тадбир ҳақида гап кетганда, шундай сатрларга дуч келдик: "Аёллар республикада ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаган кишиларнинг анчагина қисмини ташкил этадилар. Кўп болали оилаларда улар болаларни тарбия қилишмоқда, рўзғор юмушлари билан банд бўлиб туришибди, албатта. Умуман шунини айтишим керакки, оилада мамлакатимизнинг бўлажак гражданини тарбиялаётган оналарни ишсизлар қаторига қўшиш тўғрисидаги масалага мен шубҳа билан қарайман. Олимларимиз, мутахассисларимиз бу ҳақда ўйлаб кўришлари керак. Аёллар томорқада аввало ўз оилалари манфаатларини ўйлаб меҳнат қилишлари мумкин бўлур эди. Уларнинг хўжалик билан муносабатлари шартнома билан расмийлаштирилиб қўйилса ва шунга кўра аёллар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб давлатга топширсалар, улар ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланган бўлур эдилар. Демак, бу ўринда ҳам уларга меҳнат стажи ҳисоблаш ва кейинчалик пенсия тайинлаш йўлларини топиш мумкин бўлади".

Бу катта гап. Ниҳоят бизда ҳам амалий қадам қўйиладиган кун яқин келди, чоғи. Ниҳоят, на боши-ю,

на охири бор рўзгор юмушлари билан куйкаланиб, тутдай тўкилиб, ўтиб бораётган шўрлик қишлоқ аёлларининг ҳам ҳолини сўрайдиган кунлар келаяпти.

Ахир болалар тарбиясидан ортмаган 12—13 фарзандли оналар ҳам ишламаганлари ёки ёшлари етмаганлари учун пенсияга чиқишлари қийинлиги сабаб сувчалик қадр топмагач, "Қаҳрамон она"ликларидан ҳам кўнгиллари совиб юрадилар-да. "Қаҳрамон она"лик медалини "Бу қуруқ темирни бошимизга урамизми, уни кўрсатиб навбатсиз вокзал кассасидан битта билет ёки магазиндан бир кийимлик материал олиш ҳуқуқимиз бўлмаса", деб ёзишади "Саодат"га юзлаб оналар бизнинг меҳнат кишисига ён босмайдиган қонунларимиздан ёзғириб.

Иттифоқ миқёсида 395 минг қаҳрамон она бўлса, шундан 102 минг қаҳрамон она Ўзбекистондадир. Бизда туғилиш Иттифоқ кўрсаткичидан 2—3 баробар юқори бўлган бир шароитда пленум ўн йилликлар давомида халқнинг кўнгилида юрган гапни айтди. Зора қайта қуриш нафаси тегиб, узоқ муддат хўжалик юритишдаги йўл қўйган катта хатоларимиз сабаб болаларининг, ўзининг соғлиғини турли касалликларга олдирган, ҳамон олдираётган синиқиб, мункиб бораётган бечора ўзбек аёлининг ҳам рўзгорига қут кириб, косаси оқарса!

— Бизда оқсил етишмайди, гўшт, мева етишмайди,— деди куюниб суҳбатларимиздан бирида академик Мирзаали Муҳаммаджонов,— бизда йилига ўрта ҳисобда 8 кило гўшт истеъмол қилишади. Тушуняспизми, 8 килограмм. Бундан ташқари, ҳалокат жари ёқасига келиб қолган экологик муаммолар... Гўдакларнинг майиб-мажруҳ, касалванд туғилиши, ирсиятнинг бузилишига олиб борапти бу тақчил шароит.

Бугунги ўзгараётган бу ҳаволар нисбатан пасайиб

кетган аёл хусусидаги қарашларимизнинг яхши томонга ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатса ажабмас. Кейинги йилларда ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида иш олиб бораётган аёл раҳбар кадрлар кескин даражада камайиб кетди. Айниқса қишлоқ хўжалигида. Ҳеч бир ҳодиса, натижа осмондан тушмайди. Натижани турли хил сабаблар келтириб чиқаради.

Бундан 15—16 йиллар муқаддам, энди иш бошлаган пайтларим Қашқадарёга йўлим тушди. Жиккаккина, ўрта бўй, қорачадан келган аёлни колхоз раиси деб таништиришди. Иккаламиз дала айланарканмиз, шийпонда паншаха билан пахта ағдараётган, қуритаётган чолни аёл қўли билан имлаб чақирди. Чол яқин келгач аёл салом йўқ, алик йўқ, дўқ урди:

— Умарқул ака, Мустапо қани, кечаги шапалоқ етмаптими унга?!

Чол қўлини кўксига қўйганча қайта-қайта узр сўраб, Мустапонинг оғриб қолиб, ҳозир даладан кетганини айтди.

— Сурбет! Эркакми ўзи, энди бу нағмани қаердан чиқарди? Унинг ўрнига отаси келиб ишлаб берадимиз?!— Чол ўзи гуноҳкор янглиғ боладай жавдираб, қараб-қараб узоқлашди.

— Бу Мустапо деганимиз давангидай эркак — бригадиримиз,— менга тушунтирган бўлди раиса опа,— кеча нарядда у десам у дейди, бу десам бу... Қоним қайнаб кетди. Чўт билан солворишимга оз қолди. Э, уруғи ўчсин бу такасалтангларни! Баланддан келмангчи, иш берадимиз булар.

...Бирдан эсимга, қулоғимга чалинган "жойларда иш юритиш, қаттиққўлликда эркакларни ўтирғизиб-турғизадиган", нарядда гап қайтарган эркакларга тарсаки тортиб юборишдан қайтмайдиган, "эркакка эркак, аёлга

аёл" раҳбар аёллар ҳақида эшитганларим келди. Ё тавба! Мен бу опани дастлаб кўрганимда унга ачинибман: "Шу жиккаккина ҳолларига катта колхозни қандай бошқараркинлар?" Ана, Сизга "бошқариш"...

Йўқ, йўқ. Эркакка эркакча муомалага одатланган аёл қайтадан аёлга аёлдай муомала қилолмайди. Энди у ҳамма билан шундай эркакчасига (бу ўринда хушхулқу-одобда афсонавий Юсуфни ҳам ортда қолдирадиган комил йигитларимиз бизни тўғри тушунарлар деб ўйлаймиз) тилига, қўлига эрк бериб, қуюшқондан чиқиб гаплашади. Бундай аёллар битта бўлса-да, муфлик қилади.

Аёл раҳбарларнинг камайиб кетишига қисман бўлса-да, балки мана шу хил ҳодисалар ҳам таъсир кўрсатгандир...

Каттагина лавозимда ишлайдиган бир аёлникига меҳмонга бордик.

— Адамиз барака топсин, уйга меҳмон келди дегунча ҳамма ишни ўз бўйинларига оладилар. Аёлини яхши кўрадиган одам шундай йўл тутади, деб мени қўзғалгани қўймайдилар... Узоқ меҳмондорчилик тахминан шундай бошланиб, шу атрофдаги гаплар билан тугади. Мезбон акамиз эса қора чойни кўк чойга алмаштириб кирганларида дастурхон атрофида бир зум қўнган бўладилар-у, ўтирганларидан ўнғайсизлангандай, қизариб, секингина шарпасиз чиқиб кетадилар. Худо эркакнинг аёлнамосидан-у, аёлнинг эркакнамосидан асрасин, ҳамма албатта ўз қаричи билан ўлчаб ўзига тўн тикади. Аёл опамизга балки "тенглик"нинг шу формаси маъқул келган ва уни ўз хонадонининг иш юритиш тартибига айлантиргандир. Аммо эркак-чи... Оилада аёлнинг аёлдай яшаши, тирикчилик қилиши, рўзгор юритиши учун, демак, эркакларимиз ҳам рисоладагидай ўз мавқеи,

обрўсини сақлаши керак, шекилли. Шунда муносабатларда бир ёқламаликка йўл қўйилмайди. Меъёр сақланади.

Аммо, бирники мингта бўлмаслиги керак. Жумҳурият ишлаб чиқаришининг ярмидан кўпроқ юки уларнинг нозик елкаларида бўлгани ҳолда, юқори ташкилотлар, раҳбар органларда ишлаётган аёлларнинг жуда камлиги адолатдан эмас.

— Бизнинг районимизда минглаб хотин-қизлар истиқомат қилади,— дейди Андижон вилоятининг Бўз мавзеси котибаси Турсуной Исоқова,— шундан муболағасиз минглаб муаммо дейиш мумкин. Биз аёлларга ишонч билдиришдан чўчимаслигимиз керак. Негаки, аёлнинг дардини ҳеч қачон эркак аёлдай "айтиб йиғлай олмайди", ҳис қилолмайди.

Куюнчак дугонамиз Турсунойнинг фикрида жон бор. Бугун аёлга ўша ишонч етишмайди. Йиллар бўйи аёлга қоғоздаги ҳақ-ҳуқуқлар кўпайиб келаверди-ю, унга берилиши қонуний зарур бўлган ғамхўрлик, эътибор, ишонч, ҳа, энг асосийси — ишонч камайиб кетаверди. Даладаги қуёшнинг 40—45 даража иссиғидаги қора иш—пахта меҳнатини унга ишонишади-ю, нуфузи баланд идоралардаги тоза ишларни унга унча раво кўришмайди. "Аёл киши аралашсин" қабилида лавозимга кўтаришларини биз асло истамаймиз. Бу борада партиямиз кўрсатмаси ғоят тўғри: "Ишни, афтидан, биринчи галда турмушимизнинг барча соҳаларида қатъий тартиб ва интизом ўрнатишдан, раҳбар кадрларни жой-жойига қўйишдан, уларга нисбатан талабчанликни оширишдан бошлаш лозим".

Биз ҳам шу фикрдамиз. Халқнинг кунига ярайдиган кадрлар ўз ўрнига қўйилмаса, ҳар қадамимизни қийналиб босаётган бир шароитда қадамимиз тағинам

орқага кетиб, йўлимиз унмайди. Чарли Чаплиннинг машҳур актриса қизи Жеральдинага айтган гапини унутолмайман: "Эсингда бўлсин, болам, халқ орасида сендан истеъдодлироқ, сендан гўзал, ёқимлироқ қизлар ҳамisha топилади".

Ҳа, ўзбек халқидек катта халқ орасида Гавҳаршодбегим, Тўмарис, Қурбонжон додҳо, Нодирабегим, Увайсий, яқинроқ келадиган бўлсак, эркаклар, боболаримиз билан ёнма-ён туриб репрессия йилларининг қонли қамчиларининг зарбаларини ўз елкасида синаб кўрган суюкли моможонимиз — Тожихон Шодиевалар авлодларининг орасида ўткир фаҳм-фаросати, ташаббус, ташкилотчилиги билан халқни ўз ортидан эргаштириб кета оладиганлар йўқ эмас, фақат уларни излаб топиш керак.

Бугун республикамиздаги аянчли аҳвол ҳақида гўдақларимизда ҳам етарли тасаввур бор. Пахта якка ҳокимлиги келтирган жабру-жафолар, йилига минг-минг гўдақларимизни ямлаб аёлларнинг умид билан тузаган укпар жиғали бешикчаларини бўш қолдираётган сариқ ва бошқа турли касалликлар, Орол ҳалокати, Қорақалпоғистон автоном республикасида ўтказилган диспансерлашнинг тўлиқ бўлмаган маълумотларига кўра текширилган ҳар икки кишидан бири ич терлама, қизилўнгач раки, сариқ билан оғриётган, вабо касали учраётган бу оғир кунларда, пленумда таъкидланганидек, ҳар биримизнинг вазифамиз аниқ бўлиши, ишга виждонан ёндашмоғимиз керак. Халқимиз бизга умид билан кўз тикиб бошига кўтарар экан, биз унинг дили, тилига айланмоғимиз керак. Бутун мамлакатни уйғотиб, ҳаяжонга солиб съезд кунлари ўтди. Ундан буён республикада ўртага ташланаётган халқ, давлат тақдирига даҳлдор кескин муаммолар. Олдимизда қадим ўзбек

халқининг ҳаёт-мамот тақдири ҳал бўлаётган ТИЛ масаласи...

Байналмилал тарбия кўрган халқимизнинг стти ёшидан етмиш ёшлисигача ўз овозини қўшаётган давлат аҳамиятига молик бу масалада халқимиз ўзининг она қизлари, депутат аёлларидан ҳам катта нажот кутади.

Бу каби қатор муаммолар, халқимизнинг чекаётган азиятлари хусусида биз улардан асосли, мустақил, ҳал қилувчи фикрлар, ечимлар кутишга ҳақлимиз.

"Оилада аёлнинг ўрни ҳақида савол" сабаб, шунча гаплар ўртага тушди. Менимча, оилада ҳам, жамиятда ҳам аёл ўз ўрнини аввало ўзи белгилайди.





## Бормисиз, овоз беринг!

*(Жумхурият олий Советининг II-сессиясида  
сўзланган нутқ)*

Мен бугун Фарғона жароҳатлари ҳали битмаган, Бўка, Паркент яраларидан қон сирқиб турган, Ҷшдаги қирғинбарот кунларда кўтаришган халқимизнинг фиғон-фарёдлари ҳали босилмаган, мамлакат ичкарисидаги ҳарбий қисмлардан "юк—200" штампн остидаги тобутларда хизматга кетган ўғлонларимизнинг жасадлари келиб турган бир шароитда юрагим орқамга тортиб, ўйга толдим. Биз киммиз ўзи, қаёққа кетаяпмиз?! Бизнинг она, фарзанд сифатида, инсон, миллат, халқ сифатидаги қадримиз неча пул бўлди бугун?! Нега бу қонли воқеаларнинг илдиз сабаблари очилмайди, ҳақиқий айбдорлари топилмайди ҳеч?! Нега ҳар гал халқимиз жафо чекиб, "ёмон отлиқ" бўлиб, Иттифоқ матбуотининг навбатдаги ёлгон-яшиқ, туҳмат ўқларига нишон бўлиб қолаверади? Нима, бизнинг қидирув органларимиз шул қадар суст ишлайдими, қўлидан ҳеч вақо иш келмайдими?!

Репрессия, қатағон йилларида Сталиннинг "Каллак-лаб туриш" сиёсатиға асосланган поезди бутун халқлар қатори бизнинг халқимизнинг устидан ҳам аёвсиз босиб

ўтган, бор ёнган чироқларимизни ўчириб, бор будимизни текислаб кетган эди. Мен ҳозир сизларга "Қатағон йиллар ёди" сарлавҳали шеъримни келтирмоқчиман:

Ўтказмадик умрни ётиб  
Ё ўтириб, ўйларга ботиб.  
Юрлик, ботиқ илларимизни  
Шудгор қилиб текисладилар.

Ҳаммада-ку ҳар хил кўз, аён  
Бир хил қилмоқ шарт бўлди баён.  
Хиёл ўткир кўзларимизни  
Шудгор қилиб текисладилар.

Минг дард чеккан ўзимиз силлиқ  
Минг тош теккан кўзимиз силлиқ.  
Қирқ қиррали сўзларимизни  
Шудгор қилиб текисладилар.

Бир хил бўлди бўй-у, энимиз,  
Бир хил имон, бир хил динимиз.  
Хиёл тикроқ бошларимизни  
Шудгор қилиб текисладилар.

Ортга боқиб сесканасан-ов  
Қани дов-бош, қани имон-дов  
Яйдоқ дала... боқмас ҳатто ёв  
Шудгор қилиб текисладилар.

Мен мозийга қўрқиб қарайман  
Тошлар туриб кетадими деб  
Бошлар юриб кетадими деб  
Текисланиб кесилган бошлар!

Бари ўтди, ўтди қирғин, дор  
Бу кун кўзим ёшин қилар сел  
Фикри ўзгир бир фарзандга зор  
Шудгор қилиб текисланган эл.

Қайта қуриш сўнган умидлар чироғини ёқаётганди. Халқимизнинг ўз Давлат тилига эга бўлгани, қадимий хазиналаримизни қайта топаётганлигимиз, эллик, юз йиллар олдин "ухлатилган" улуг бобокалонларимизни "сизлаб" уйғотаётганлигимиз, халқимизнинг қашшоқликдан чиқариш йўллари изланаётганидан бошимиз осмонда эди. Афсус... қувонишга эртага ўхшаб қолди. Ў, кўргулиги кўп халқим-эй, қайси бир малҳам топмаган дардинга куяйин, қайси бир бсвақт кетган мардинга куяйин?! Ўзгалардан келаётган тухмат, маломатларгами, ўзингдан чиққан манқурт, беоқибатларгами?

Сўзимни армия хусусидаги фикрдан бошламоқчиман. Партияимизнинг 22-съездида Туркистон ҳарбий округи қўшинлари Қўмондони И. В. Фуженконинг нутқида шундай таънали гаплар янгради: "Ёшларимиз орасида чақириқдан бўйин товлаётганлар сони ошиб бормоқда. Бу рақамни айтиш оғир бўлса-да айтишим керакки, Ўзбекистонда 1989 йилда хизматдан бўйин товлаган йигитлар сони 1986 йилга нисбатан 4,5 барабар кўп бўлди. Бугунгача Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 2539 киши чақириқ пунктларига келмади. Жумҳуриятдан чақирилган йигитлар хизмати ҳам кўнгилдагидек бўлмаётир. 1989 йилда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган йигитларимиздан 443 киши армиядан қочди. Шу йилнинг биринчи ярмида 214 киши қочиб кетди.

Дунёнинг ҳар қандай мамлакатада бундан минг йиллар илгари ҳам аскарликдан қочиш оила учун, шаҳар учун шармандали ҳол ҳисобланарди. Хўш, бу масалаларни ҳозир қандай ҳал этаяпмиз? Айрим раҳбарлар ҳатто қочоқлар билан учрашиб, уларга пул ёрдами кўрсатмоқдалар".

Сизнингча-чи, ўртоқ Қўмондон, Сизнингча биз

дардини айтиб йиғлаб фарёд солишимиз керак бўлган дақиқаларда ҳам "оғизларига талқон солиб" ўтирадиган депутатларни кечиришармикан?!

Жойлардан ҳарбийга олиш пунктларида, ҳарбий қисмлардаги тартибсизликлар, зўравонликлар ҳақида қон қақшаб ёзмоқдалар.

*"Менинг ўғлим Темиров Эркин,— деб ёзади Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод ноҳияси, Ленин кўчасидаги 7-уйда истиқомат қилувчи Абдулла Темиров,— 1969 йилда туғилган. 1987 йил мактабни битирди, икки акаси армиядалиги, ўзининг оғирлиги 50 кг га етмагани учун отсрочка берилган эди. Лекин Қарши шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан учетда бўлмаса ҳам 17 декабрда Совет Армияси сафига олинди ва РСФСР Томск—7, 55702-ҳарбий қисм ихтиёрига юборилди. Ўғлимиз ўз хизматидан мамнун эди, ҳатто часть командири подполковник Ботов томонидан 24 март 1988 йилда раҳматнома ҳам олди. Орадан кўп ўтмай, шу йил 12 май куни часть номидан "Тез келинглар, ўғлингиз оғир" деган телеграмма олди. (Биз 8 май куни ўғлимиздан хат олган, у соғ-саломатлиги, байрамга тайёргарлик кўришаётганини ёзганди.) Воқеани район ҳарбий комиссариатига айтди. Улар бизга ҳеч қандай ёрдам беролмаслиги, ўз ҳисобимиздан бориб келишимизни маслаҳат берди. Биз етиб борганимизда ўғлимиз операция қилинган, ҳушсиз ётарди. Мияси шикастланиб қон қуйилганини айтишди. Сабабини суриштирдик. Қисм командири боламизни "Девор орқасида ўзи йиқилиб ҳушсиз ётганида топиб, госпиталга жўнатганини" айтди. Болалар ҳам аввал бўлган воқеани яшириб, командирни гапини тасдиқлашди. Кейинроқ Раупов Ғайрат исмли бола ҳамма, воқеадан хабардорлигини айтишди. Воқеа бундай бўлган экан: 8 майда*

байрам олди парадга тайёргарлик кўриш учун асосий қисм жўнатилиб 15 та ўзбек болалари ротани йиғиб-териш учун қолдирилади. Ишлар тақсимланади. Ўғлим билан Хуррамов казарма полини ювишиб чиқиб кетишаётганида Какабадзе тўхтатиб туалетни ювишга мажбур этади. Ишдан бош тортган болалар калтакланади. Ётқизиб тепадилар. Шу куни соат еттиларда ўғлимни бошига яна Какабадзе зарб билан урганини Раупов кўради. Ўғлим судралиб девор орқасига ўтади...

1988 йил 20 май куни ўғлим оламдан ўтди. Биз нури-дийдамиз Эркинжонни катта ўғлим Собир билан не-не азобларда 25 май куни Қарши аэропортига олиб келгач, область ҳарбий комиссариатидан тобутни олиб кетиш учун бирорта машина топиб беришларини сўраганимизда "бизда машина заводи йўқ",— деган жавоб олдик. "Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним" экан бу дунё. Одамга алам қиларкан. Мен ватан ҳимояси учун ўйнаб-кулиб юрган гулдай ўғлимни жўнатиб, унинг ўлигига эга бўлиб ўтирсам-у, на район ҳарбий комиссариати, на район партия ташкилотларидан унинг таъзиясига бирорта одам келмаса?!

Томск область суди Какабадзени 3 йил Диббатга жўнатди. Шикоят қилиб ёзмаган жойим қолмади. Арзларим натижасиз қолди. Мана орадан 2 йил ўтаяпти. Квитанция ва билетларни олган район комиссариати ақалли йўл харажатларини ҳам тўлагани йўқ. Кўп нарсани тушунгандайман. Биргина бизнинг районга кейинги икки йилда 10 та тобут келди. Армия ўлим конвейерига айланибди, бас, бундан буён фарзандларимизни армияга бермаймиз. Бизнинг авлоднинг қарори шу!"

1987 йил 13 майда Қизилтепа районининг Сарой қишлоғида яшовчи 10 болали Қаҳрамон она Тоҳира

Сафарова ўгли Тўлқиннинг ўлими ҳақида "қора хат" олади ва шу куниеқ юраги ёрилиб жон беради. 14 майда она кўмилади. 18 майда ўғил. Ўлган ўлиб кетмайди. Тирикларни ҳам ўлдириб кетади.

Бу хатлардаги оҳ-фарёдлардан, қарору-нафратлардан бошим айланиб, яна ҳурматли Қўмондоннинг нутқларидаги сўзларига диққат қиламан: "Жумҳуриятда социализмга, армияга қарши, миллатчилик ва бузғунчилик ғоялари, чақириқлари қўллаб-қувватланмаганлиги ва ёйилмаганлигининг ҳам гувоҳи бўлиб турибмиз. Айрим мақолаларнинг, хусусан, комсомол газеталарида ва "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"даги мақолалар муаллифларининг армиядаги иллатларни пеш қилиб жамиятда армия хизматига беқарор салбий муносабатларни тарқатиш йўлидаги уринишлари жумҳурият аҳолисининг кўпгина қатламлари орасида қораланди, жангчиларнинг сафларида эса ғазаб ва нафрат уйғотмоқда".

Бу фикрларнинг қайси бирига ишонайлик? Рост билан ёлгоннинг чегараси қаерда ўзи?! Қайси манқурт халқ у— болаларининг кети кўринмаётган тобутларини қабул қилиб туриб ҳам бу ҳақда жони куйиб гапирганлардан ғазабланадиган?!

Ҳар ким масалага ўз нуқтаи назаридан ёндашади. Ўз кўзи билан, ўзи кўрмоқчи бўлганларини кўришни истайди. Бу воқеалар эҳтимол Қўмондонимиз назарида шунчаки "армиядаги иллатлар"дир, аммо бизнинг назаримизда буларни эндигина чимилдиққа кириб куёв бўлиш, фарзанд кўриш, халқимизга халқ қўшиш арафасида турган ўғлонларимизни бевақт жувонмарг бўлаётгани, ўзимизни халқ сифатидаги қадримизни поймол этилаётгани, ерга урилаётганида деб тушунамиз.

Биз ҳаммасига, мамлакатнинг пахтага бўлган эҳти-  
ёжини қоплаш учун ўчоғимизни бошигача пахта экиб,  
унга сарфланадиган қора меҳнатимизни, пилла ва бошқа  
экинларга кетадиган меҳнатимизни бошқа регионларга  
нисбатан ярим баҳосига ҳам етмай баҳоланса-да, ер ости,  
ер усти бойликларимиз, бор-будимиз сув текинга ке-  
таётган бўлса-да, тишни-тишга қўйиб чидаб келаёт-  
гандик. Аммо энди, жон ришталаримиз узилаётган экан,  
бизнинг халқ сифатидаги давомимизга зарб тушаётган,  
болаларимизнинг умри хайф кетаётган экан, биз унга  
чидамаймиз!

Осмонда қушим йўқ, болам  
Бошимда ҳушим йўқ, болам.  
Қолган дунёсини бошимга урайми,  
Сен бояқишим йўқ, болам.  
Пешонамни шўр қилган  
Кўрар кўзларимни кўр қилган  
Тобутдаги мўндак болам-эй,  
Қайда қолди оёғинг қирқилган?!  
Бир катта элнинг олди, болам.  
Ким темир тобутга солди, болам.  
Кўзмунчоқлар тақиб ўстирувдим-ку,  
Қўлларинг қаерда қолди болам?  
Энг тўлган ойида йўқ болам  
Боши-да, пойи-да йўқ болам.  
Бир ўпиб жонига жон қўшай десам,  
Лаблари жойида йўқ, болам.

Эшитишимизча, қатагон йилларда ҳар бир вилоят,  
ноҳияларда "халқ душман"ларини тутиб бериш бўйича  
планлар белгиланар, ўшанда ҳам планни бажаролмаган,  
планни ошириб бажарганларга қилмишларига яраша  
муомала бўларкан, "уқувсиз" раҳбарларга "планни оши-  
риб бажариш" йўллари ўргатиларкан. Бугунги бизнинг

армиямизда ҳам план борга ўхшайди. Йўқса икки акаси ҳарбийда юрган, ўзининг оғирлиги 50 кг га етмаган болалар ҳам инсоннинг конституцион ҳуқуқларига хилоф равишда зудлик билан армияга жўнатилаармида?!

"Московские новости" рўномасининг 1999 йил 3 июнь сонисида "Солдат оналари кўмитаси"нинг "Ўғилларимизни жувонмарг қилишга йўл қўймаймиз" мақоласи эълон қилинди. Унда шундай жумлалар бор: "Солдат оналари бугун Мудофаа министрлигидан, депутатлардан, матбуотдан жавоб излайдилар: Инсон ҳаёти билан ўйнашишдек бедодлик армияда кимнинг айби билан содир бўлмоқда? Солдат мактубларида, ота-оналарнинг солдат оналари кўмитасига келаётган арзномаларидан шу нарса аён бўлмоқдаки, ҳарбий қисмларда ҳали ҳамон, қайта қуришнинг олтинчи йилида ҳам ёш солдатларни таҳқирлаш, кўз кўриб қулоқ эшитмаган азобларга гирифтор қилиш давом этмоқда. Ота-оналар бизга болаларининг калтакланиш натижасида ичи эзилиб ўлганликларини ёзмоқдалар. Зўровон бесоқоллар кўнгли нимани хушласа шуни қилаётган қисмлар ҳақида ёзмоқдалар. Ҳарбий раҳбарият эса бу ҳолга лоқайд қараб келаёттир, солдат ҳақида бўлса улар касалликни ёки бахтсиз ҳодисани рўқач қилишдан нарига ўтмаяптилар. Ахир йиқилиб тушди ёки чўкди деб тирик одамни рўйхатдан ўчиришдан осон нарса борми? Ҳатто бевосита жисмоний зуғум бўлмаган қисмлардан ҳам ўсмирлар бизга: билмадим, бу таҳқирни кўтаришга охиригача бардошим етармикан деб арзи-ҳол қилмоқдалар. Бадмастлик, тошбағирлик, ҳарбий "тарбия"нинг натижаси ана шулар бўлмоқда.

Мудофаа министрининг ҳарбийга чақириш ҳақидаги навбатдаги қарори эълон қилинди. Биз оналар болаларимизни ўз қўлимиз билан ўтга, чўққа,



*жаҳолат мактабига топшира оламизми?! Дориламон даврда ҳарбий хизматга эркалар фақат кўнгилли равишда боришлари керак. Армияга, флотга, МВД ва КГБ қўшинлари сифига хизматга чақирилганларнинг ҳаёти ва соғлиғи 50—100 минг сўм миқдоридан суғурта қилиниши керак.*

*Барча солдат оналарига муружаат қиламиз. Бор-мисиз, овоз беринг. Казармаларга зор қақшаб, тиловчи бўлиб келмаслик ҳуқуқини қўлга киритиш учун қисмларга яқин бўлган қўмиталар, солдатларга ёрдам бериш кенгашлари атрофига уюшайлик. Армия маъмурлари сир сақламоқчи бўлган нарсалар онаизорлар кўзидан пинҳон бўлиб қолмагай.*

*Солдат оналари қўмитаси топшириғига биноан*

**В. Мельникова, Л. Кузнецова, Г. Карташева".**

Биз ҳам бугун жумҳурият оналарига муружаат қиламиз: "Бор-мисиз, овоз беринг! Бағримиздан йироқда, армонларда кўз юмган жигарбандларимиз ҳаққи овоз беринг, оёққа туринг, оёққа турайлик! Токи бундан кейин ҳам ҳарбий қисмлардан болаларимиз эмас, адресларимизни олиб янги тобутлар йўлга чиқавермасин!

Халқда "куйгандан кулли бало чиқади" деган гап бор! Иззатли оналаримизнинг юқоридаги таклифларига ҳам шундай маънода қўшилиш мумкин. Аммо, бу суғурта пуллар ҳам ишлаб чиқаришдан олиниши керак, тўғрими, яна шу эзилган халқ елкасига юк устига юк ортавериш деган гап бу. Аммо бундан халқ болалари тақдирига бул қадар совуққон, тошюрак офицерлар-у қўмондонлар қандай зарар кўради, ҳеч қандай. Шундай бўлгач айтиш мумкин-ки бу чора аҳволни яхшилашда ечим бўла олмайди. Ўзбекларда "туманни туртмасанг билмайди"

деган ҳаққоний гап юради. Бугун ўшандай "туртадиган", раҳбариятни сергаклантирадиган чоралар қўлланиши керак.

Бир одам бу бебақо дунёга келиб топган топилмас бойлиги, ўн саккиз йил еру-кўкка ишонмай катта қилган зурриёдини жамиятга ишониб армияга жўнатса-ю, жамият унга боласининг ўлигини келтириб берса. Ҳайрон қоларли жойи шунда-ки, бу ҳолга шундай бўлиши табиийдай қаралса!

Йўқса халқнинг катта анжумани — XXII съездда сўзга чиққан Туркво Қўмондони ўртоқ Фуженко "қочоқ" болаларини эслатиб халққа таъна қилишдан олдин бир оғиз бўлса-да боласи ўлиб бағри куйиб қолган 860 ота-онадан бир оғиз кечирим сўрамасмиди?!

Бир йилда 430 ўлим. Бу деган сўз йилнинг бирор куни ўлимсиз, фарёдсиз, кўмиш маросимсиз ўтмаган, бу деган сўз жумҳуриятимизга ҳар куни 1, баъзан 2-тадан тобут келиб турган. Анжуманда бу воқеалар хусусида халққа ҳисоб бериши, жавоб бериши керак бўлган Қўмондонимиз эса бу ҳақда эсламадилар ҳам. Худди ҳарбий қисмларда иш жойидадай! Ҳеч кимнинг бурни ҳам қонамагандай!

Яна гап ўша, халқнинг ерга урилаётган қадрига келиб тақалаяпти. Жони-жигари эзилаётган, узилаётган халқ бугун бундай ҳокимона муомалага бефарқ қаролмайди, изсиз қолдиролмайди! Қонга қон, жонга-жон сўраш зарурияти бугун эмас, бундан минг йиллар олдин пайдо бўлган. Бугун ҳар бир нуқтада шу ишни удалайдиган, шу ишга жони куядиган одамлар ўтириши хусусида гап кетаяпти.

Ҳар ҳолда ҳисобот анжуманида ўз қўл остидаги халқ болаларининг бири-иккиси эмас 430 тасининг ўлимини унутган раҳбарнинг жонкуярлигига менда шубҳа бор.

Биродарлар-ов, "пичоқни аввал ўзингга ур", деган гап бор халқда, кўнглингизга оғир олманг, шу хор-зорликда, туғишганларидан йироқда Дорулбақога равона бўлган болажонларни ўз болангиз ўрнига қўйиб кўринг-да, ҳурматли Қўмондонимизнинг бу масалаларга муносабатига баҳо беринг.

Армияда аскарларнинг инсоний ҳуқуқлари қатъий ҳимоя қилинмас экан, ўзларининг ҳаёти хавф остида экан ундай армиянинг Ватанни ёвдан ҳимоя қилишига ишониб бўлмайди. Бизнинг амалий таклифларимиз мана бундай:

— Ҳар бир оддий аскарнинг нобуд бўлишига (асосий айбдорлардан ташқари) ҳарбий қўмондонлар, қўшин, бўлим, рота, взвод командирларининг айби деб қаралмоғи ҳамда ҳар бир содир бўлган фавқулодда ҳодиса учун улар жавобгарликка тортилмоғи керак. Кўрилган чора-тадбирдан халқ оғоҳ этилмоғи лозим.

— Сессиялар оралиғида ҳарбий қисмларда содир бўлган ҳар бир ўлим ҳодисаси учун Туркистон ҳарбий округи Қўмондони депутатлар олдида жавоб берсин.

— Аҳвол шу даражада оғир, аскарлар ўлими узлуксиз содир бўлиб турган экан, жумҳуриятда ишлаб турган "Фан ва маданият", "Тиллар ва миллий муносабатлар", "Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш" комиссияларига ўхшаш алоҳида, солдатлар ҳаёти билан шуғулланувчи катта комиссия иш бошлаши керак.

— Армия тез фурсатларда профессионаллашуви керак. Акс ҳолда ота-оналарнинг бундай охирининг бахайрлигига ишониб бўлмас "мардикорликка" болаларини жўнатишдан бош тортишларига ҳақли деб қараймиз.

— Буларга қўшимча яна бир таклиф: Мустақилликка ўтиш хусусидаги гаплар, бозор муомалалари масалалари

кириб келаяпти ҳаётимизга. Муносабатлар аниқ ҳисоб-китоб асосига қурилар экан, жафокаш юртимизнинг ҳам бор-будди ер ости, ер усти бойликлари тақрон қилингунча ташиб кетилмай, уларни ёпиш, консервациялаш муддати тезроқ, аниқ белгиланиши керак. Ҳар ҳолда тупроғи, суви, ҳавосининг таркиби бузилган, ёлғизгина Ороли туз пуркаб турган, болалари нимжон, аёллари меҳнаткаш, касалванд юрт ўз бойликларини қолган-қутган қисмидан тежаброқ фойдаланса ёмон бўлмасди.

"Кўзларни тийра очиш керак" дейди "Адабиёт ва санъат" газетасида ҳарбий қисмлардаги аҳвол мавзуини дастлаб кўтарганлардан бири шоир Карим Баҳриев. Жафокаш Ўзбекистонни Ўзбекистон бўлмоғи, унинг фарзандларини қаддини тикламоғи учун халққа "уйғонч сўз" айтаётган бундай қаламкашлар, зиёлилар, бундай газеталарга маломат тошлари отиш ўрнига уларни қўллаб-қувватламоғимиз керак эмасми? Қачонгача биз "милтиллаб" бўлса-да, йўлимизни ёритишга уринаётган ўз чироқларимизни ҳимоясиз қолдирамиз, уларни ўз қўлимиз билан ўчирамиз?!

Иттифоқ матбуоти "ёмон отлиқ"қа чиқариб қўйган Ўзбекистон шаънини оқлаб, дардларини даволаб олмоқ учун, маломатлар, ноҳақликлар юкидан эгилиб бораётган халқимизнинг қўлтиғига кириб, қаддини тиклаш учун оёққа туришга тўғри келади. Биз шунга тайёрмизми?!

Биз бугун шу маънода жумҳурият аёллари, эркакларига, оналарига, барча уйғонган юракларига мурожаат қиламиз:

**Бормисиз, овоз беринг!**



## Куйиниб қараган ғусса барқарор

Матбуотда ("Литературная газета", 1989 йил 25 январь) республикада пахта масаласи бўйича қамалган юзлаб одамларнинг бегуноҳлиги... аниқланганлиги ва қамоқдан бўшатирилганлигини ўқиб билганимда юрагим орқамга тортиб кетди. Суюнайми, куюнайми?!

Суюнишим, не адашувлар, не дўзахий азоблардан кейин бўлсаям адолат қарор топди. Фақат, бу адолат уларнинг инсонга бир мартагина бериладиган тонгдай тоза ҳаётларига қора доғ тушгач, уларнинг ғамдийда аёллари бир этак бола билан қолиб, бу ноҳақликлардан, бу ҳаётдан бездим, деб фарёд солиб уч-тўрт йил ичидаёқ тосдай қоп-қора сочлари оппоқ оқариб кетгач ва яна турли касалликларга чалингач, ўтдан, сувдан қайтмайдиган жасур болаларининг туҳмат балоси олдида мурғаккина бошлари солингач ва яна шундай аллақанча ғам-аламлардан кейингина қарор топди!

Бу руҳий азоб, йўқотишларнинг хунини ким тўлайди? Демак яна газеталар ёзганидай "хато қилдик". Бу хатони

кимлар қилди, мақсадлари нима эди, уларнинг? Йўл қўйган хатолари учун қандай жазо чоралари кўрилаяпти? Мана шу саволлар жавобсиз қолаверар экан, биз навбатдаги хатоларга йўл қўяверамиз.

Нега адашаверамиз, хатога йўл қўяверамиз? Инсон ҳаёти билан ўйнашмаслик, унга муқаддас деб қараш борасида ўттиз еттинчи йил бизга етарли сабоқ бермаганмиди? Адабиётда биргина Абдулла Қодирийни, Усмон Носирни ёки Чўлпонни олинг. Улар ўша йиллар адабиётининг чақнаб турган юлдузлари эмасмиди?! Нега уларнинг ўзлари билан баробар, меросларини ҳам биздан яшириб, йўқотиб улгуришди?

Қаердадир, қатл қилинган беш нафар декабристлар ҳақида Александр Иванович Герценнинг фикрини ўқиган эдим: "Бу тўфонда қанчалаб ақллар ғойиб бўлди".

Ҳар бир соҳани тирик, ҳур фикрли, олдинга ҳаракатлантирувчи илғор кучларидан шундай бешафқатлик билан маҳрум қилинган, ўсиш қаёқдан бўлсин?

Тафаккуридан ўт чақнаганлар ўққа учди, қамалди. Уларнинг яқинлари бадном этилди. Шундай пайтда уларнинг ўрнига кимлар келганини (улар орасида принципал, адолат учун курашувчилар бўлмаган, деган фикрдан йироқмиз) тасаввур қилиш қийин эмас. Ярим қўрқоқ, ярим эътиқоддилар. Шамолнинг эсишига қараб турланувчилар. Турғунлик йилларидаги қўрқоқлик, мутелик, бюрократлик каби турли иллатларнинг илдииз сабабларини мен ўша йилларга бориб тақалганини кўраман. Аммо... афсус озмунча қора кўз йигитларимиз кўкси тўла армон, Магадан тупроғида айқаш-уйқаш қучоқлашиб ётибдиларми? Озмунча бизнинг (фақат бизнинггина эмас) оқил, доно, довурак болаларимиз биз учун ўрганиш бўлмаган Сибирь совуқларига дош беролмай, бошлари, эс-ҳушларини совуққа олдирилдиarmi?

Бу Ватаннинг, миллатнинг гуллари ўрнини тўлдириш мумкинмиди? Асло.

Яна тўнгалган айбларни қаранг. Ахир улуг Пушкин, Лермонтовни дастлаб ўзбекча қўнғироқдай жаранглатган Усмон Носир бўлса, қандай қилиб уни миллатчиликда айблаш мумкин? Онам Қаршигул Холназар қизи ҳануз, ҳали қирққа ҳам етиб улгурмаган ўз отаси, менинг бобом Холназар чавандозни милиция ходимлари уйидан эски ўзбек тили, араб имлосидаги китоб чиққани учун, китобни намойишкорона қўлтиқлатиб олиб кетишгани, йўл-йўлакай бобом йиқила-сурина бир пой махсисини кийгани, бир пойини рухсат бўлмагани учун киёлмай қўлтиғига қисганича чиқиб кетганини айтиб йиғлайди. Шу-шу бобом бедарак кетган. Битта, кичкинагина Қайирма қишлоғидан ўша йилларда шундай бедарак кетганлар — ўн етти киши! Ёраб, қабоҳатига олса инсоннинг чивинчалик қадри қолмас экан-да!

Дарвоқе, эски ўзбек тили, араб имлоси ҳақида икки оғиз сўз. Бизнинг минг йиллик тарихимиз, дунёга кимлигимизни билдирувчи сиғинган меросимиз ҳаммаси шу тилда битилган бўлса халқни ўтмишидан бағритошлик билан узиб олиб бошқа имлога ўтказиш фикри қандай заруратлар асосида юзага келганлиги ҳақида мен кўп ўйлайман.

Улуғларимизни аслидан тушунмаслик — дил оғриғим менинг.

"Эски ҳамма нарсалар эски, эскирган, ҳамма янги нарсалар янги, улар тараққиёт учун хизмат қилади деб айтолмаймиз", деганида Ўлжас Сулаймонов юз марта ҳақ. Ҳар ҳолда бу менда халқнинг минг йиллик ганжу хазинаси устидан парда тортилгандай нохуш таассурот уйғотади. Ҳайриятки, карахт бошларимиз қайта қуриш шамолларида сесканиб ўзимизга келаяпмиз, фикрлашга

ўрганияпмиз, тилга кираяпмиз. Куч топиб "хавфли зона" ҳисобланган булбул забон боболаримиз қолдирган хазиналар устидан тортилган тупроқни сидираяпмиз. Очаяпмиз. Кўраяпмизки, бу ганжиналар орасида оламни портлатиб юбориши мумкин бўлган гап йўқ. Битта йўл қўйилган хатони тузатишга киришгунимизча, тушуниб етгунимизча, икки авлод бўй етибди. Бу орада қанчалаб олтин бошларни бой бердик. Қанчалаб юраклар изтироб, аламдан сув бўлиб оқди.

Бебаҳо тафаккур тожлари оёқ ости бўлган, поймол этилган бир шароитда инсоний қадр-қиммат ҳақида гап бўлиши мумкинми? Биз Ватанни она деб улуғлаймиз. Унинг майсасини кўзга суртамиз, ҳавосида яйраймиз кўзимизга суюмли, табаррук бўлиб қолиши унинг бағрида яшайдиган, иш кўрадиган ва айниқса улар орасидаги халқни бошловчилар, раҳбарларга нақадар боғлиқлиги ҳақида ўйлайман.

Бугун бир аёл, бир она сифатида дилимдаги, тилимдаги тиловатим, дуом будир:

— Ватаним, халқим, умид кўзларингни тикиб бош устингга кўтарган болаларинг илоҳим, ноқобил чиқмасинлар. Ноқобил чиқар эканлар, ўзларининг телба-тескари қадамлари билан улар Сени шудгор қиладилар. Сени ғорат қиладилар-ки оқибатда Сенинг бағрингда парокандалик бошланади. Сен бадном бўласан.

Жафокаш халқим, қай бир фарзандларингга назаринг нури тушиб, ҳаётингни унга инонар экансан, илоҳим бу фарзандларинг фаросат, садоқат, оқибат туйғуларига, инсоф, адолат ва айниқса жасорат туйғуларига бегона бўлмасинлар. Йўқса улар юриб ўтган йўлларда гуллаган боғлар эмас, қовжираган саҳролар қолади. Бу йўлларда тили бурро, кўнгли тўқ, жўмард болалар эмас, муте, хотирасига ўт кетган, келажакдан ноумид, ҳар



қадамини жовдираб, ҳадиксираб босадиган ёки қадами етган жойни зўр билан, зар билан олишига ишончи комил, қасамхўр тўдалар қолади.

Бугунги кун ҳар бир инсоннинг кўнглини топиш, қадр-қиммати, номусини тиклаш йўлидаги ғоялари, уринишлари билан (гарчанд бу йўлда ҳали ютуқларимиз жуда кам бўлса-да) бизни умидлантирмоқда. Шахсга сиғиниш даври эса бунинг мутлақ акси бўлиб тарихга кирди. Ижодида антисоветизм ғоялари билан пролетар адабиётига бегоналикда айбланган ёнар сўзли рус шоираси Анна Баркова умри давомида уч марта қамоқда ўтирди. Унинг бор айби ҳаётни чинакам кўргани, бўямай кескин ёзганлигида эди:

Сафро шимар, қон шимар, қўймас,  
Ҳаётимиз, ишимиз мудом.  
Бўри нафси сингари тўймас  
Нафс берган бизларга худо.

Умрининг гуллаган 25 йилини қамоқ азоблари, калтаклари остида ўтказган аёл умри қамоқда ўтган ҳамма ёлғиз одамлар сингари ҳаётининг охириги йилларини ҳам ғариб, машаққатли яшади. Кечирган қора кунларини қайта кечирди. Қамоқдаги ҳаёт даҳшатли тушдай кечган эдики, у бир марта ўнгида ҳам учинчи қаватдан ҳаллослаб югуриб тушди. Зинапоя охирлаганда юз тубан йиқилди. "Ҳаммомга олиб кетилаётган маҳбуслардан орқада қолиб кетдим", деб зорланди (Қаранг: Леонид Тоганов. "Номаялум шоира". "Огонёк", 1988 йил, 33-сон).

Бстакрор, тансиқ неъмат — умрни мана шундай ит азобида кечирган одамнинг шърларида:

Кўрдик, бор кўргулик ўтли юракдан  
Калтак ва ўқ едик, шундай пишдик биз.

Шунча тубан кетди, бу ёвуз Ватан  
Болалари шунда бўлмасми ёвуз?!

каби сатрларни учратганда ажабланиш мумкинмиди?! Шундай. Бизда эса ажабланардилар. Жаҳллари чиқарди. Ғазабга олардилар.

"Турғунлик йиллари" атамаси ўз-ўзидан келиб чиқмади. Биз бу жарлик ёқасига бирданига келиб қолганимиз йўқ. Биз бу чегарага жуда кўп сўқмоқлар, жамият танига сингишиб кетган жаҳолат, ҳукмронлик, шахсга сиғиниш, қўрқоқлик, бешафқатлик каби сонсиз йўллар орқали келдик. Ноҳақлик олдида тиз букмаган рост сўзли Анна Баркованинг ижоди, умри шу беқут йўлларда хазон бўлган умрлардан, ижодлардан биридир.

Репрессия, сталинизм руҳи ҳукмрон бўлган шахсга сиғиниш даври, мансаб курсиси баланд, қўли узун одамнинг ҳаммавақт, ҳамма жойда ошиғи олчи, қора меҳнат одамларининг шўри бўлган турғунлик йиллари бизнинг бундан буёнги яшашимизни тўғри йўлга қўйишимиз учун етарли сабоқ беради. Фақат ростлик, ростлик орқали!

Муштдайлигимиздан бизга ўргатишганидай: "Мен бахтиёр, ҳур қизман. Кўкси тўла юлдузман", каби зўрма-зўраки мақтовлар, нотабий, ясама қувончлар билан эмас. Ростини, борини ёзиш билан.

Равон йўл, қуёшли, қувончли йўлларимиз ҳақида ўн йиллаб ким ўзарга куйладик. Ҳолбуки, бугун сергак тортиб, ўгирилиб қараб, босиб ўтган ҳаёт йўлларимизда чаппар уриб ўсиб ётган қувонч гулларини кам кўрдик. Ниҳоятда кам.

Ҳолбуки, турғунлик йилларидан чиқишимизда илғор, адабиётнинг жамиятни олдинга силжитувчи кучларидан бири сифатида хизмат қилган рус шоири Е. Евтушенко айтгандай:

Гоҳо саодатда бефаҳмлиқ бор  
Саросар солади қуруқ ва енгил.  
Куюниб қараган гусса барқарор  
Чуқурроқ кўради қайгули кўнгил.

Юқорида эски ўзбек тили хусусида тўхталган эдим. Бугун ҳам тил муаммоси кун тартибида/ жуда жиддий масала бўлиб турибди. Муносабат доираси торайиб, рўзгор тили, бозор-ўчар тилига айланиб бораётган тил ҳеч қачон кучга тўлган дарахтдай гуркирамайди, илдизига озуғ етишмаётгандай сўлий-сўлий бир кун қуриydi. Биз ахир аждодларимиз, отамиз, онамизнинг давоми бўлиб дунёга келамиз. Шундай. Муқаддас ОНАмизнинг тилини бор таровати билан сақлаб қолиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Расул Ҳамзатовнинг бир шеърида ўлаётган қаҳрамони қулоғига айтилган доғистонча СЎЗдан қайта кўз очади. Сўнаётган инсонга ҳаёт бахш этишга қодир Она сўз, Она тил ҳимоясида оёққа турмаган фарзанд фарзандми?!

Ўзини билган ҳар бир халқ фарзандини у русми, қирғизми, тожикми, ўз она тили ҳимоясига мана шундай, жон чекиб киришмоғини мен жуда табиий ҳол деб биламан ва уларга кўнглимда эҳтиром сақлайман. Адолат юзасидан ҳам республика аҳолисининг тахминан 75 фоизини ўзбеклар ташкил этар экан, тил ҳақидаги қонуннинг тезроқ ва тўла амалга ошиши учун жонбозлик кўрсатишимиз керак.

Эндигина қалдирғочдай чуғурлаб (айниқса шаҳарларда) на аниқ ўзбек тили, на рус тили, аралаш, аросат бир лаҳжада тили чиқаётган гўдақларимиз эртага падари бузруквори, онаизори сўзларига тушунмай, слка қисиб турсалар бундан катта фожиа борми?

Унда бизни бугунги хайрли ҳаракатларимиз, инжу доналаридай ҳар жой, ҳар жойга тушиб қолган,

унутилган, бугун эса биттама-битта қидирилаётган халқ қўшиқлари, айтишувлар, халқ дostonларимизни излаб, тўплаб юришимиздан не мурад?!

Биз бугун аҳолига медицина, маданий-маиший хизматлар кўрсатиш бўйича, аҳоли жон бошига гўшт, сут, сабзавот, истеъмол қилиш бўйича, яшаш тарзимиз, китоб ўқишимиз каби турли кўрсаткичлар бўйича охириги ўринлардамиз.

Бу ҳамма соҳалардаги паст кўрсаткичлар шу қадар занжирдай боғлиқки, улар бирлашиб бизни болалар ўлими бўйича Иттифоқда энг юқори ўринлардан бирига чиқарди. Аёллар, оналар касалликлари бўйича ҳам аҳволимиз мақтангулик эмас.

Жуда кўп уринишлардан кейин (бутифоснинг тақиқланиши бунда асосий роль ўйнади) болалар орасидаги ўлим кўрсаткичи сал-пал камайди. Бу жуда катта ютуқ. Бу, айниқса, биз аёлларнинг ютуғи. Бироқ бу ҳали кам. Ҳаёт, ўлим ўртасида туриб, жону жаҳонни бир тутам бўлиб, минг ўлиб, минг тирилиб дунёга келтирган гўдагини қўлидаги қушини учуриб қўйгандай, турли касалликларга олдириган, ҳамон олдириб қўяётган мушфиқ аёллар ҳаётларидаги бор кўнгилсизликнинг илдиз сабаблари "пахта монокультураси"га бориб тута-шаётганини кўриб, тушуниб турган, қўли ишга бормаётган бир пайтда пахта ҳукмронлигини "халқнинг кулфати", — деб ёзаётганимиз тўғри-ку, лекин бу ёзганларимиз гаплигича, қоғозда қолаётгани, амалий қалам ташлаш қийин бўлаётгани ёмон.

Ахир пахта планини ҳам, харид нархини ҳам одамлар белгилайди-ку! Халқимиз табиатан вазмин, кўнгли тўқ, қаноатли халқ. Лекин унинг бу — туғма хусусиятларини сунистеъмол қилмаслик керак. Оила бошлиқлари, эркакларимизни пахта меҳнатидан оладиган даромади озгина

қаноатлантирса эди, у районма-район ташкилотма-ташкилот изғиб юриб ўзига бошқа иш қидирмас, худонинг берган куни ишдан (10—15 километр масофага қатнаб ишлаб) уйига болалари ухлаган пайт, хуфтонда қайтиб келмас эди.

Бизда сўнгги йилларгача аввал пахта, план, кейин одам, унинг соғлиғи, яшаш шароити ҳақида ўйланди. Тўғри, биз пахтага ихтисослашганмиз. Пахта керак. Мен ҳам пахта тарафдориман. Лекин кўпроқ одамнинг, унинг олтинга топиб бўлмас соғлиғи, яшаш тарзи даражасини ошириш, маънавиятини кўтариш тарафдориман. Ахир шу жафокаш одамнинг боши омон бўлса, кўнгли бутун бўлса пахта бўлади-да.

Тагин, шу одамнинг пахтадан келадиган даромади старли бўлса эди "оила пудрати" унга бу қадар ўнғай усул бўлиб туюлмас, етмиш ёшли отасидан тортиб етти ёшли боласигача гектар ёздириб олиб яшаш учун оддий шарт-шароитлари ҳам йўқ далани иккинчи уйига айлантириб олмас эди.

Шуларнинг ҳаммасини кўриб туриб, ўнлаб йиллар ортиқ миқдорда сепилган турли химиявий дорилар сабаб чарчаган, ишдан чиққан камҳосил ер, шулар сабаб тоб ташлаётган соғлиқ... деҳқоннинг йилдан-йилга оғирлашиб бораётган аҳволини тушуниб, кузатиб туриб, амалий қадамнинг ташланиши суст, жудаям суст кечаяпти.

Қишлоқда медицина хизматининг савияси паст. Туғруқхоналар кам. Жойлар етишмаслигидан қанчалаб аёлларда туғруқ ноқулай жойларда, ҳаётлари хавф остида кечади. Коридорларда ҳафталаб қолиб кстиб чақалоқларини шамоллатадилар, ўзлари янги бўшанган, турли касалликлар орттирадилар.

Ўзбек аёлининг толиб бораётгани, эзилиб, вақтдан

илгари қариб бораётганининг илдиз сабабларини фақат туғишдангина эмас, оиладаги етишмовчилик, улгурмаслик, ишдаги зўриқишлардан қидириш керак бўлади.

Ёлгон! Аёлнинг жони қирқта деб ким айтган бўлса ҳам, ёлгон! Унинг ҳам биттагина, титраб турган жони бор. Шу оила, эр, болаларга туғма ғамхўрлик ҳисси, меҳру муҳаббат ҳисси, бу қадим ер юзида ўзидан кейин авлодлари яшаб қолиши учун туғма курашиш ҳиссиётигина уни шу заифгина жонини мустақкам қалқонга айлантирса ажабмас. Оилани эплаш, болаларнинг, эрнинг кўнглини олиш, кийим-кечагига қараш ва бунга қўшимча эртадан кечгача далада ёки давлат идораларида ишлаш...

Аёлга яратувчилик сەҳри, қудратини ато этган Она табиатга ташаккурлар бўлсин!

Аmmo биз бир кун бўлса ҳам олдинроқ толиқиб бораётган аёлларга, қишлоқ аёлларига ёрдамга шошилишимиз керак. Ҳар йили республикада 250—270 аёл ўзини ёқаётгани сир эмас. Бунинг бош сабаби — ўша ўзбек деҳқонининг (чунки ўзини ёқиш ҳодисаси асосан қишлоқларда рўй бермоқда) ҳаёт-мамотига айланган пахта меҳнатининг ҳад-қудудсизлиги, қадрсизлиги, яшаш тарзининг ночорлиги, деб Одил Ёқубов жуда асосли бонг уряптилар. Огоҳлантиряптилар.

Умр бўйи бола-чақаси билан офтоб тиғида қопқорайиб ишлаб бири икки бўлмаган ва бундан кейин ҳам ҳаётининг ўнглиниб кетишидан умид узган аёлга арзимас баҳоналар сабаб бўлиши мумкин.

Телевидениенинг "Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари" кўрсатувларидан бирида берилган, ўзини ёққан Олмаҳон Мамадова дўғонасининг сўзлари ёдингиздами?

— Мана шу шароитда, Олмаҳоннинг ўрнида сиз бўлганингизда қандай йўл тутардингиз, сиз ҳам ўзингизга ўт қўярмидингиз?

Мухбирнинг бу саволига қиз шундай жавоб берганди:  
— Ҳа, унинг ўрнида бўлганимда мен ҳам шундай йўл тутган бўлардим. Чунки менинг ҳам орқамда ишонадиган одамим йўқ...

Бу жавоб юракни зирқиратадиган, ўзинг, ўзгалар хусусида ўйга толдирадиган жавоб. Афсус, минг афсуски биз ҳали сўзимиз, амалий ишимиз билан оддий меҳнат кишисининг ишончига кира олганимиз йўқ.

"Саодат" саҳифаларида, кўзингиз тушган бўлса, "Эр-каклар тарбияга муҳтож эмасми?" сарлавҳали мақола чоп этилди. Эҳтиромли эркакларимиз бизни авф этсинлар. Ҳаётини тажрибалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, улар орасида ҳам тарбияга муҳтожлар кўп экан. Биз ҳамма тарбия, ташвиқот ишларимизни асосан шусиз ҳам банд аёлга қаратдик.

"Аёл ҳамманинг — қайнота, қайнона, қайнага дегандай, зуғуми, таҳдидини кўтариши мумкин, — деб ёзди жаззахлик кекса педагог Дулкина ўша мақолада, — аммо эрнигини кўтара олмайди. У эри томонидан ҳам шундай зарбага дуч келса, бу унга охири зарба бўлади ва у иккиланмай сўнгги йўлни танлайди. Биз мунис аёллар ўлимида шу хонадан эркаклари, қолаверса раҳбар ходимларимизни айблаймиз".

Бу фикрга қўшилмай илож йўқ. Улар бўлиб ўтган бу мудҳиш "фавқулодда ҳодиса"ларнинг тафсилотларини йиғиш, қарорларга тиркаб қўйиш билан чекланмоқдалар. Аммо бу ҳолат — "Фавқулодда ҳодиса"микин? Йилмайил, кунма-кун йиғилиб борган турмуш қийинчиликлари, кўнгил изтироблари, ноҳақ стказилган озорлар, адолатсизликлар каби турли жиддий сабаблар оқибати эмасми бу?!

Шоир Рауф Парфи айтганидай — воқеа бўлиб ўтгандан кейин номигагина иш кўрувчи текширувчи

комиссиялар эмас, ўрганувчи комиссиялар тузилиши мақсадга мувофиқ. Бу комиссиялар таркибига медиклар, социологлар, психологлар, юристлар киритилиб, улар бу воқеаларни чуқур таҳлил қилишлари, асл келиб чиқиш сабабларини аниқлашлари, старли таъсир кучига эга чора-тадбирлар белгилашлари керак деб ўйлаймиз.

Шу ерда суд, прокуратура ва қонун ишлаб чиқарувчи органларга бизнинг эътирозимиз бор. Йилига юзлаб аёллар ўзига ўзи ўт қўйди. Бир инсоннинг ўлимини тасаввур қилиб кўринг. Ўзбекда "Туманни туртсанг, билмайди",— деган мақол юради. Органларимиз бу ишларга жиддийроқ киришишлари, ҳақиқий айбдорлар аниқланган шароитда уларни ҳушёр торттирадиган қандайдир қонун ишлаб чиқаришлари керак... Меҳру шафқат қўлларининг кучи етмайдиган баъзи эркакларга жазо қонунларининг қудратли қўллари бас келармиди, деган фикрдамиз. Ахир икки йилда 500 дан ортиқ аёлнинг барбод бўлган ҳаёти наҳотки битта таъсир кучига эга қонун ишлаб чиқариш учун старли материал бермаса, шундай қонун яратишга арзимаса?!

Биз уларнинг барчасидан қатъий назар ўз жонига қасд қилувчиларни ёқламаймиз. Ҳар қандай шароитда ҳам одам ўзини қўлга ола билиши, ўзини ўйламаган тақдирда ўзгаларни ўйлаши керак. Агар одам ўзини ўзи кўтара олмаса, уни ҳеч қандай ташвиқот, мадад кўтара олмайди. Орқасида чирқираб қолаётган уч-тўрт гўдак, оҳу фиғони еру кўкни титратаётган, айрилиқ, ғам юкидан икки букилиб қолган кекса ота-она, жигарлар... қолаверса, одам дунёга икки марта келмайди, бир борагина бериладиган капалак умридай қисқа умр... уларнинг ҳаммасини йиққанингда наҳот ўша шўртумшук битта эркакка қарши кўтарилган исёнга (кимга, нимага, қарши кўтарилган бўлишидан қатъий назар) бас келмаса...



...Яна хато қилмаслик учун, яна "фавқулодда" қай бир титраб жунбушга келган мунис жондан қолган бир ҳовуч кулгагина эга бўлиб ўтирмаслик учун бугун нимадир қилиш керак. Бу менинг қувваи ожизамга келган фикрлар. Бошқалардан жўялироқ фикрлар чиқар балки, ҳар ҳолда ҳаракат қилишимиз, йўл топишимиз керак. Токи, бу йўл эркакни ақлга, инсофга келтирсин, аёлни эса бу даҳшатли йўлдан қайтарсин.

Кўксига энди-эндигина шамол тегаётган оддий меҳнаткаш халқимиз қатори эзилган, турғунлик йиллари "пахта монокультураси"нинг асосий юклари залваридан эзилган қишлоқ аёли ҳаётига ҳам бугун қайта қуришнинг шифобахш эпкинлари, нур қатимлари кириб бораётгандай. Бу қатимларни кўпайтиришга ҳар биримиз масъулмиз. Қиссадан ҳисса, бу узун йўлларда қайта-қайта айланиб юришимдан мақсадим ҳам бу фикрни яна бир бор таъкидлаш эди.



## Нур ташувчи қуёшларимиз

Яхши кунлар, мазмунли кунлар, кўнгилдагидай яшаб, яйраб ишлайдиган кунлар тобора яқинлаб келаётгандай, эзгулик эпкинлари тобора ишончлироқ эсаётгандай туюлади менга.

Булар ора-сира учраётган бўлса-да руҳга қувват, кўнгилга малҳам берувчи эпкинлардир. Шундай ишонч руҳи, енгил руҳи катта, давлат миқёсига эга ишларимизда ҳам кўзга ташланиб турибди.

Бир мисол. Эрталаб телефон жиринглаб қолди. Симдаги овоз дўстларимдан бириники. У севинчдан юраги ёрилгудай чақнаб қўнғироқ қиларди:

— Мени табрикланг, бугун бу дунёда мендан бахтли одам йўқ. Бугунги кунни мен кўнгилдагидай нишонлашим керак. Девзра гуручдан шундай бир палов ясай-ки... Хуллас бугун эрийман Сизга.

— Қанақа кун экан ўзи бугун?— қизиқдим мен ҳам.

— Қани ўзингиз топинг-чи,— жаранглади унинг овози.

— Туғилган кунингиз... асарингиз чиққан, Сизни тушунишди...

— Тўхтанг, мана шу охиргиси сал ҳақиқатга яқинроқ, бизни тушунишади шекилли.

Кейин у менга бугун қандай "хушбахт кун" эканлигини айтиб берди. Маълум бўлишича, ўша кун бундан буён имзосиз хатлар кўрилмаслиги ҳақида махсус қарор чиққан ва бу қарор газеталарда эълон қилинган экан.

— Қарорни яхшилаб қирқиб олиб иш столимдаги ойна тагига қўйиб қўйдим. Ҳар кўзим тушганда баҳра оламан денг. Эшигимдан мўралаган ҳар бир кишидан суюнчи олаяпман...

Хуллас, биз шу кун бу "оламшумул галабани нишонладик". Дўстим менга ўз бошидан кечирган баъзи бир воқеаларни гапириб берди. Мен унинг бу қарордан бу қадар ҳаяжонлангани, қувонганининг маънисига етгандай бўлдим.

— Ижодни-ку "йиғштириб" қўйгандим,— деди у оғир хўрсиниб,— бунга на кайфият бор, на имкон. Эрталаб 10 дан кечқурун 7 гача миҳлангандай жойимдан жилмай ишга "шўнғиганман". Қандай қилиб бўлса-да ишни озгина жонлантириш, ишга ижодий тус бериш керак. Бу соҳага яқинроқ одамларни ишхонага таклиф қиламан, суҳбатлашаман. Орқамдан тегишли жойга коллективга яхшилик истовчи "холис одам" номидан юмалоқ хат боради: "Эртадан кечгача ишхонага ўз яқинларини йиғиб чақчақлашиб ўтиради, ишхона унга кўнгил очар жойми?" Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди, касал бўлиб ишга боролмай қолган пайтларим бўлади. Яна юмалоқ хат, "номига касаллик варақаси олиб асарини ёзади, йил давомида тўрт марта стационарга тушди..." Бир марта тушган бўлсангиз кифоя, ёнига учни қўшишади-да юмалоқ хатни юмалатишаверади.

— Нега бундай, текшириб кўришларингиз осон-ку,— жиғибийрон бўламан, тегишли жойда мен билан суҳбат қилган одамга,— Стационарга битта телефон билан ёлғонни билсаларингиз бўлади-ку.

— Бидамиз, Сизнинг кимлигингизни билмасак Сизга у жойни ишониб топшириб қўймаган бўлардик, лекин кўрмайсизми, ораларингизда бор экан-да шундайлар, эҳтиёт бўлиш керак. Қўйингчи, юмалоқ хатлар ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб қолганди... Ишхонадаги фаолиятингиздан "ёзишади", худди шундай хатлар шахсий ҳаётингиз ҳақида, шундай хатлар қариндошларингиз ҳақида...

Иқтидорли шоир Шавкат Раҳмон айтганидай:

Кимгадир қўлингни чўзганинг учун,  
Кимдандир йўлингда ўзганинг учун.  
Тагин бироз гамгин кўзларинг учун  
Ёғила бошлайди юмалоқ хатлар.....

Бу энди ҳеч кимнинг мушугини "пишт" демай "силлиқ" юрган пайтларингизда. Агар бир одам билан орангиздан тариқча гап ўтган бўлса борми, "холис ният"лилар ўша одамни қидириб ернинг тагидан бўлсаям топишади. Ўзларининг бутун тирикчиликларини йиғиштириб қўйишиб уни сенга қарши шундай хафсала билан тайёрлашади-ки, қачон қандай қилиб, унинг отасини ўлдиргандан қаттолроқ душманига айланиб қолганингни ўзинг ҳам билмай қоласан. Ва ҳалиги "тариқча" гап хатдан хатга, ташкилотдан ташкилотга ўтиб борган сари катталашиб, шишиб бораверади...

Менимча, бу ифвогарлик ишлари билан аҳён-аҳёнда шуғулланувчилар (пайт-пайти билан ўша холис ниятлиларнинг таъсирига берилувчилар) ва йил бўйи, тўрт фасл бошқа ҳеч қандай ишларга чалғимай, оғишмай фақат шу иш билан шуғулланувчилар бўлади.

Булар истъёдодсиз бўлмай ким бўлсин, ахир одам бир иш билан шуғулланади-да, унинг учун ҳам вақт, темирдай асаб керакдир. Осонми бировнинг юз йил олдин ўтган авлод, аждодларининг гўригача ағдариб кўриш... Менимча, бундай одамлар ижод соҳасига адашиб туриб қолишган-у, ўзларидан ҳеч вақо чиқмагач, бировларни орқаворотдан титкилашга тушишган. Бундайларга раҳминг ҳам келади баъзан. Улар қайсидир қидирув органларида ишлаганларида жамиятимизга фойдалироқ одамлар бўлишармиди? (Ижобий маънодаги қидирув органларимизга бу гапнинг даҳли йўқ).

Ҳар бир ташланган қадамдан кўзланган мақсад бўлади тўғрими? Бу "холислар" ҳам мардлик билан сенга унга нима керак бўлаётганини ўз тили билан айтса, шунга қараб иш тутсанг, қўлингдан келса у талаб қилган нарсани топиб, қўлига тутқазиб қутулсанг...

Дўстим билан суҳбатдан кейин мен ҳам кўп нарсаларни ўйлаб қолдим. Қачонгача элнинг меҳрум-муҳаббатига сазовор, Эркин Воҳидов айтганидай "Девонанайи ҳақгўйнинг тўни елкасида", қачонгача жаҳолатнинг қўли устун келади? Халқ халқ бўлибди-ки унинг бутун шўришларига мана шу адовату-ғайриликлар сабаб эмасми?!

Бобокалонимиз Яссавийнинг қушлари чуғурлаб, гуллари барқ урган ер юзи жаннати баҳридан ўтиб, тарки дунё қилиб, ер остини ўзига макон тутганини Сиз қандай тушунасиз? Мирзо Бобурнинг киндик қони томган ерлардан оҳ уриб, бош олиб чиқиб кетиши, Фурқатнинг фиғонларини-чи? Озор чекмаган, чорасиз қолмаган қуш ўз инини тарк этадими?! Моҳларойимдай чин ойим — Нодирабегимни, девонаи ҳақгўй — Машрабдай тирик виждонларимизни кимнинг қўллари дорга тортиди?!

Кўролмаслик, ҳасаду-киннинг, жаҳолатнинг қўллари эмасми? Ўттиз еттинчи йил воқеалари-чи, бу қўллар бугун ҳам тиниб ўтиргани йўқ, бундан кейин ҳам тинмайди.

Ўзларича "тўдачалар"га бирлашадилар, ўзларига ишонганларни яккалаш, "иҳоталаш" йўлларини қидирадилар, зарба беришнинг турли кўз кўриб, қулоқ эшитмаган турларини топадилар. Лекин буларнинг бари ҳурматли ёзувчимиз Ўткир ака айтганларидай курашнинг "фирром" усуллари. Фирромлик билан эса узоққа бориб бўлмайди. Бугун давр бошқа, талаб бошқа.

Партиямиз, давлатимизнинг биргина ўттиз еттинчи йил воқеаларига муносабатидан биз бугун қайси йўлдан, қандай бораётганимизни тушуниш мумкин. Биз бугун кеч бўлса-да, бир вақтлар тарих гилдирагини айлантирган ғайирликнинг қўллари билан — "овози ўчирилган", "ухлатилган" элнинг ишончли фарзандлари руҳини ардоқлаб "Сиз"лаб уйғотаяпмиз. Бу менга савоб ишдай, тарихимиз йўлларидаги хатоларимиз туфайли қўлатилган чинорларимизни тиклашдай таассурот қолдираяпти.

Бир кун келиб авлодлар нафрати, маломатларига дучор бўлмаслик, бизнинг тузатиб бўлмас хатоларимизни тузатиб юрмасликлари учун ҳам ҳар биримиз ўз ичимиздаги гоҳ-гоҳ бўлса-да "ўзим бўлай" деб бош кўтарадиган, ўзгани йўлдан сиқиб чиқаришга уриниб ғимирлаб қоладиган хоин туйғуларимизни ҳар лаҳза ўлдириб боришимиз, партиямизнинг бугунги меҳрушафқат принципларига асосланган ошкоралик сиёсатини тил учигагина эмас, дилдан қувватлашимиз керак бўлади.

Бугун гап илдиз масала — инсоннинг инсонийлиги,

маънавиятини юксалтириш устида бораяпти. Инсонларнинг маънавияти юксалмай, дунёқарашларида кескин, ижобий ўзгаришлар бўлмай туриб эришган ҳар қандай ютуқларимиз тасодифий бўлиб қолаверади.

— Тулпорни эмас, йўлни ўзгартириш керак,— дейди Расул Гамзатов. Дарвоқе, ишдан чиқиб, яроқсиз қолга келиб қолган йўл ўзгармас экан, у ҳар қандай учқур тулпорни ҳам кўпга етказмай ишдан чиқараверади.

Ҳақиқатан ҳам бугун халқимизнинг виждон садоси бўлиб ишлаб турган катта талантларимиз бармоқ билан санарли ўзи. Бундай қора ишларга ўрганган талантсиз одамларга шундай таклифимиз бор. Қандингизни уриб, кунингизни хуш ўтказиб юраверинг, талантлиларнинг Сиз билан шуғулланиши учун вақти ҳам, имкони ҳам, улар учун бу ишнинг қизиғи ҳам йўқ. Фақат Сиз уларга тегманг. Кундуз демай, тун демай Сиз берган озорларга чап бериб, ўз ҳузур-ҳаловатлари, соғлиқлари ҳисобига Сиз билан бизнинг ҳаётимизга нур, мазмун, сурур ташиётган заҳматкаш қуёшларимизга лой чаплашга уринманг. Уринганингиз билан фойдасиз. Ўзимизнинг қўлимиздан нур ташиш келмагандан кейин ҳеч бўлмаса уларга халақит бермайлик, кслар йўлларига муз тўшаб, аро йўлда қолдирмайлик уларни.

Мен баъзан ўйлаб ўйимга етмайман. Нимани таллашишади ўзи? Ҳар кимнинг ўз уйи, ўз куйи... дегандай. Мен кунни кеча шу хусусда кичкина бир шеър машқ қилгандим. Сўзимни шў шеър билан тутатсам.

## ТАСАЛЛИ

*Ҳар кимнинг ўз қуёши, ўз уфқи бор, ҳойнаҳой*

Муҳаммад ИҚБОЛ

Қўрқма, мендан бул қадар қўрқишинг бекор, ғаним,—  
Ўраш-сўрашларимиз, шеъримиз бўлак-бўлак.

Ахир сенинг далангта, йўқ-ку назар солганим,  
Дон сочиб ундиргучи еримиз бўлак-бўлак.

Барака топ, меҳмонинг қайга ўтқазсанг ўтқаз,  
Пойгакларимиз бошқа, тўримиз бўлак-бўлак.

Ўйлаб юрган ўйингни қоровуллаб чарчама,  
Замон фикр сўраса, деримиз бўлак-бўлак.

Минг дардимнинг биридан хабаринг йўқ-ку ахир,  
Ювмоққа етар манглай шўримиз бўлак-бўлак.

Гапимнинг индаллоси, бир вақтда ўлмагаймиз,  
Хотиржам бўл, бўлгуси гўримиз бўлак-бўлак.





## Умидворлик

Сиз менга икки фикр билан мурожаат қилдингиз.

Эски йилдан хотирангизда қолган воқеалар... ва янги йилдан нималарни кутасиз. Булар ҳақида ўйларканман, Роберт Рождественскийнинг "менинг йилларим — менинг бойликларим" мазмунидаги сатри эсимга келди. Умуман олганда-ку, умримизнинг ҳар йил, ҳар ой, ҳар куни табиатнинг бизга берган камёб бойлиги, эҳсони. Сизнинг мурожаатингиз сабаб бир фурсат босиб ўтган изларим, кунларимга қайтгандай бўлдим.

Аввал айтган бўлсам ҳам, яна бир мисол келтирай.

Худди куни кечагидай кўз олдимда турибди. Экранда тутаб ётган уюм тасвири. Ахлат ташийдиган машина ёнидаги одам бу уюмни машинага ортыпти. Диктор (бу жойнинг адресларини аниқ айтганди ўшанда) мана шу уюм орасидан янги туғилган чақалоқ жасади топилганлиги ва бундай ҳодисалар кейинги пайтда учраб турганлигини айтганда даҳшатга тушдим. Табиатдаги, ҳаётдаги мувозанат бузилаётгандай туюлди менга. Муқаддас, қадим-қадимдан гўдагининг бир тамшаниши, "инга"сидан жону дийдаси сут бўлиб оқадиган, табиатан

шафқат, муруват элчиси бўлган аёлнинг аёллик, минг йиллардан бери бу ҳаётнинг давомийлигини таъминлаб келаётган, сирли, жонбахш муҳаббатнинг муҳаббатлик, юрагинг билан туташ, жигар-қонларингдан яралгувчи фарзанднинг фарзандлик қадри поймол бўлаётганлиги, топталаётганлигини кўриб қандоқ чидаш мумкин?!

Чингиз Айтматовнинг "Соҳил бўйлаб чопаётган олапар"идаги "мувозанат" эсингиздами? Улар боланинг дунёда яшаб қолиши учун (овга чиққан қайиқ қуюқ туман билан қопланган поёнсиз денгизда адашиб кетади), ичимлик сув озлигидан шу сувни бир томчи бўлса-да, болага қолдириш учун (қолбуки, "нима бўлса тақдирдан кўрдик", деб сувни ҳаммалари биргаликда охиригача ичишлари ва қайиқдагилар биргаликда ўлимга юз тутишлари ҳам мумкин эди-ку!) биринчи бўлиб ўзини денгизга ташлаган бобо Ўрхун — Ўрхун Шамолга, кейин ота Эмрайн ўзини денгизга ташлаб — Эмрайн Бўронга айланиб кетганлари эсингизда қолгандир. Мақсад — қандай бўлмасин бола ўлмай қолиши, ер юзидан зурёдлари йўқолиб кетмаслиги керак эди. Бунинг учун улар қўлларидан келган ҳамма ишни қилдилар, ҳатто ўлимгача тик боришдан қайтмадилар.

Биздаги баъзи бир ёшлар эса (ўз кўнгил майли йўлида ҳеч нарсадан қайтмасалар-да) ўзларининг номларига доғ тушмаслиги учун, сохта "тозалик", обрў учун, жисми-жонининг бир парчаси бўлиб дунёга келган зурёдларини ўз қўллари билан кунни қоронғулатиб ахлат уюмлари орасига тириклай кўмишгача бориб етдилар!

Дунёда бундан кўра тубанлик, бундан ёмон даражадаги қотиллик борми?!

Наҳотки, инсон, бир томондан гулу гиёҳга, қумурсқаю қушга жон ато қилувчи табиатнинг гултожи

бўлган улуғ Инсон ўзининг ўнглаб бўлмас хатою гуноҳлари тўрларига ўралиб, тушунган ҳолда ўз оёғи билан сўнгги, қонуний жазо кундасига қараб бораверса...

Дарвоқе, жазо... Бизнинг жазо қонунларимиз баъзан ўта мурувватли, баъзан умуман йўқ... Одамзоднинг охириги ҳалокати — жазо кундасига етиб боргунча томошабин бўлиб туравермаслик учун шафқатсизроқ, мурувватсизроқ жазо қонунлари ҳам керакми дейман. Мана шундай аёлларга, бунга сабабчи бўлган эркакларга ҳам шундай йўл тутиш керакка ўхшайди.

Инсоф, диёнат, шафқат, меҳр қўллари ожиз, уларни йўлдан қайтаришга қодир бўлмай қолган экан, балки шафқатсиз жазо қонунлари қайтарар уларни бу йўлдан?! Биз қандай қилиб бўлса-да, йўл топишимиз, одамларни қотиллик, одамкушликдан қайтаришимиз керак. Тинчгина, "биров билан нима ишим бор, ўз уйимнинг бургаси чақмаса, ташқарида илонлар ўйнасин" қабилида иш кўриб юра-юра келган жойимиз шу бўлди.

Мен, албатта, бу мисолда оқибат ҳақида гапирдим. Бу оқибатга олиб келувчи йўллар, сабаблар минг хил. Тан олиб айтиш керакки, аслан олганда — бу гуноҳ жавобгарлигини фақат ўша икки ёш эмас, биз ҳаммамиз баб-баробар бўлиб олсак тўғрироқ бўлади.

Бу — биз оналарни болаларни оилада етарли даражада тўғри тарбиялай олмаганимиз, уларга етарли кўкрак сути (боласини ўз сути билан боқадиган аёлларнинг кун сайин кескин камайиб кетаётганидан) юрагинг зирқираб кетади. Ахир ҳаётда она билан гўдакни бир-бирига боғлайдиган энг аввалги ва энг муҳим омил она сути эмасми? Шариятда айтилишича, фарзанд туғилиши биланоқ кўкрак сути билан боқилиши болани онага бутун умрга мустаҳкам ришталар билан пайванд этади. Бугунги кунда болаларимиздаги ота-онага нисбатан

кўтарилиб бораётган меҳр-оқибатсизлик сабаблари, илдиэларидан бири ана шу уларнинг ҳаётда кўз очган дастлабки йилларига бориб уланиши ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмизми? Уларга етарли оналик меҳр-муҳаббатини бера олаяпмизми? Бу энди аёлнинг ўзининггина айби эмас. У эртадан кечгача давлат идоралари, корхоналар ё далада ишлаши, уйга қайтиб рўзғор, бутун тирикчиликни изга солиши, эркакнинг кўнглига қараши, буларнинг ҳаммасидан орттириб, мутасадди кишиларнинг фикрича, у ҳар куни болага қараш учун ўртача 17 минут вақт ажратар экан. Инсоф билан айнинг-чи, 17 минутда боланинг жисми, ақли, онги тарбияси учун нима иш қилиб улгураимиз?!

Кўряпсизми, бола тарбияси нечанчи даражага суриб қўйиляпти. Ҳолбуки, ҳамма замонларда аёлнинг аёллик қадри, баҳоси, унинг ҳақиқий аёллиги, фарзандларига берган тарбияси, жамиятга кимларни етказиб берганлиги билан ўлчанган. Шундай экан, яна қайтараман, бизнинг фикримизча аёлларнинг иш кунини қисқартириш ҳақидаги муаммони, таклифларни ҳал қилиш фурсати етган кўринади. Ҳал қилганда ҳам ойлик иш ҳақларини тўлиқ сақлаб қолмоқ керак. Имоним комилки, бундан аёл ҳам, болалар ҳам, қолаверса, жамият ҳам фақат фойда кўради. Зарар эмас. Фарзандларимиз оила қуришга жисмонангина эмас, ақлан, маънан ҳам тайёр бўлишлари керак. Биз турғунлик йилларида тарбиянинг мана шу жуда муҳим томонини хаёлдан фаромуш қилдик. Қизларни яхши бека эмас, яхши ишчи, фаол жамоатчи бўлишга кўпроқ ундадик. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бу жавобгарлик юки ота-оналар билан бир вақтда кўксига қайта қуриш шамоллари тегмаган ва ҳали ҳам тегмаётган баъзи педагоглар, одамларнинг ақлига озуг берадиган, маънавиятини бойитадиган асар-

лар билан халқ юрагига кира олмаган баъзи бир ёзувчилар, матбуот ходимлари елкасига ҳам тушади. Шоир Усмон Азимов "Ўз ёқамда қўлларим" деб бежиз айтмайди. Токи, ҳар биримиз ўз айбимизни юракнинг чуқур-чуқур ерларида ҳис этмас эканмиз, сергак тортиб, оёққа турмас эканмиз, одамлар онгини, қараш, тушунчаларини ўзгартириб, жамиятни қайта қуриб бўлмайди.

Ўзбекистондаги мавжуд етим болаларнинг 90 фоизи тирик етимлар эканлиги ўртайди мени. Янги йилда мен болалар уйларидаги етим болалар сонининг ошмаслиги, битта бўлса-да, ота ё онанинг инсофга келиши, битта бўлса-да жовдираган гўдакнинг кўзидаги ёшнинг қуришини истайман.

Республика хотин-қизлари журнали "Саодат"нинг мазмунини белгилашда ҳам биз коллективимиз билан шу нуқтаи назарлардан келиб чиқамиз. Бизнинг нашр нафақат хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий наشري, айти пайтда оилавий журнал ҳам эканини анча унутиб қўйдик.

Инонтиргин, энди, бу зиналардан,  
Ҳақ, ноҳақ баробар чиқилмайди деб.  
Куч топиб инонтир, одам  
инонсин,

Адолат юз тубан  
Йиқилмайди деб.  
Чарчаган фаррошми, илми  
толибми,

Инонтир, кўнглига сол  
торми ё най.

Энди йўлга кирган Мирзо Ғолибим,  
Йиқилмай ўсади, мен ҳам  
инонай.

Сизларнинг ҳар бирингизга янги йил олдинги йиллардагидан кўра бахтлироқ келишидан умидворман.



## Сабр япроғи

*(“Ёш ленинчи” газетасининг махсус мухбири  
Муяссар Исроилова билан суҳбат)*

— Суҳбатимизни сиз ва менга яқинроқ бўлган аёллар мавзусидан бошласак, қайта қураётганимизга ҳам кўп йил бўлди. Сизнингча, шу давр мобайнида Ўзбекистон хотин-қизлари турмушида қандай амалий ўзгаришлар юз берди?

— Муяссархон! Аёллар ҳаёти, тақдирини таназзулга юз тутаётган болалар тақдири, заҳарланаётган эркаклар тақдири, умуман, бугунги кунда мақтангулик бўлмаган жумҳуриятимиз тақдирдан узиб шарҳлаб бўлмас. Ҳамма муаммолар, дардлар бошқалардан кўра кўпроқ аёл тақдирида кескинроқ хуруж қилаётгани ҳақида айтсак, бу бошқа гап. Аёл — илдиз. Эндиликда бу илдиз унутилди ҳисоб. Етиб келган жойимиз шу бўлдики, сариқ, камқонлик, рахит, гипотрофия (озиб-тўзиб кетиш), ичбуруғ каби сон-саноксиз касалликлар болаларнинг маъсум дунёсига кўп бошли аждарҳодай бостириб кияпти. Қорақалпоғистоннинг Бўзатов ноҳиясида



эди, диёнатсизлик юзига тик қаролганимизда эди, бугунги ночор кунга қолмаган бўлардик. "Мамлакатнинг бир бурчида бойлик, бир бурчида камбағаллик кучайди", деб бежиз айтилмади. Бугун ҳам тўпиғига сув чиқармай, сиртини силаб, гуллаб-яшнаётган баъзилар савол ташлашлари мумкин:

— Қандай ночор кун ҳақида гапиряпсиз?

Мен эсимга келганларини қисқача санаб ўтай:

— Тамоман заҳарланиб бўлган, бундан кейин бир грамм ҳам кимёвий дорилар ишлатилмаган (ҳолбуки ҳали бутунлай чеклаш ҳақида гап ҳам йўқ) тақдирда ҳам 10—15 йилларсиз ўзига келмайдиган бемор, пажмурда тупроқ.

— Иттифоқдаги энг юқори, даҳшатли ўринни ишғол қилиб турган болалар ўлими.

— Қуриб, мангуга видолашиб бораётган Орол... "Жумҳурият аҳолиси бир сўмдан берганида ҳам... Орол фондига 18 миллион сўм тушиши мумкинлиги ҳақидаги гап ҳақиқатан диққатга сазовор, ҳаммамиз ўйлаб кўришимиз, шунга кўра ҳаракат қилишимиз керак бўлган гап.

Ғурурини босиб ўтдилар тикка  
Номус-ор дегани ўтларда куйди.  
Фақат инсон чидар бундай хўрликка  
Орол чидамайди,  
Орол қурийди!

Кечдилар отадан — ортиқча юкдан  
Ўлган диёнатга кўк кийдим.  
Инсон ўлмайди бу бешафқатликдан  
Орол тирик қолмас,  
Орол қурийди!

— Ғурурини босиб ўтиш — 37-қатағон йилларгагина



хос эмас. У куни кечагача давом этди. Бечора, безабон халқимиз орасида "кўпга келган тўй" тусини олган "қама-қама"лар хусусида айтаяпман. Айблари бўйинларига қўйилиб, исботланса-ку хўп-хўп, исботланмасачи, дўзахий кўргиликлар ҳаммаси тухмат, бўҳтон бўлиб чиқса-чи, бунинг хунини ким тўлайди? Халқнинг гурури, тоғдай устунларини синдириб, майиб қилганлар ҳаётимизга, маънавиятимизга атайлаб етказган катта зарарларини қачон, қандай йўллар билан тўлашади? Ахир шундай бўляптику. Матбуотда юзлаб, минглаб одамнинг беғуноҳлиги исботланиб, қамоқдан бўшатилгани айтилди. Яна ёзилапти. Бунинг додини қайси оллоҳга арз қиламиз?!

— Болаларимиз баъзан ҳарбий хизмат учун уйларидан ўйнаб-кулиб, новдадеккина бўлиб чиқиб кетиб, ўлиб келишяпти. Мурдалари ҳам хор бўлиб шишиб, тобутга тўлиб келишяпти. Нега "келган куни тўйини бошлайман" деб янги уйни сувоқдан чиқариб ўтирган ғамдийда ота-онанинг тун қоронғусидаги тобут устида кўтарган фиғони, саволларига тайинли жавоб йўқ! Нега?! Бу қандай кун бўлди ўзи?

"Қалъанинг бойлиги, қўрғон саломатлигини сақлаш мақсадида кетган йигитни ортга шундай қайтардиларми?" Карим Баҳриев санаб ўтганидай уларнинг кўпчилигини эмас, биргинасининг бетайин ўлими дунёни алғов-далғов қилишга арзимайдими?

— Дардларнинг ҳаммаси аввало аёл юрагини куйдиради. Ғира-шира эсимда қолган. Болалигимда бир қўшнимиз бўлғучи эди. Эру хотин бир-биридан хушхулқ, хушсурат одамлар эди. Ўша эркак нимадир бўлиб (пахтанинг ўрнига маккажўхори эккани учунмиди-ей) қамалди. Хотин ҳафта ичиёқ бир бурда бўлди-қолди. Худонинг куни у-бу егулик олиб, болаларини устидан

қулфлаб, турмага чопади. Янглишмовчилик бўлган эканми, икки-уч ойларда эркак оқланиб чиқди, орадан бир ҳафталар ўтиб эру хотин кўчада эркак оқланиб чиққан турманинг қоровулига дуч келиб қоладилар.

— Ё тавба,— дебди ўшанда қоровул,— сиз ўша, турмага қатнаб юрган қоқсуюк аёлмисиз? Ростданми?

— Ҳа, нимаиди,— дейишибди эр-хотин.

— Вой янга-ей, мен сизни лўли-пўли бўлса керак, деб ўйлардим, ойдаккина хотин экансиз-ку!

— Болалар тарбияси ўлда-жўлда. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жиноят турларини бугун болалар "уддалашаяпти". Оилада она, айниқса ота масъулиятини ошириш керак. Максим Горький "Ёмон болалар учун ота-онани жазоламоқ керак", дейди. Шундай қўшимча қилиш мумкин. Тарбияси бузуқ, безори болалар келтирган ҳар қандай зарар ота-онадан ундириб олиниши керак. Шунда ўз ташвишидан ортмайдиган ота-оналар сергак тортадилар. Бу тадбир ишларимизни олдинга силжитади деб ўйлайман. Шундай. Бугун аёл юрагига урилаётган зарбаларнинг қайси бирини айтай. Иқтисодий тақчилликними? Вақт зиқлигиними, ёлғизликними? Яқинда рақамларни солиштириб кўриб, юрагим увишиб кетди. Оилаларда қўйди-чиқдилар сони космик тезликда кўтарилиб боряпти. 1950 йилда 674 та ажралиш юз берган бўлса, бу рақам 1960 йилда 2725 ни ташкил этган. 1986 йилда 27477 бўлса, 1987 йилда 29167 та оила ажралган. Бир йилда бузилган оилалар сони илгариги ўн йилдагидан кўп. Ҳар йили ўрта ҳисобда шу рақамдан 2—3 баробар кўп болалар оилада ё она, ё отанинг меҳрига зор бўлиб қолмоқдалар. Ҳолбуки, Сухомлинский айтади: қоровулдан тортиб министрғача истаган ходимни худди шундай ёки ундан ҳам қобилиятлироғи билан алмаштириш мумкин. Яхши отани

эса бошқа яхши ота билан алмаштириб бўлмайди. Бу ўсиш жараёнларини камайтириш ҳозирча қийин экан, ҳеч бўлмаса тўхтата олишга таъсир этувчи чоралар топмагунимизча, амалий ўзгаришлар ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

— Инқилобдан кейинги дастлабки йиллардаёқ аёллар тунги смена ишларидан озод қилингандилар. Афсуски, уруш туфайли бунга яна мажбур бўлдик. Орадан шунча вақт ўтди-ю, ҳали-ҳамон хотин-қизларимиз уч сменалаб ишлашади. Наҳотки мамлакатимиз аёллар меҳнатига шу қадар муҳтож бўлса?

— Тўғри айтдингиз. Ҳукумат томонидан аёлларнинг оғир ишлар, тунги сменаларда, ер ости шахталарида ишлашлари тақиқланганига жуда кўп йил бўлди. Аммо аёллар соғлиқларини гаровга қўйиб ишлашда давом этаяптилар. Худди бизнинг аёлларимиз пахтанинг қора меҳнати ҳақида гап кўпайгани сайин унга бола-чақаси билан кундан-кунга ёпишиб бораётгандай. Худди шундай гапни Навоийдаги химия заводига бориб қайтган бир дўстимиз ҳам гапирди. Ҳомиладор аёллар декрет отпускасигача енгилроқ ишга ўтишни ўзлари ишашмайди. Чунки ўтсалар кам маош олиб ишлашлари керак.

Тўғри, юқорида айтганимиздек, уруш пайтлари далалар, корхоналар эркаксиз қолди. Қарамоғидаги чоллар, гўдакларни боқиш, уруш вайроналарини тиклаш зарурати аёлни уч сменалик ишга ҳайдарди. Бугунчи, бугун уни ҳеч ким зўрлаётгани йўқ-ку? Англаб турганимиз аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, то биз муштипар аёлни тирикчилик ўтказиш ғамидан қутқармас, яшаш тарзини ўнгламас эканмиз, у ишга уч сменалаб ўз рози-ризалиги билан бўзчининг моқисидек қатнайверади.

— Ҳар ҳолда аёлларимиз инқилобдан олдин давлат

корхоналари, пахта далалари, уйда уч сменалаб тик оёқда туриб ишлашмаган. Оғир юкларни кўтаришмаган, саряқ нимча кийиб олиб, кўчаларда асфальт ётқизишмаган; сочлари пахтадай оппоқ оқариб, ёшлари бир жойни қоралаганда ёмғир-қор остида инқиллаб, беланги бўлиб кўча супуриб юришмаган; бугунги қишлоқ аёлларидай кун бўйи далада тутдай тўкилиб, кечаси, тонг билан уй қураётган эрга лой узатишмаган, ярим кечалаб нон ёпишмаган; нимжон оёқлари захда, лойда зирқираб тандир тепишмаган, томирлари бўртиб, шўра чопишмаган.

Инқилобдан кейин эса қисма бел бсқасам камзулларни сириб кийиб, дуррачаларни дол қўйиб ғарчли махси ковушчаларда босайми-босмайми деб гап-гаштакларда, қиз базмларда кўнгил очиб, яйраб юрмаганлар.

В. Г. Белинский шундай ёзади: "Аёлнинг вазифаси эркакнинг қалб шуурини, ундаги олижаноб эҳтиросларни алангалатиш, бурч туйғуси ва юксаклик ҳамда буюкликка бўлган интилишини қўллаб-қувватлашдан иборатдир — аёлнинг қисмати шу ва бу қисмат буюк ва муқаддасдир".

Инқилобдан кейин сезилар-сезилмас бўлса-да, бу "буюк қисмат"дан чекиниш бошланди. Турғунлик йилларида бу кураш яна авж олди. Пахта далаларида дориланган сувларни ичиб силга чалинган пахтакор қиз Ойбўстонларнинг номи оламга дoston бўлаверди. Яқин йилларда ҳам бўйимиз кетмондан паст бўлишига қарамай, кўнглимиз осмонда, "Гул диёрим бор менинг, гулшан диёрим бор менинг"ни айтиб муштдай-муштдай қизалоқлар далани бошимизга кўтармасмидик. Ўргатдилар. Сайрайвердик. Кетмон тутқаздилар, ишлайвердик. Бу ишларни аёл учун хос ёки хос эмаслиги ҳақида ҳеч ким ўйлаб ўтирмади. Оқибатда қўлларимиз

аёл ишлари — игна-ип, тикув-чатувдан бутунлай чиқиб кетди. Халқдаги

"Янгамсан-о, янгамсан  
Иштон пичар билмайсан"

деганлари биз, бугунги жамоат ишларидаги "фаол" аёллар бўлдик. Нуридийда моможонларимизнинг чевар қўлларидан чиққан юзлаб турдаги беҳиштий кашталар, минглаб нусхада тўқилган олача-ю, пату-гиламларнинг жўнгина нусхасини эплаб тўқиш қўлимиздан келадими бугун? Кўряпсизми, сезилар-сезилмас, йиллар, ўн йиллар оша аёллар эркаклаша бордилар. "Аёлда аёлга хос фазилатларни чеклаб, эркаклик хислатларини кучайтириш — унга зиён етказиш демакдир", — дейди Ж. Ж. Руссо.

— Янги иш бошлаган пайтларимда хоразмлик механизатор қирқ қизларнинг ташаббуси ҳақида мақола ёзгандим. Ўйлагандимки, хотин-қизларга минг букилиб қўлда пахта тергандан, машина бошқарган осон, ҳам даромадли деб. Шаҳарда ўсганман, механизатор меҳнати нима эканини билмаганман. Не ажабки, бу ташвиқот "меҳрибон" эркакларимизга пахтанинг қолган-қутган заҳматини ҳам аёл зиммасига юклаш имконини бераркан.

Салқин хоналарда ўтириб пахтага нарх белгилаётган, ўзбек хотин-қизларини 10—12 соатлаб далада ишлашга мажбур қилаётган раҳбарларимиз, иқтисодчиларимиз ҳам пахта заҳмати нималигини билишмаса керак?

— Ў, Муяссар-а, умрбод пахта орасида ишлаш заҳматини ёш хазон бўлган механизатор аёл Турсуной Охунова тирик бўлганларида батафсил гапириб берармидилар. Тўғри, мажлисларда, минбарларда ўтир-

дилар. Кремлда сўзладилар. Биз у киши билан фахрландик. Лекин буларнинг ҳаммаси рўё, оний ёлгон шухрат экан-да. Бундан унинг ўзи, оиласи, гулдай-гулдай фарзандлари нима наф кўрди? Раҳматли Турсуной опанинг қазоларидан олдинроқ сочлари мутлақо тўкилиб кетганлигини айтишди. Бугун бу кўргулик сабабларини англаётгандайман.

Эътибор беринг: АҚШ Вьетнамдаги урушда "сариқ аралашма" деб аталган заҳар ишлатиб ўсимлик оламига қирон келтирган. Бу офатдан жабрланган аёлларнинг кўпчилиги қайтиб фарзанд кўрмаганлар. Тасодиф бўлиб кўрганларида ҳам гўдаклар майиб-мажруҳ, ногирон туғилган. Матбуотда айтилишича, ўша "сариқ аралашма" таркибида ҳозирги замон заҳарлари ичида энг кучлиси саналган диоксин моддаси бор экан. Бу ҳақда ўз чиқишларидан бирида тиббиёт фанлари номзоди Жуманазар Бекназаров атрофлича, асосли тўхталдилар. Олим шундай ёзади: "Унинг (диоксин) атиги 100 миллиардидан бир қисми ҳам инсон организмнинг иммунобиологик кучларини кескин даражада пасайтириш қудратига эга, насл-насабини бузиш хусусиятини эса 5—10 йил мобайнида ҳам йўқотмайди. Далаларимизда ишлатилаётган ҳар хил пестицидлар, гербицидлар таркибида ҳам ана шу диоксин моддаси аралашма ҳолида учрайди. Эндиликда одамларнинг қони ва оналарнинг сутидан ҳам диоксин топилаётганлигини "Медицинская газета" ҳам эътироф этди. Болаларнинг 30—40 фоизи ҳар хил касалликлар билан туғилаётганининг сабаби ҳам шу модда билан боғлиқдир. Америка атроф-муҳитни ҳимоя қилиш агентлигининг хабар беришича, мева-чевалар, полиз маҳсулотлари таркибидаги пестицидларнинг энг кичик миқдори ҳам хавfli ўсмалар ҳосил бўлиш ва асаб системасини зарарлаш хусусиятига эга. Хўш,

жумхуриятимизда оқ қон ўсмаси касаллигидан нобуд бўлаётганларнинг 38,3 фоизини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил қилаётганини қандай изоҳлаймиз. Бутифос ва ундан қолишмайдиган заҳарли моддалар жабрини узоқ йиллар тортишимизга тўғри келади"...

Афсусланадиган яна бир жиҳати шунда-ки, юқоридаги Турсуной опадай фожиали тақдирли аёллар бир-иккита эмас. Бизнинг нотўғри сиёсатимиз, тарғиботимиз ўз ишини қилиб улгурган, "Узоқни кўзлаган қиз", "Турсуной ва унинг издошлари" каби асарлар, "Турсуной бўлай дейман" ашулалари таъсирида юзлаб қизлар бу касбни эгаллаган эдилар. Юзлаб қизлар тилга тушиб, машҳур бўлишган, шу билан бир вақтда гулгун ёшларида соғлиқларига ҳам шикаст етказиб улгуришган эди. "Саодат" журнали саҳифаларида "Механизатор бўлишни истайсизми?" мақоласига кўзингиз тушгандир. Қирқ беш ёшлик механизатор Ҳабибахон Мирзаеванинг чеҳрасига-чи?.. Аёл қирқ ёшида қарийдими? Аксар аёлларнинг аёл сифатида баркамоллашиб, балоғатга етиши, очилиши 35—40 ларга тўғри келмайдими?

В. Панова ва Ю. Вахтин "Биби Ҳадича Муҳаммад Пайғамбарга текканида қирқ ёшда бўлиб, Муҳаммад уни бутун қалби, вужуди билан, чуқур ва чин юракдан севиб қолди. Ҳадича унинг учун энг гўзал, яккаю-ягона ва тенги йўқ аёлга айланди. Ҳадича Муҳаммаддан етти ўғил-қиз кўрди", деб ёзадилар.

Сиз касалликлар азоби, азиятларидан бир бурда бўлиб қолган сирдарёлик механизатор Ҳабибахоннинг савол аломатлари қотиб қолган катта-катта кўзлари, завол аломатлари, фарёд аломатлари кўриниб турган аламзада сўзларига эътибор қилинг.

— Пахтага ишлатилган дорилар, унинг қора меҳнати ҳақида нега олдинроқ ёзишмади,— дейди у титраб.—

Шунда кўпроқ одамни офатдан қутқариб қолишармиди. Шунда менинг икки фарзандим ҳам омон қолармиди, балки бир умр дала кезган опам 46 ёшида оламдан ўтмасмиди, балки мен 45 ёшимда тугаб, ярим жон бўлиб қолмасмидим?! Менинг 7 хил касаллигимнинг ҳаммаси пахта меҳнати билан боғлиқ бўлиб, энди мени инвалидликка чиқаришаркан. Тошкентдаги касб касалликлари касалхонасида даволашди. Шу ўринда мени яна бир масала ўйлантиради. Далада заҳарланган, касаллик ортирган хотин-қизлар озми? Ҳеч жойга дард айтолмай, касаллиги сабаби, даво йўллари билмай оламдан ўтаётганлар-чи. Бор. Лекин улар касб касаллигини даволовчи шундай махсус касалхона борлигини билишмайди. Ҳеч ким бу ҳақда ўйламайди. Мен ўзим учун ўзим югурдим. Ўзи учун ўзи югура олмаётганлар қанча?

"Ўзи учун ўзи югуролмай" ўттизга кирмай ўтин бўлиб, яқинда дунёдан кўз юмганлардан бири Қашқадарё вилоятининг Ғузор ноҳиясида яшаган механизатор Турсунтош Болтабоевадир. Яқинда Турсунтош Болтабоеванинг редакциядан ёрдам сўраб ёзилган хати ноҳия партия комитетига жўнатилган эди. Шундай мазмунда жавоб олдик: "Болтабоева Турсунтош узоқ вақт нафас қисиш касали билан оғриган. У яқинда бевақт оламдан ўтди". Кечикдик! Ёрдамга шошилган журнал ҳам кечикди! Мана шундай заҳри қотил муҳитимиз соғлиқларини емириб улгурган, ҳаётининг сўнгги йиллари, ойларини машаққат билан яшаётган аёллар, эркаклар вилоят ва ноҳияларимизнинг ҳар бирида бор. Биз уларни таниймизми?! Биздан ёрдам сўраган раҳматли Турсунтош Болтабоеванинг мактубида шундай жумлалар бор эди: "1987 йилдан ишсиз бўлиб қолдим. Шу орада соғлиғим



ёмонлашди. Турмушим бузилди. Икки йилдан бери ота-онамга муҳтож бўлиб яшаяпман. Бир неча бор иш сўрасам, "иш йўқ, ўқимагансан, касалсан, инвалидликка чиқ", — деган жавоб олдим".

Бугун бизнинг ночор табиий муҳитимизгина эмас, гоҳо ноинсоний муносабатларимиз ҳам одамларни заҳарлаш, ўлдиришга "ўз ҳиссасини" қўшаяпти. Шу шафқатсизлик, ноодилликларнинг ҳисобини олиб борувчи ҳакам қаерда? Бугун план, мажбурият денгизига боши билан шўнғиган айрим раҳбарларимизга берган меҳнат рапортларигагина қараб эмас, қўл остидаги фуқароларнинг оғзида оши, кўзида ёши билан ўтказаетган тирикчиликларига қараб баҳо бериш керак, деб ўйлайман.

— "Литературная газета"нинг қуйидаги жумлаларига диққат қилдим: "Ўрта Осиёнинг энг муҳим хусусиятларидан бири — унинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда қолоқлигидир... фаровон яшашнинг барча кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон жумҳуриятларнинг ҳаммасидан охириги ўринда туради".

Фаровонлик бўйича энг охириги ўринда, аёллар касалликлари, болалар ўлими бўйича энг юқори ўринда, саводхонлик, китоб ўқиш бўйича энг охириги ва ҳоказо... (киши бошига пуллик хизмат кўрсатиш ўртача Иттифоқда 217 сўм, Эстонияда 321 сўм, Латвияда 292 сўм, Грузияда 236 сўм, бизнинг жумҳуриятимизда эса бу кўрсаткич 117 сўмни ташкил этади).

Муяссархон, ҳақиқатан ҳам соя-салқинда ўтириб, пахтага нарх белгилаётганлар, аёлларни 10—12 соатлаб далада ишлашга мажбур қилиб қўйган раҳбарларимиз, иқтисодчиларимиз пахта заҳмати нима эканини билишмайди. Билмаганлари учун юқоридаги кўрсаткичлардан ҳам у қадар азоб чекмайдилар.

Улки солгай шуъла аъжосига ўтлуг

оҳлар,

Куймакни қайдин билур зарбофт

кийган шоҳлар.

дейдилар ҳазрат Алишер Навоий. Агар бу фактлар даҳшатини ҳаммамиз етарли тушунолганимизда эди, бугунги ошкоралик замонида шоир Эркин Воҳидов таъкидлаганидай "қайта қуриш ҳар биримизга фарёд кўтариш ҳуқуқини берган" замонларда ҳам оғзимизга талқон солиб, чўт қоқишда давом этмасдик.

Эркакларимиз аёлга "тенг ҳуқуқли" деган ёрлиқни ёпиштирдилар-у, уни уйдан олиб чиқдилар. Евтушенко таъбири билан айтганда, эркаклар аёлни юксакликдан ўз ёнларига туширдилар. Аёлни сиз айтгандай тракторга ҳам чиқарган бўлишди. Ташвиқот қилишди. Аммо унинг нимжон қўллари трактор рулини бошқариши мушкуллиги сезилиб қолдими, бу кампания узоққа бормади. Узоққа бормади, деяпман-у тагин кўзим ўнгидан жойи жаннатда бўлгур Турсуной опанинг ақлли, ювош, кўнувчи кўзлари, қиёфалари ўтаверади.

— Илғорликни ким қўювди менга, олтин юлдузлари курсин, ана, токчада қолди-кетди. Қийналганда, ёлғизгина жоним қийналди. Эл қатори кўкрагимга шамол тегиб, қаттиқ ерни қайириб босиб юриш менга насиб қилмаса нима қилай... Ҳали мажлис, ҳали комиссия... гўдакларимни бағримга босиб, сочларини ҳидлаб ўтирганимни эслолмайман-а, водариг...

— Яқинда Сурхондарёнинг Денов шаҳрида бўлдим. Учрашувлардан, суҳбатлардан шу нарса аён бўлдики, маҳаллий хотин-қизларнинг кўп қисми ҳали қайта қуриш ҳақида тасаввурга ҳам эга эмаслар. Эгниларига

фалон пуллик кийим кийиб, қимматбаҳо тақинчоқлар тақсалар, улар учун бу бахт. Орзу-умиднинг ушалиши. Не сабабки, Нодира, Увайсийдек, Зебуннисодек курашувчан аждоди бор аёл бу қалар тор фикрлайдиган бўлиб қолди?

— Шанба, якшанбаларни интиқлик, умид билан кутаман. Ҳа кунларда қандай бўлмасин ўзим учун вақт ажратиб ўқийман, бошқача айтганда, озгина бойийман. Кичкина бўлса-да, шу имконият менда бор. Сиз айтган қишлоқ аёлларида эса бу имкон ҳам ҳали тўлалигича амалга ошгани йўқ. Пахта яккаҳокимлиги ҳаммани ва айниқса қишлоқ аёлини бутунлай чирмовуқдай ўраб, ўзиники қилиб олди. Бугун олдимизда турган энг долзарб масалалардан бири қишлоқ аёли маънавиятини кўтариш. Аммо қаранг, Муяссар, муаммолар занжири бир-бири билан қанчалар чамбарчас боғлиқ. Рўзғори учма-уч етиб-етмаётган, очин-тўқин одамнинг қулоғига маънавият ҳақида гап кирадими? Гўдакларнинг оёқларига топса, бошига йўқ, бошига топса эгнига дегандай, кам деганда 5—6 бола атрофида гирди-капалак, етишмовчиликлардан боши айланган аёлнинг китоб ўқишга қурби етадими?!

Шу ерда қозоқ халқининг ўлмас фарзанди Абайнинг қуйидаги сатрлари эсимга келади:

Шўрлик халқим,  
Мол ортида судралиб ўтган  
халқим!

Ажабланадиган жойи шундаки, қишлоқ аёллари ўзларини, болаларини емагидан, ризқидан қийиб бўлса-да, оз-оздан йиғиб қимматбаҳо кийимларни, тақинчоқларни албатта олишга ҳаракат қилишади. Қорайиб кетган, озгин, эти бориб устихонига ёпишган

аёлларнинг фалон пулли, ялт-юлт кийимларни савдогарлардан 2—3 ҳисса қимматга олиб кийиб юрганларини кўрган пайтларимда бўғзимга нимадир тиқилиб келади.

— Мамлакатимизда ҳар йили 60 мингдан зиёд мажруҳ гўдак дунёга келади. Бу дегани, 60 минг армон, 60 минг аёлнинг бахтсизлиги. Сабаби 3 миллион аёл зарарли ишлаб чиқаришда банд. Ўзбекистон мисолида-ку бу борадаги фактлар янада даҳшатли. Наҳотки 60 минг мажруҳга сарфланадиган маблағни аёллар саломатлигига харж этишнинг имкони бўлмаса?!

— Нега бўлмасин? Хўжаликни қандай юритиш ўз қўлимизда-ку? Агар 60 минг мажруҳ болаларга сарфланадиган маблағ аёллар саломатлигига сарфланганда эди, юқорида айтганим, аёлни — илдишни соғломлаштирган бўлардик. Бу деган сўз дарахт гуркираб ўсишига омил яратилади. Яхши мева, ҳосил олишга ишонч бор. Бунинг учун озгина тадбиркорлик, озгина журъат керак холос. Лекин мана шу тадбиркорлик вақти қачон келади, бу менга қоронғу. Сўзларимиз қоғозда қолаверади. Мутасадди одамлар бундан ҳам "муҳимроқ" ишлар билан банд. Хуллас, донишманд Р. Гамзатов айтгандай "Биз таёқнинг ўзини эмаё, унинг соясини тўғрилашга уриниб ётаверамиз". Ҳеч қачон сояни тўғрилаб бўладими? Зарарли ишлаб чиқаришдан аёлни қутқариб, соғлигини тиклаш бизга мажруҳ болага кетган меҳнат (ҳам моддий, ҳам маънавий) харажатлардан енгилроқ, осонроқ кўчмайдими?

— Ажралишларнинг асосий сабаби нимада деб ўйлайсиз. Ўз-ўзига ўт қўяётган аёллар ҳақми?

— Ажралишларнинг асосий сабабларидан бири сифатида бизнинг моддий жиҳатдан қийин яшашимизни, албатта, айтиш керак. Кетма-кет юзага келаверадиган рўзғордаги камчиликлар асабийликни келтириб чиқаради. Назаримда, кейинги пайтда эркаклар бема-

лолроқ, аёллар фаолроқ, шу билан бирга тажангроқ бўлиб боришяпти. Ажабланарли жойи шундаки, эркакларимиз назарида бу ҳол шундай бўлиши керакдай қабул қилиняпти. Кичкина мисол. Яқин дўстларимиз билан кўчада кетаётгандик. Тун қоронғуси. Дўстимизнинг аёли ухлаб қолган полвонгина боласини бир амаллаб кўтариб, аранг оёқ босаяпти.

— Ўглингизни ўзингиз кўтариб олинг Марат, Маъсуда қийналяпти,— луқма ташлади орамиздан кимдир.

— Нима, Маъсуда қийналяпти? Керак бўлса Маъсуданинг мениям кўтариб кетишга кучи етади,— деди дўстимиз хотиржам оҳангда.

Бу гап ҳазилнамо бўлса-да, Марат хотинининг қўлидан боласини олмади. Ори келдими, кўтармоқчи бўлган бошқа эркакларга болани Маъсуда ўзи бермади...

Оилавий ҳаёт мана шундай оний лаҳзалардаги ҳолатлар, муносабатлардан ташкил топади. Буларнинг ҳар бири ёмғир томчисидай йиғилиб бораверади. Ва кўп ҳолларда беиз кетмайди.

Қадимги қадриятларимизга мурожаат қиламиз. Қуръонда: "Аёлларга яхшилик ила ҳамҳаёт бўлинглар" (Нисо сураси, 19-оят) дейилади. Пайғамбар алайҳиссалом эса: "Ким ўз бола-чақасига яхшироқ муносабатда бўлса, ўша орангиздаги энг яхши одамдир",— деб таълим беради (Муҳаммад Қутб. Ислом ва Аёл). Одамлар орасида бир-бирини тушуниш камайиб бормоқда. Эр хотинни, хотин эрни, ота болани, бола отани, дўст дўстни, эл элни...

Оилада эса бундай муносабатлар ҳақиқатан фожиага айланяпти. Бир одамдан бир одамнинг кетиши, оиланинг дарзи, жамиятнинг эртанги куни, келажакни хавф остида қолдираяпти. Бузилган оилалардаги назоратсиз қолган болалар ахлоқи тўкис оилаларда ўсаётган бола-

лардан кескин даражада фарқ қилади. Бундай оилалардаги улғайиб қолган, ўзини тутиб олган, ақлли болалар кўзларида ҳам ҳаётга ишончсизлик, ички бир ғам соя ташлаб туради-ки, бу ғам ҳеч қачон болани руҳлантирмайди, аксинча, яшаш учун учмоққа шайланаётган қанотлари кучини қирқади.

Мен ҳар ҳолда яшашга сабаб қидирадиган, топадиганларни икки қўллаб ёқлайман. Одамзод боласининг ҳар қандай қийин кунда ҳам ақлсизларча, тентакларча ҳаракат қилишга ҳаққи йўқ! Аммо яна бир томониям бор-ки, аёл эрмак учун ўзини ёқмайди, кўнгил хушлик учун бормайди бу охириги йўлга. Иқтисодий тақчиллик, сурункали, беқадр меҳнат, одамнинг ғурурини ерга урадиган бешафқат муносабатлар, зуғум, асабни эговлайдиган уруш-жанжаллар... Булар йиллар, ўн йиллар давомида заҳар томчисидай чак-чак томиб, аёл юрагини тешиб заҳарлаб боради. Охириги томчи жуда арзимас сабаб ҳам бўлиши мумкин. Зоминда ўн болали, ёшгина аёл, эрини бошқа аёлдан рашк қилиб ўзини ёқиб кўборди. Ўн бола чирқираб қолаверди. Аммо шу охириги томчига аёлнинг зада юраги дош беролмаган бўлиши мумкин.

Айбдор ким? Ҳеч ким. Мана шу "ҳеч ким"лиги даҳшат. Бизнинг жамиятимиз ҳуқуқ ҳимоячиларининг мана шу "ҳеч ким" олдида қўлларидан ҳеч нш келмаслиги янгидан-янги жиноятларга йўл очаверади. Сабабсиз натижа йўқ-ку ахир! Шундай фожиа рўй берган жойда ҳамма охириги томчини эмас, йиллар давомида заҳар бўлиб томиб келган ҳамма нарсани таҳлил қилиши, хулоса чиқариши керак.

Л. Н. Толстойнинг "ўз уйида бахтли бўлган кишигина бахтлидир", деган ҳикматидан келиб чиқадиган бўлсак аёл оиласида бахтли бўлса, у ҳеч қачон ўзини ўзи осмайди, ёқмайди. Агар у ўз уйида бахтсиз бўлса, бу

тўғридан-тўғри унинг эри, шу уйдаги эркак билан боғлиқ масала. Агар унинг ўз уйдан, эридан кўнгли тўқ бўлса, мен аминманки, ҳаётнинг ҳеч қандай мушкул синовлари уни синдиrolмайди. Севган, севилган эркакларда менинг назаримда мана шундай, пинҳоний, ҳар қандай мушкул чоғлардан ҳам аёлни омон олиб чиқиб кета оладиган куч, қудрат бор.

"Севгиси йўқ одамлар — бузуқ одамлардир", дейди Бернард Шоу. Севгиси йўқ, уйи, бола-чақасига меҳрумуҳаббати йўқ одамлардан қанчалик қўрқишимни билсангиз эди. Табиатдаги, ҳаётдаги бутун бузилишларга, инқирозларга мана шу хил қора йўл одамлар сабаб бўлади.

— Бахт ҳақидаги тасаввурингиз?

— Атоқли рус саркардаси П. И. Багратионнинг шундай жумласи бор: "Бахт ҳар доим мард одам томонида". Ҳақиқатан ҳам одам ҳаётини мардлик, ҳалоллик билан яшар экан, бахт уни четлаб ўтмаслигига менда ҳам гумон йўқ. Фақат бахтни ким қандай тушунади? Одамзод тирик экан, бахтга интилиб яшайди. Кўзи йўл тешиб, ранги кузги япроқдай сарғайиб, касалхонада ётган бемор назарида бахт — тўрт мучасининг соғлиғидан бошқа нарса эмас. Қамоқхонадаги маҳбус учун бахт — озодликка, ёруғликка чиқадиган кун. Одамнинг ўзи қандай бўлса, бахти шундай бўлади деган тушунча юради. Жаннатмакон моможонимиз Кенагасхоним учун бахт — душман қўшинларига асир тушган ўғлининг эгилмаслиги, дор остида шармисорлик либосини киймай, сўнги маконига ёруғ юз, ғолиблик билан душман юрагига таҳлика солиб кетиши бўлган.

Кенагасхоним учқур отда осмондан тушгандай пайдо бўлиб: "Кўксингни тик тут, унутма, сен менинг ўғлимсан, болажоним", деб гулдурос солиб шамолдай

ўтиб кетишини бир тасаввур қилиб кўринг. Жасур ўғлининг тириклик дунёсидаги умрининг сўнгги лаҳзаларини мардларча яшашига, ногоҳ гумбирлаган бу садодан чайқалиб кетган халқнинг дарғазаб оёққа туриши, енгизишга балки шу гулдурос, она фарёди сабаб бўлгандир. Шундай. Гап ким ўзига қандай бахтни лозим кўришида.

Мен бу хил бахтни аччиқ, аммо умрингни тиксанг арзийдиган азиз бахт деб тушунаман. Кундалик ҳаётда бўлса агар исталса, қулоқ олинса бахтни барбод бўлишига сабаб кўп бўлганидай бахтни бутун сақлашга ҳам ундовчи омиллар, ҳикматлар кўп. Шулардан бирини қадимги юнон файласуфи ва математики Пифагор эрамиздан беш юз йиллар олдин айтиб кетган экан: "Оқила рафиқам! Агар эринг ёнингда бўлишини истасанг, шунинг пайига тушгинки, токи у ҳеч қаерда сенинг ҳузурингдаги каби роҳат-фароғат ва мулойимликка дуч келмасин". Яхши, сермазмун оила қуриш бахти бор. Яхши фарзанд ўстириш, яхши дўстлар орттириш... яхши шеър ўқиш... Тагордан ўқийми?

Банголия, руҳинг бор, қалбинг бор  
ҳамма ёқда

Сингилу укаларинг яшар  
қаёқ-қаёқда.

Иттифоқ бўлсин бари, иттифоқ  
бўлсин бари.

Иттифоқ бўлсин бари, эй тангри!

— Кўп болали онасиз. Ҳам йирик бир нашрнинг муҳаррири, булар бир-бирига халақит бермайлими?

— Фарзандларимизнинг ҳар бири умримизнинг давоми бўлиб дунёга келар экан, оилада қанча фарзанд бўлса шунча бахт, толе борлигига мен қаттиқ ишонаман. Болаларим ва ишим. Бир-бирига халақит беради. Аммо



мен иккала тарафга ҳам боғлиқлигим, кўнгил қўйганлигим учунми бундан у қадар азият чекмайман. Фақат учинчи иш (асосий, юкинган ишим) — ёзиш масаласида қийналаман. Бутун жумҳурият аёлларида бўлгани каби менда ҳам вақт тақчиллиги...

— Сўнги савол. Нимадан безовтасиз?

— Маънавий қашшоқлигимиздан. Айрим аёлларимизнинг, болаларимизнинг ҳимоясизлиги, эркакларимизнинг бешафқат, бемурувватлигидан..."Саодат"га келадиган минг-минглаб хатлардан 2—3 тасини аслича газетхонлар диққатига ҳавола қилмоқчиман.

"...Ўзимни ўлдирмоқчи бўлдим. Чуқурроқ ўйлаб қарасам бу жафолардан ўз жонимни қутқариб кетарканман-у, болаларимни аҳволи нима кечади? Эрим 5—6 ойлик муттасил ароқхўрликдан кейин наша чекадиган бўлиб қолди. Келди-кетди шундай кўпки, чекилаверган уйлар тутунга тўлиб кетади. Икки ойча бўлди, бирибирига укол қилишни бошлашди. Сархуш, пиёлаларда бир нимани тайёрлайдилар. Шприц қайнатадилар. Посудаларга аралашган қон томчилари. Уларни қайнатиб тозалаётганимни кўрган эрим бошимга урмоқчи бўлиб дағдаға қилади:

"Сен ит, улардан жирканиб қолдингми, сенинг бир ой итдек ишлаб топадиган пулингми улар бир кунда топадилар". Идиш-товоқларни айрим қилиб қўяй десам, оладиган 100 сўм ойлигимни қайси бирига етказай, ейиш-ичишимизгами, кийимимизгами, ҳар куни синадиган посудаларгами? Бир кун ишдан келсам болаларим мўралаб оталарига қандай укол қилаётганини томоша қилишяпти. Бир гал эрим икки эркак, икки фоҳиша аёлни уйимизга бошлаб келди. Улар бизникида қолишди. Тонгда барвақтроқ ишга кетишга чоғланаётганимда, эрим "қизларнинг кайфини бузиб уйғотиб

юбординг, ифлос", деб шундай тепдики, чуваланиб ерда қанча ётганимни билмайман... Наркоманлиги учун псих больницага ҳам ётқизишганди. Бир ҳафтада чиқиб келди. Кейин у билан қизиқадиган одам бўлмади, шекилли. Яқинда ҳушёрхонага тушган экан. Юз сўм жарима солишибди. Менинг ойлигимни тўлаб келди. Келгуси ойликкача бўлка, чой билан амал-тақал кун ўтказдик. Болаларимга байрам куни йиртиқ кийимларини ямаб кийдириб юбордим. Шундай қилиб милициядагилар эримни эмас, мени ва гўдакларимни жазоладилар. Турмушим шу тарз.

Х. У. Хоразм".

"...Мен 1983 йили ўз районимизда Алимов Синдорга турмушга чиқдим. Кўп ўтмай — эрим ичиб олиб бутун аламини мендан оладиган, ҳақоратлаб урадиган одат чиқарди. Тишимни-тишимга қўйиб тоқат қилишимга қарамай турмушимиз бўлмади. 1987 йил суд орқали ажралдик. Мен қизчам билан турар-жойсиз, қаровсиз қолдим. Мана икки йилдан буён 40 сўм тўлаб квартирада яшаб келаяпман. Кийим-кечак, озиқ-овқат пули, боғча пули дегандай. Ота-онам оддий колхозчи. Оиламиз катта.

Бир йил бўлди, отам ҳам оёқ-қўли ишламай тўшак тортиб ётиб қолган. Турмуш ўртоғим икки йилдан буён бир сўм алимент тўлагани йўқ. Булунгур район халқ суди раиси ўртоқ Аҳроровга икки йилдан буён қатнайман. Суд ижрочиси Ҳидиров ҳам ёрдам бермади. Қачон борсам "Эринг қочиб юрган бўлса, биз нима қилайлик" ёки "Нима қиласан шу 20 сўмни, шу билан бойиб кетармидинг", — деб дўқ уришади. Мен нима қилай. Яшашим қийин бўлиб қолди. Охирги умидим сизлардан

Бозоргул Ҳидирова. Самарқанд".

"...Менинг ёшим 17 да. Эсимни таниганимдан буён дастурхон устида тинчгина гаплашиб ўтирганимизни эслолмайман. Оилада 7 фарзандмиз. Дадамиз доим ичиб келиб ҳеч бир сабабсиз уйда жанжал кўтаради. Ойимизни қақшатиб уриб, уйдан кетказиб юборади. Ким ўз онасини яхши кўрмайди. Шундай пайтларда мен жонимдан тўйиб кетаман. Шу дунёга келганимдан минг-минг пушаймонман. Ҳаёт гўзал, дейдилар! Қани бу ҳаётнинг гўзаллиги! Менинг тушунишимча ҳаёт аччиқ қисматлардан иборат экан. Шундай аччиқ-ки, бардош бериш қийин. Бизнинг қўлимиздан ҳеч иш келмайди. Шунинг учун сизлардан ялиниб илтимос қиламан, қўлларингдан келса айтинг, арақни йўқ қилишсин. Шунда балки бизнинг уйимизга ҳам тинчлик кунлар келар!

Билмайман... Келажакдан ҳеч қандай умидим йўқ.

Шундай оталарнинг боридан йўғи яхши-ку. Шундай эмасми? Мен шу пайтгача хўрликларга чидаб келдим. Аммо бундан буёғига нима бўлишига кўзим етмайди. Жонимга қасд қилгим келади. Бир неча марта бу ишга қўл уриб кўрдим. Эпложмаяпман!"

Исм-фамилиямни тўлиқ ёзишга виждоним йўл бермади.

Лайло. Чимкент"

"Эпложмаяпман!" Бирданига юрагим орқамга уриб кетади... Нима бу "ўлолмаяпман" деганими? Ёраб, авж бу дунёнинг сиру-синоатларига мурғак ақли етмай оламга қиқир-қиқир кулгу улашиб, ўзи ҳам ўйин-кулгуларга қоришиб, капалакдай учиб-қўниб яшайдиган ўсмир ёшдаги Лайлонинг фарёди жонимни ларзага солди.

Ҳой, одамлар! Инсоф чегарасини бузиб дарбадар

кетаётганлар. Ерни, кўкни заҳарлаганимиз, табиатни, қуш-қумурсқаларни қуритганимиз, қийратганимиз бизга сабоқ бўлмадими?

Қайси қаҳр қўзгагулик қилмишларимиз сабаб бўлди-ки, минг йиллар аждодларимизни ундириб, ўстириб, кўкартириб келган улуғ Орол биз келганда қурий бошлади? Ёки унинг қирғоқларига мастлик, ношукурлик билан қадам қўйдикми? Энди навбат оила номусини ҳар нарсадан баланд қўйгувчи, оила бахтини тишида тишлаб асрагувчи, тўзимли, сабр япроғидай сарғайган аёллар, қушдай бегуноҳ, ҳуркак гўдакларга келдимиз?

Мен юқоридаги хатларни қандай ёзилган бўлса шундайлигича кўчирдим, бу хатларни шарҳламоқчи ҳам эмасман. Мутасадди одамлар ўйлаб кўришар, хулосалари, жавобларини йўллашар журналга. Мени изтиробга солган нарса шу бўлди-ки, иттифоқо қўлимга тушган 3 хатда ҳам ичкиликдан азият чеккан аёл дарди, гўдак фарёди!

"Мен сизлардан ялиниб илтимос қиламан. Қўлларингдан келса ароқни йўқ қилинглар!" 17 ёшли гулгун қизалоқни биз катталардан нималарни илтимос, илтижо қилаётганига эътибор бердингизми? Ер юзида қачон, қандай номақбул қора иш бўлган бўлса мастлик-насликда бўлган. Бизнинг бугунги йўқотишларимиз билан бобокалонларимиздан Ҳусайн Бойқаронинг мастлигида ўз набираси Мўмин Мирзонинг ўлимига рози бўлиб, муҳр босиб берганлиги орасида қандай фарқ бор?

Ҳусайн Бойқаро-ку мастлигида, оний лаҳзаларда келган бу машғум қарорга. Биз эса йиллар бўйи... ўзимиз тушунган ҳолда ит юриш, мирза туриш қабилида яшайпмиз-ки, оқибатда гўдакларимиз ҳали дунёни ту-

шуниб улгурмай ундан тезроқ кетмоққа йўл қидириб қолишяпти. Ҳали ўн етти ёшига етиб-етмаган мурғак қолда бу машъум ишга "бир неча марта қўл уриб кўргани, эпллолмаётгани" ҳақида эзилиб ёзишяпти.

Ҳой, одамлар! Атрофингизга синчковроқ қаранг. Ахир денгизда ҳам чўкаётган кемаларни қутқаришади-ку!



## Икки қўлда ҳам малҳам тутиб

"Аёллар шароитини, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни яхшилаш, оилани мустаҳкамлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган талбирлар" ҳақидаги ҳужжатларда таъкидланишича, Иттифоқда туғилиш коэффиценти 1989 йилда ҳар 1000 киши ҳисобига 17,6 ни ташкил қилди. Бу 1971 йилдан буёнги энг паст кўрсаткичдир. Бу ҳолнинг илдииз сабаблари нимада деган савол туғилиши табиий. Сабаби, биз ҳали яратувчи халқимиз, жумладан ҳаётнинг боши—муҳтарама аёлга, онага яшаш, ишлаш шароитларини кўнгилдагидай яратиб беролганимиз йўқ. Бу ҳол Иттифоқда ва айниқса пахта якказироатчилиги боис тупроғи, ҳавоси бузилган, экологик шароити ночор бўлган бизнинг жумҳуриятимизда яққолроқ кўзга ташланади.

Экологик шароитнинг яроқсизлигига қўшимча иқтисодий етишмовчиликлар, турмуш даражасининг пастлиги, бундан келиб чиқадиган давоси топиладиган ва бедаво дардларнинг кўпайиши оммавий асабийлик, ҳар кунги кўнгилхираликлар зарби ҳаммининг ва аввало

аёлнинг юрагини ишдан чиқаради. Чунки биз ҳали заводларнинг ҳавога пуркаётган аччиқ тутунларини бутунлай йўқотиб ёки ичимлик сувни, ерни тозалаб улгурмадик. Пахта майдонларини имкон қадар тез камайтирган, сочиладиган бор-ки кимёвий оғулардан бутунлай воз кечган тақдиримиздаям бу тозаланиш жараёни ҳали ўн, ўн беш йилларга чўзилишини олимларимиз исботлаб беришаяпти. Бугун теран томирлари, қарқарали дарёлари, сулаймон тоғлари заводга юз тутган она табиатимиз боис, унинг узилмас бир парчаси, бўлаги инсон соғлиги, Аёл сиҳати ҳам таназулга рўбарў келди. Аёлга бугун ёрдам керак. Унинг соғлиги ишдан чиқди ҳисоб. Орол бўйида яшовчи аёлларнинг кўкрак сутидан токсидлар топилганига анча бўлди, Сарносиёда болаларга фтор бирикмаларининг ашаддий ҳужуми ҳали улар она қорнида эканликларидаёқ бошланади. Оролдан кўтарилаётган тузлар, сезилиб-сезилмай бутун аҳоли, жумладан аёллар, болалар соғлигини емириб бормоқда.

Тонг саҳардан бошлаб тун қоронғусигача жазирама офтобда алвон кўйлақларининг ранглари ўнгиб пахта даласида меҳнат қилаётган пахтакор аёллар кун тифида қовжираб, қуриб боришаяпти. Бошқа муаммолар у ёқда турсин, жумҳуриятимизда ичимлик сув ҳам муаммо бўлиб турган районлар бор (Қашқадарёнинг Ғузор районида ҳар машина ичимлик сувига 15—20 сўм тўлаб ташиб келтиришади). Шундай жойларда истиқомат қилувчи аёллар ўзлари ичимлик сувга ҳам ёлчимаган ҳолда пахта етиштирадилар, хўжаликнинг бошқа тармоқларида меҳнат қиладилар. Ҳозирги шароитимизда агар одамнинг у учини бу учига етказиб бир нави яшаши учун 85 сўм керак бўлса, Ўзбекистонда киши бошига даромади 50 сўмдан ҳам тўғри келмайдиган оилалар

ишчи-хизматчилар орасида 11 фоиз, колхозчилар орасида 25 фоизни ташкил этади.

Мамлакатимиздаги кўп болали оилаларнинг учдан бир қисми бизнинг жумҳуриятимизда яшайди. Булардан 40 фоизи 7 ва ундан ортиқ болалилар.

Аёлларнинг тунги сменаларда ишлашлари таъқиқланганига 30 йилдан ошганига қарамай, бу ҳол давом этиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Саноатда ишловчи аёлларнинг қарийб ярми, қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг қарийб гўқсон фоизи оғир қўл меҳнатини бажаради. Завод ва фабрикаларда меҳнат қилаётган аёлларнинг 18 фоизи тунги сменаларда ҳам ишлашга мажбур. Колхозчи аёлларимизнинг саратон жазирамасидаги меҳнати дам олиш кунларисиз суткасига 13—14 соатлаб давом этади.

Иқтисодий ночорлик халқ турмуши ва айниқса аёл ҳаётида ўзининг сезиларли, гоҳо тузатиб ўрнига келтириб бўлмас изларини қолдирмоқда-ки, бу ҳақда тўхталмай илож йўқ.

Аёлларимиз орасида камқонлик, ошқозон-ичак, сариқ, сил, рак, турли аёллар касалликлари кўрсаткичлари камаймаётганлиги, болалар, оналар ўлими кўрсаткичлари Иттифоқ миқёсидан анчагина юқорилиги юракни оғритади. Улар орасида турли тарафлама (дала, рўзғор, оила, болалар, жамоат ишлари) эзилиш оқибатида асабийлик, организмнинг заифлашуви, юқумли касалликларнинг кенг тарқалаётганлиги бугуннинг инкор қилиб бўлмас аччиқ ҳақиқатларидир.

Жумҳуриятимиз болалар ўлими бўйича Иттифоқда юқори ўринда туради. Ўзбекистонда болаларнинг боғчалар билан таъминланиши 34,5 фоизни, айрим вилоятларда бу кўрсаткич 20 фоизни ташкил қилади. Шумавжуд боғчаларнинг ҳам қарийб ярми гигиена талаб-



ларига жавоб бермайди. Уларда канализация тармоги, иссиқ сувлар, иситиш системалари йўқ... Бу мушкулотлар юки ҳам аввало бечора аёллар елкасига тушади. Яшаш учун оддий имкониятларнинг йўқлиги, кўрпасини бошга тортса, оёғи очилиб қолаётган бу ночор ҳаёт, дардлар йиғила бориб гоҳо фожиаларни келтириб чиқараяпти. Аёллар ўлимнинг содир бўлиб турганлиги, уларнинг ўзларини ёқиш фактлари камаймаётганлиги ҳам бугун ҳаётимизда бундай фожиали оқибатларни келтириб чиқараётган сабабларнинг илдизлари жуда чуқур эканлигини кўрсатмайдими? Жамиятдаги моддий ночорлик аёлни аста-секин маънавий қашшоқлик занжирлари билан ҳам чирмаб олди. Улар, айниқса қишлоқ аёлларининг кўпчилиги ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмайдилар. Мутасадди маҳкамалардан ўз ҳақларини ундириб ололмайдилар. Бугуни, келажакларига бефарқ яшайдилар. Ишга кириш зарурати бўлган тақдирда ҳам раҳбарларимиз болали, ҳомиладор аёлларга рўйхушлик бермай, тўраларча муносабатда бўладилар.

Жамият мана шундай, дейиш мумкин-ки, инқироз ҳолатда турганида ҳукуматимизнинг ёш болали ҳамда серфарзанд оилаларга янги имтиёзлар бериш борасидаги бу уринишлари, қарорлари, шубҳасиз катта гап. Аёлларимиз бола туғиб, тарбиялаганлари учун ҳам маош олиб яшашлари, қадрланишлари мумкин бўлган эзгулик даврига қадам қўяяпмиз.

Мен аёлларнинг яшаш, ишлаш шароитларини яхшилаш хусусидаги СССР Олий Совети қарори билан синчиклаб танишиб чиқдим.

Улардан "ишламайдиган аёлларга ҳам ойликни энг кам миқдорининг 50 фоизи тўланиши" ҳақидаги бандига қўшимча менинг шахсий фикрим шундан иборатки, бизда аксарият оилаларда 5—6 тадан фарзанд борлиги

сабабли аёлларимиз ишламаслиги табиий. Шунинг учун ҳам уларга иш ҳақининг 50 фоизини тўлаш — денгиздан томчи деган гап. Менимча, уларга кам иш ҳақи 100 фоиз тўланса, эҳтимол, уларнинг амал-тақал тирикчилик ўтказишларига имкон яратилар.

Қарорнинг қуйидаги, яъни:

8-бандда: Давлат болалар уйларида тарбияланувчиларнинг ота-оналаридан ундирилган пулни вояга етгунча банкда, шу боланинг счётида сақланиши;

6-бандда: Ҳомиладор аёлларнинг туғуруқ отпускарининг узайтирилиши;

9-бандда: Аёлларнинг ва болаларнинг юк кўтариш нормаларини, оғир ва зарарли корхоналарни, мутахассисликларни қайта кўриб чиқиш;

Аёлларни тунги сменалардан озод қилиш, биринчи навбатда болалари 14 ёшга тўлмаган, ёки 16 ёшга етмаган инвалид болалари бор аёлларни озод қилишнинг аниқ муддати ва тартибини аниқлаш;

10-бандда: Аёллар ва болалар саломатлигига зарарли таъсирни олдини олиш мақсадида тамаки йиғиш ва уни қайта ишлашнинг зарарсиз технологияларини ва шунга мувофиқ бўлган меҳнатни ташкил қилишнинг формаларини ишлаб чиқишни ва қўллашни Иттифоқдош республика Министрлар Советига топшириш каби имтиёзлар ҳалқимиз ҳаётига бир қатим нурдай кириб келадиган, унинг соғлигини тиклаш, ҳаётини изга солиш мақсадида ўртага ташлашга асосли фикрлар борки, уларни миннатдорлик билан таъкидлашимиз ва ҳаётга тезроқ тадбиқ этишга киришишимиз керак бўлади.

Шу билан бирга, менинг фикримча, Иттифоқимизда аёллар, оналар аҳволини яхшилаш хусусидаги бу ҳужжатга Ўрта Осиё жумҳуриятлари, жумладан Ўзбекистондайд қийин шароитли, бирдан-бир ишонган уммони —

Ороли туз пуркаб турган, суви, нони, ҳавосигача таркиби бузилган ночор аҳволдаги жумҳурият аёллари турмушини яхшилаш масаласи алоҳида бўлим бўлиб кириши керак эди.

Модомики Ўзбекистон пахта базаси бўлиб қолаверар экан, пахтакор аёллар (пахтада ишлайдиганларнинг 90 фоизи аёллар) ҳаётини чуқурроқ ўрганиш ва шу асосда уларга ёрдам беришнинг аниқ, асосли йўллари кўрсатилиши керак эди.

"Советская женщина" журналидаги бир далилга диққат қилдим:

"Мамлакатимизда ўртача олганда янги туғилган минг чақалоқнинг 25 таси нобуд бўлади. Ўзбекистоннинг Фарғона вилоятида бу рақам 45 тага тенг. Бу ерда ҳар йили тўрт минг гўдак нобуд бўлади..." Бу фикрлар Фарғона вилоятигагина хос эмас.

Касалхоналардаги шарт-шароитларнинг ниҳоятда ночорлиги, 2—3 ўринга 6—8 тагача бемор болалар жойлаштирилган, димиққан палаталар, оддий доридармонларнинг муттасил етишмаслиги ва ниҳоят болаларни ҳам, катталарни ҳам бирдай ҳолдан тойдираётган моддий етишмовчиликлар... Буларга қўшимча бизнинг моддий аҳволимизни ўнглаб ололмаётганлигимизнинг яна бир жиддий сабаби маънавиятимизнинг у қадар бутун эмаслигида деб ўйлайман. Жойларда, вилоятларда одамлар саломатлиги, болалар, аёллар соғлигини ўйлаб, аниқ ҳисоб-китоблар асосида планлаштирилиб, етарли маблағ ажратилиб болалар касалхоналари, поликлиникалари қуриш ўрнига уларга алмисоқдан қолган, маҳқамавий эски идоралар мослаштириб берилмоқда. Бу путурдан кетган биноларни ҳар йили, гоҳо икки мартадан ремонт қилишга тўғри келаётганини ҳисобга

олсак, биринчидан, бу бинолар ўша биз харажатидан қочган янги биноларга кетадиган маблагдан кўпроғини аллақачон ўмариб кетаяпти. Иккинчидан, бу зах, тўкилиш арафасида турган биноларнинг бемор болалар соғлиғига таъсири... Биз чуқур мулоҳаза қилмай иш юритиш, хўжалик юритиш жафоларини кўп тортдик. Эндиги хатоларимиз, айтиш керак-ки, бизни янада қашшоқлаштиради.

Биз жумҳуриятимизнинг суви, гили пахта якказироатчилиги боис заҳарланди, дедик. Пахта даласида ишловчиларнинг 90 фоизи аёллар, дедик. Демак, ўша аёлларнинг ҳар бирининг соғлиғида бу оғулар ўз таъсирини бугун кўрсатаяпти ёки эртага кўрсатади. Ноҳиялар, вилоятларимизда биз журналимизда эълон қилган сирдарёлик механизатор Ҳабиба Мирзаевадек 40—45 га кирмай ранглари сомондай сарғайиб 7—8 хил касб касалликларини орттириб, қўлларида яримжон, инвалидлик қоғозчасини олган ва ололмай юрган пахтакор механизатор аёлларимиз озми? Пойтахтимиз Тошкентда шундай беморларни даволайдиган "касб касалликлари касалхонаси" борлигинию, бу дунёга келиб кўрганию билгани шу пахта орқасидан неча хил касал орттирганини ўзи ҳам билмай дунёдан ўтаётганлар йўқми орамизда?

Телевидениенинг Орол ҳақидаги кўрсатган фильмларидан бирида Қора ўзакда туғилган ҳар 10 боланинг 6—7 таси оламдан ўтаётгани ҳақида эшитганимда, юрагим орқамга тортиб кетди.

Муолижа столида ётган, икки кўзигина йилтираб тириклигидан белги бериб турган, эти бориб суягига ёпишган... бу ҳолдаги ногирон, мажруҳ болаларни уруш кинолари, концлагерлардагина кўрардик. Ўйламай иш юритиш оқибатида бошимизга тушган аччиқ кўргулик бу!

Ўлаётган сенмисан, ё мен фарқ қилолмайман,  
Кўз ёшим денгиз, аммо ўзни гарқ қилолмайман,  
Орта жарлик, олдга ҳам бир қадам жилолмайман,  
Аросат, оралиқда ўлмасайдик, Оролим!

Бугун ҳолдан тойган Оролни ҳам, аёлни ҳам қутқариш, дардига малҳам бўлиш учун "Аросат оралиқ"дан чиқиш, депсиниб туравермай йўл топиб, имкон топиб халқнинг косасини оқартириш, тараққиёт машиналарини олдинга жилдириш керак бўлади. Турмуш, тирикчилик юклари остида эзилган аёлнинг нафас олиши енгиллашадиган, болаларининг юзларига қон югурадиган, ранг кирадиган кунларга бир кун бўлса-да тезроқ етиш учун ҳаракат, халқнинг ўзини тушунган ҳолдаги оммавий ҳаракати бошланмас экан, бизнинг узук-юлуқ, яккам-дуккам ҳаракатларимиз натижа бермайди.

Шундай ривоят бор: эмишки, бир табиб зоғни ёриб кўрса, қуш юрагининг бир жойида каттагина доғи, яраси бор экан. Қушнинг юрагидаям доғ бўлар экан-да, деб ҳайратланган табиб бошқа бир қушнинг ҳам кўксини ёрибди, кўрса-ки, унинг ҳам юрагининг икки-уч жойида доғ. Бу — энди ривоят-да. Жумбушга келган табиб мингта зоғнинг кўксини ёриб кўрган эмиш. Бирор-тасининг кўксини доғдан холи кўрмаган табиб шундай хулоса қилган экан:

*"Ки бу дунёда бир зоғи-бедоғ йўқ".*

Орамизда бугунги аҳволимизнинг ғоят мушкуллигини тушунмаган, бугунги муаммолар таъсиридан юрагига ларза, доғ тушмаган одамнинг ўзи йўқдир балки. Иттифоқдан ташқари, жумҳуриятимиз раҳбарияти ҳам бугун халқнинг аҳволини чуқур ҳис этиб, ўз

имкониётларидан келиб чиқиб, унга ёрдам бериш йўлларини қидирмоқда, топмоқда.

Етмиш йил давомида ишлаб, слкаси яғир бўлган деҳқоннинг бугунга келиб ерга эга бўлиши кичкина гап эмас. Касалванд, ҳомиладор аёлларга давлат ҳисобидан маблағ ажратилиши, болаларнинг бепул овқатлантирилиши, Президентимизнинг дастлабки эзгу ишларидан бўлган оналарга тўланадиган нафақаларнинг икки ҳисса оширилиши каби кўпгина халқ тақдирини ўйлаб қилинаётган улуғ ишлар бор-ки, бу бизни яхши кунлар келаётгани, аҳволимизнинг ўнгланажигидан умидвор қилади.

Шу билан бирга, яна ўша ота-боболаримизнинг "етти ўлчаб, бир кес" мақоли жуда теранлиги, кун тартиби, яшаш тарзидан ҳеч қачон тушиб қолмаслиги ҳақида ўйлайман. Ўнгламоқ учун ҳамма нуқтада, ҳамма соҳада комплекс тарзда етти ўлчаб тадбирлар белгиланмас экан, ишда силжиш бўлиши қийин. Болаларни баҳорги армияга жўнатиш кунларида кўпгина баҳслар, тортишувлар бўлди. Шундай суҳбатларнинг бирида ўртага тушган "Бутунлай соғлом бўлмаган болаларни армияга бермасак-чи"— деган фикр врачларни ҳам ўйга толдирди. Шундай, бутунлай ҳамма аъзолари соппа-соғ болаларимиз борми ўзи, бўлса улар болалар орасида неча фонизни ташкил қилади?

Биз бугун кўпгина кўнгилсизликларимизнинг боши, еримиз, сувимиз, тупроғимиз, ҳавомиз таркибининг бузилиши, аҳоли орасида турли хил юқумли касалликларнинг кўпайиши кабилар пахта якказироатчилиги, еримизга ташланган кимёвий дорилардан келиб чиқаётганлигини тушуниб турибмиз. Ахир ҳар гектар ҳайдаладиган ерга солинадиган заҳарли кимёвий дорилар АҚШда 2 килограмм, Иттифоқимизда 3, Ўзбекистонда

54,4 килограммга тўғри келса, Ўзбекистонда касаллик кўплиги, ўлим кўплигидан ажабланишнинг ўзи кулгили эмасми?! Бизнинг бу ҳолатимиз илдизи қирқилган дарaxтни, илдизи қирқилганини эсдан чиқариб, унинг сўлиб бораётганига ҳайрон бўлиб қараш, ачиниб қарашга ўхшаб кетмайдими?

Қирқилиш, ўлиш олдида турган илдизни асраш учун аввало тупроқ, сув, ҳавони тозалаш керак, бизда эса Аркадий Марнинг ёзишича, ("Шарқ юлдузи", 3-сон) "Кейинги саккиз йил мобайнида Ўзбекистонда раk билан оғриш 16,5 фоизга ортди. Ҳар йили жумҳуриятимизда 13.800 киши раk билан оғриб нобуд бўлмоқда. Заҳарли кимёвий моддаларни ишлатиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. 1987 йилда СССР чет элдан 500 миллион сўмга ёки икки йил аввалгидан уч баробар кўп пестицид сотиб олди. Бу заҳарнинг асосий қисми Ўрта Осиё ўлкалари ерларига сепилади. Масалан, Ўзбекистонда 1989 йилда аввалги йилдагидан 15 минг тонна кўп пестицид сарфланди. Бу заҳарли моддалар пахта навини, унинг фойдали хусусиятларини ишдан чиқараяпти, тупроқ таркибини бузаяпти, ундаги фойдали таркибий қисмларни қираяпти. Қолаверса, ўзимиз ҳам "заҳар ютишга мажбур бўлаяпмиз".

Шундай. "Етти ўлчаб, бир кесиш" ҳамма нуқталарда қатъий қоида бўлмас экан, биз минг азобда бир нуқтадан топган имкон, шифо, малҳамларимиз билан бошқа нуқтадаги йўл қўйган хатоларимизни ювиш, дардларимизни даволашга мажбур бўлаверамиз.

Ўзимизни ўз илдизимизга болта уришдан тийиб фаросат билан иш юритишимизга тўғри келади. Ишлаб чиқаришни тўғри режалаштирмас, кескин чоралар кўриб касаллик тарқатувчи манбалардан зудлик билан воз кечмас эканмиз, халқ тили билан айтганда, кўп ейман

деб уринган билан боридан ҳам ажраб қолаверамиз. Касаллик тарқатувчи манбадан қутулмас эканмиз, бизнинг камқон, бемор аёлларга ёрдам тариқасида ажратаётган маблағларимизга ўхшаш жуда кўп хайрли тадбирларимиз сувга оқизилгандай изсиз кетавериши табиий. Биз йўл топиб, имкон топиб элга касаллик пурковчи мана шу кимёвий заҳар номли юҳоми бартараф қилмасак, элимизга узатилган икки қўлимизнинг бирида шифо, малҳам, бирида заҳар тураверади, деган гап бўлади. Ваҳоланки, ери, суви, ҳавоси заҳарланган, гўдаклари нимжон, аёллари касалванд элни икки қўлда ҳам шифо, малҳам тутмай даволаб бўлмайди. Даволаб олмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Чунки аёллар шу бугун, шу бемадор ҳолда ҳам қўлларида, юракларининг остида авайлаб келажакни, шу юрт келажagini кўтариб юрибдилар.

Биз ўтамиз. Бу Ўзбекистон деган экологик шароити увада, кўкси минг жойидан ярадор, тўкилай-тўкилай деб турган қалъа қолади. Ватан қолади. Биз улгурмаган ишларни амалга ошириш, бу ҳар бир тоши табаррук Ватанни тиклаш, бутлаш ишлари яна шу, бугунги жабрдийда аёлнинг қўлларида, юрагининг тагида улғаяётган нимжонгина болалар зиммасига тушади. Уларни турли касаллик, бало-қазолардан асрашимиз, топилмас жавҳардай жону имонимиз кафтида асрашимиз ўзимизнинг халқ сифатидаги давомимизни асрашимиз эмасми?





## Оқибат деворлари

*(“Шарқ юлдузи” саҳифасида журналист  
Набижон Боқиев билан суҳбат)*

— Эшитяпсизми, Ҳалима опа, хонанда куйлаяпти.  
Шоир қалби нидо қиляпти:

*...Оқибатни ё-ёд этиб, ҳайро-он ўзинг,  
Ҳайро-о-он ўзинг!*

Мен ҳам ҳайронман. Қўшиқ кишининг ҳаёлот қамровини кенгайтиради. Фикрлар жilовини эркин қўясиз. Айни туйғулар камондек таранг тортилган лаҳзаларда шеър яратилса не ажаб! Ҳар ҳолда камина бирорта шеърга “доялик” қилмаганини олдиндан айтиб қўйишим лозим. Аммо суҳбатимиз мавзуи катта: диалектика, тарих, фалсафа, Ўрхун-Энасой битиклари... Хуллас, шеърят ҳақида...

— Ўзингизга маълум, мен анчадан буён “ижодий” отпускадаман — фарзанд кўрдик.

— Муборак бўлсин! Қизми, ўғилми?

— Ўғил. Исми Мирзо Ғолиб. Мен кейинги пайтларда адабиётимиздаги янгиликларни синчиклаб кузатиб бо-ролмадим. Айтинг-чи, кимлар жиддий воқеа бўладиган асарлар яратишди?

— Абдулла Орипов билан Гулчеҳра Нуриллаева-ларнинг туркумларини ўқигандирсиз... Кечирасиз, Ҳалима опа, ўзингиз янги шеърлар ёзаяпсизми?

— Ёзаяпман. Янги шеърлар китобимни нашрга тайёрладим. Кечагина корректураси келди.

— Кўрайлик-чи! Очигини айтсам, мен Сизнинг 1983 йилдан кейин чоп этилган китобларингизни Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасидан ҳам тополмадим. Каталогда йўқ эмиш. Шу ҳам баҳона бўлди-ю!

— Бекорга овора бўлибсиз-да, ўзи аслида йўқ нар-сани барибир топиб бўлмайди-ку! Мен "Садоқат"дан кейин ўзбекча китоб чиқармаганман.

— Ие, шунча йил китоб чиқармай юриш мумкинми? Балли-е! Узр, Ҳалима опа, янги китобингиздаги даст-лабки шеърингиз яхши экан. Мана бир банди:

— Шу. келинчак, шу аёл Сенмасмидинг, дилбандим,

Етмиш икки томирим, жигарим банди-бандим.

Сен отамми, боламми, билолмайман, асли ким,

Бир четида қуёшдай онам ботган Ватаним,

Бир четини қўриқлаб отам ётган Ватаним.

— Истеъдодли Усмон Азимовнинг Ўзбекистон Ком-партияси Марказий Комитетининг тарихий XVI пле-нумига бағишлаб ёзган шеъри "Тазарру" деб аталган эди. Гуржи режиссёри Абуладзенинг яшин тезлигида тилларда дoston бўлиб кетган асари — Ватанимизнинг энг қаро кунларидан ҳикоя қилувчи бадиий фильми ҳам

"Тазарру" деб аталади... Қолаверса, XVI пленум ҳам маълум маънода "тазарру" эмасми? Жилла қурса, "Биз Рашидовнинг гипнози остида эдик", деган сўзларни бир эсланг. Ошириб ёзишларга ўша даврлардаги пахта сиёсати сабаб эмасми? Ўша паллада республикамиздаги деярли барча соҳада ҳаёт издан чиқиб кетди — "Ҳамма нарса пахта учун!" Ахир бизнинг социалистик жамиятимизда ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун хизмат қилиши керак-ку?! Ҳозир ҳам аҳвол тубдан ўзгарганича йўқ.

Октябрь ойининг охирларида Фарғонада тизза бўйи қор ёғди. Табиий офатми? Табиий офат, албатта. Далалар ғилч-ғилч лой бўлиб кетди. Опам эса уч яшар қизчасини опичлаб ҳар кунни ўша далага йўл олади. Мактаб ёшига етиб-етмаган жиянларим бўлса, оналари даладан қайтгунча кўча-кўйда изиллаб юришади. Чунки опам пахта тергани чиқмаса бўлмайди: дам райондан, дам областдан келган вакиллар дарвозани тақиллата-вериб безор қилишади: "Табиий офат!— дейишади.— Ҳосилни қутқариш керак!" Пахта пунктларида ўша "қутқарилган" пахталарни тўртинчи сортга қабул қилишади, холос. Ундан сифатли тола чиқиши ҳам даргумон. Ваҳоланки, кейинги йилларда республикамизда "тола учун кураш" бошланди. Тўртинчи сортга топширилган пахта эса, ҳатто таннархни ҳам қопламайди. Уч-тўрт кундан кейин совуқ таъсирида опамнинг қўллари торс-торс ёрилиб кетди. Опам "юқоридан келган вакилларга бармоқларини кўрсатиб, худонинг зорини қилади: "Муолажа қор қилмаяпти", дейди. Қандай муолажа денг-а? Ҳар оқшом у бармоқларининг ёриқларига шамни эритиб томизадию тун бўйи сирқ-сирқ оғриққа аранг чидаб ётади. Қишлоқларда касалхона йўқми? Бор, албатта. Лескин у ер

шундоқ ҳам беморлар билан, хусусан, сариқ касалга чалинган кишилар билан лиммо-лим. Қолаверса, ҳамшираю, врачлар ҳам пахта теришлари, нормани бажаришлари керак — бармоқ ёриқларини даволаб ўтиргани ҳеч кимнинг вақти йўқ.

Менинг опам чамамда Сизга тенгқур, бироқ бод касалига мубтало бўлган — оёғи огрийди. Ёмғир демай далага чиқса, қор демай далага чиқса — фил ҳам йиқилиб қолар?! Тагин ҳам одамзоднинг жони сабил экан-да!

Қишлоқларда медицина хизматининг сифати аянчли. Шунинг учун ҳозир республикамиз болаларининг ўлими ва бошқа "кўрсаткичлар" бўйича СССРда юқори ўринда эканидан ажабланмаслик лозим. Кейинги пайтларда республикамизда болаларнинг ўлими юқори даражада эканини "аёлларнинг камқонлигига" йўйиш тенденцияси бошланди. Аслида, қишлоқ аёлларининг аҳволи огир. Хўш, қишлоқ аёллари қачон ҳақиқий оналардек бола тарбияси билан шуғулланадилар? Бундай масалаларга қайта қуриш даврида жавоб топилмаса, қачон жавоб топилади?.. Ҳалима опа, Сиз бир миллион нусхадан ортиқ нусхада чоп этиладиган "Саодат" журналининг Бош редактори сифатида қишлоқ аёлларининг фожиасини биласизми? Билсангиз, нега бу ҳақда бонг урмаяпсиз?

— Набижон, таънангиз ўринли. Сиз менинг эски яраларимни тирнадингиз. Тўғри, пахта бизнинг миллий ифтихоримиз. Украина ғалласи, Қирғизистон чорваси билан бизнинг умум дастурхонимизга ўлуш қўшгани сингари, бизнинг умум дастурхонга қўядиган улушимиз— юзимизнинг ёруғлиги шу пахта. Шунинг учун ҳам уни қатор ўн йиллар давомида бисотимиздаги энг улуғ сўзлар билан таърифладик. Ўтган йили ҳам

бутун халқ бирдай оёққа туриб, йўқни йўндириб, энг сўнгги имконларигача сарфлаб, қорли пайкалларни оралаб пахта термадими? Пахта уволини нон уволидан кам кўрмаслик — халқимизнинг қон-қонига сингиб кетганлиги ҳеч кимга сир эмас. Халқимиз мана шундай ўн йиллар давомида (айниқса, турғунлик даври деб юригилаётган кейинги ўн йилликларда) жонини жабборга бериб ишлаб ўзига нима орттирди? (Тийинни қаердан ўмаришни билган уддабурон одамларнинг ғайриқонуний бойиб кетишлари ва кўп ўтмай қонуний аслига қайтишларинию баъзан қайтолмай ҳам шармандаи шармисор кетганларини ҳисобга олмаганда албатта). Деярли ҳеч нарса орттиргани йўқ. Республикада болалар ўлимининг юқорилигига сабаб фақатгина аёлларнинг камқонлигимиз, дейсиз, хўш, аёллардаги, оналардаги камқонликнинг ўзи қаердан пайдо бўлган? Қишлоқ аёллари орасида бепарзанд хотинларнинг нисбатан кўпроқ учрашининг асл сабаби қаерда деб ўйлайсиз?? Сўнгги йилларда сариқ касаллигининг авж олишига сабаб нима?

Мен қишлоқда ўсганман. Тўртинчи, бешинчи синфдан бошлаб, ҳали яхши очилмаган зах пахтазорга одам оралатиш пайтидан эътиборан (кўсакларга ҳаво тегсин, тезроқ очилсин деган мақсадда пахта нишона берган кезларда далаларга одам оралатишарди) то декабрь ойининг қорли-қировли кунларигача далада бўлардик.

Эсимда, Буврайҳон исмли синфдошимиз бор эди. У қаттиқ грипп бўлган кезлар ҳамон кўз ўнгимда. Лекин ётмади. Қув-қув йўталиб, юзлари иситмадан қизариб, изғирин, ёмғирли кунларда ҳам биз билан юраверди... Энди ўйлайман: ўшанда бола эканмиз-да, ўзимиз ёки ўқитувчиларимиздан бирортаси (унинг ўзини ҳеч ётгиси йўқ эди) зўрлик билан бўлса ҳам уни уйига жўнатиб

юборсак бўларди-ку. Орадан анча кунлар ўтгач, далада юрган Буврайхон бирдан қон тупура бошлади... Шундагина шоша-пиша уни уйига жўнатдик. Кейин уни рентгендан ўтказишибди ва зудлик билан ўпка касалликлари шифохонасига жойлаштиришибди. Еттинчи синфда ўша ўртоғимиздан ажралиб қолдик...

Бугун-чи, мактабни битирган ёшлар йўлини топиб шаҳарга жуфтакни ростлаб қолишларини, эркакларнинг аксарияти эса районга қатнаб, турли ташкилотларда ишлаётганликларини, дала ишлари бўлса аёллару мактаб ўқувчиларига "муҳрлаб" берилганини қандоқ тушунмоқ керак?

... "Аъзоларингиз жудаям ёш-ку", дедим бултур Сирдарё область Сирдарё районидаги Ленин номли колхоз раиси, бутун республикага донғи кетган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назира опа Йўлдошевага, қушчалардай тизилишиб ўтиришган болакайларга ишора қилиб, Назира опа қизаринқиради, кейин сиполик билан оқарган сочларини тузатган бўлиб хиёл жилмайди. Ниҳоят: "Кичкина деманг, опаси, уларнинг ҳар бири суянган тоғларим-а!" дедилар.

Умри ғўза орасида ўтган, йил бўйи оёғидан кирза этик тушмайдиган, нолиш нима билмайдиган бу заҳматкаш опанинг ҳолатини тушуниш мумкин. Аммо пахтачиликнинг ҳамма мушкулотларига сабр дарахтидай муқим туриб бераётган бу аёлнинг ёнида нисбатан каттароқ "суянч тоғлари" туриши керак эмасми? Ҳазилакам юкми — бу пахта дегани!

Буларнинг ҳаммасининг Бош сабабини мен ўша ҳисоб-китоби тўғри йўлга қўйилмаган "пахта сиёсати"да, колхозчига тўланадиган ҳақнинг камлиги, пахтакорларнинг иш кунининг чегараланмаганлигида, медицина хизматининг абгорлигида, маданий-маърифий шароитларнинг йўқлигида кўраман.

Мисол тариқасида, бир килограмм пахта билан бир килограмм лимон териб олиш учун сарфланадиган меҳнатни ўзаро солиштириб кўринг: хўш, бир килограмм пахта териш учун ерга неча марта энгашиб туриш лозим?...

"Бизга қанақа мутахассисларни юборишяпти ўзи?!— дейди кўз оғриғи билан касалхонада ётиб чиққан бир танишим хуноби ошиб.— Кунларнинг бирида навбатдаги муолажани олиш учун ҳамширанинг ҳузурига кирсам, у битта дугонаси билан чақчақлашиб ўтирган экан. Ҳамшира апил-тапил кўзимга дори қуйди: негадир унинг таъсири ҳар галгидан сал бошқачароқдай туюлди, кўлимдаги дока билан кўзимни артсам, оппоқ мато бир оз қорайиб қолди. Хонадан кўнглим хижил бўлиб чиқдим. Йўлак бўйлаб кетяпман-у, борган сари кўзларим хиралашяпти: ана-мана деб палатага етиб боргунимча ҳеч нарсани кўрмай қолдим. Ҳеч нарсани! Ҳамма томон оппоқ. Ҳамхоналарим югуриб-елишиб бирпасда даволовчи врачни — профессорни бошлаб келишди. Профессор текшириб кўргач, кўзимга... бошқа беморга мўлжалланган дори қуйиб юборилганини аниқлади ва мени тўхтовсиз равишда операция столига ётқи-зишларини буюрди... Яхшиямки, бахтимга профессор ҳали уйига кетмаган экан, йўқса эрталабгача бутунлай кўр бўлиб қолармидим, худо биледи!"

Саҳардан қора ҳуфтонгача, вақти-соати белгиланмаган иш — пахтакорлик касби билан машғул халқимизга кўпинча билими саёз, Гиппократ қасамига эътиқоди суст кадрларни етказиб бермоқдамиз. Мана шу нуқталарнинг ҳаммаси қайта қуришга муҳтож — қайта ўйлаш, чуқур ўйлаб кўриш, ўзгартиришлар киритиш лозим бу нуқталарга. Бунини энди ҳақиқий кураш — узоқ йиллар давомида йиғилиб, етилиб келган муаммоларни ҳал қилиш

учун эндигина бошланган, ҳали давом этажак оғир кураш дейиш мумкин. Агар бу курашдан қандайдир манфаат келадиган бўлса, аввало, бир жонини мингга бўлиб яшаётган жабрдийда аёл баҳраманд бўлиши керак. Ахир унинг муқаддас юмуши азал-азалдан бола тарбияси бўлмаганми? Унинг ҳам инсон эканини, аёл эканини, ўзига қараши лозимлигини, район марказларида ишлайдиган ораста, пардоз-андози жойида аёллар каби ишлаб келадиган эрига ҳам ёқиши кераклигини таъкидлаб ўтмасак ҳам бўлади. Файласуфлардан бири: "Миллатнинг тозалиги, софлиги— оналарга боғлиқ", деган эди. Хўш, миллат тозалигининг бош манбаи Оналар соғлиғи-чи?..

"Аёлларнинг соғлиғи кўпдан-кўп омилларга боғлиқ,— дейди Сирдарё область, Янгиер шаҳар, Шанхай касалхонасининг бош врач ўринбосари, гинеколог Зайнаб Бобоевна Эшмуродова. — Баъзан ўйлаб қоламан, мана, ҳаммаси одамнинг қўлида эканку, бутифосни сепмасак ҳам кунимиз ўтар экан-ку, шу ишни нега олдинроқ бир ёқлик қилмадик? Дефолиация мавсумида қанчалик эҳтиёт чоралари кўрилмасин, бари бир оналару болалар касалликлари, ўлими кескин кўпайишини, бу заҳарнинг она қорнидаги ҳомилага қандай салбий таъсир ўтказётганини кўриб, тушуниб, аммо қўлингдан ҳеч иш келмай яшаш — биз врачлар учун ҳам осон эмас эди... Бир дугонам айнан шу долзарб масала устида илмий изланишлар олиб борди ва "ғўзанинг баргини тўкиш мавсуми"да ҳомиладор оналарда чала туғиш, бола тушиш ҳоллари 50—60 процент кўпайишини аниқлади. Кутилмаган натижалар қанчалик илмий ва амалий қимматга эга эканлиги кундай равшан бўлгани ҳолда тап-тайёр илмий ишни ҳеч ким тасдиқламади. "Бу гапларни ошкор айтиб бўлмайди ахир!— дейишди унга



мутасадди ўртоқлар эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда. — Агар процентларни сал-пал камайтириб кўрсатсангиз, биз қарши эмасмиз..." Лекин дугонам ёлғон гапириб, халқни алдаб олима бўлиш — медицина фанлари кандидати бўлишни ўзига эп кўрмади. Тайёр иш стол тортмасида қолди-кетди. Орадан анча йиллар ўтди, ўша йиллардаги иштиёқ қани энди. Шунга қарамай, мен дугонамни ўша ишни қайта бошлашга ташвиқ қиляпман. Зора, дарёдай тошиб келганингда тўсадиган тўғонлар олиб ташлангани рост бўлса... Болалар хасталигининг олдини олиш учун аввало, ҳеч бўлмаганда, алмисоқдан қолган туғруқхоналарни, болалар касалхоналарини янгитдан қуриш, кенгайтириш, ҳеч бўлмаганда тез-тез чиннидай ярқиратиб ремонтдан чиқариб туриш, ҳеч бўлмаганда болаларнинг озик-овқати ассортиментларини кўпайтириш, ҳеч бўлмаганда оналарнинг яшаши, турмуш тарзини яхшилаш лозим. Қишлоқ магазинларининг пештахталарида кўпинча чанг босган оққанд билан новвотдан бошқа нарсани кўрмайсан. Қолаверса, (биринчи навбатда) врачларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини, жавобгарлигини янада оширмоқ даркор... Булар жуда тезликда эришиб бўладиган ишлар эмаслиги маълум, лекин бундан бошқа йўлимиз ҳам йўқ".

Худди шундай — бундан бошқа йўлимиз йўқ. Зайнаб Бобоевна ҳақ гапни айтди. Биз бирорта йирик муаммони ҳал қилишимиз учун шу муаммога келиб тақаладиган барча халқаларни тобга келтиришимиз керак бўлади. Бунинг учун аниқ ҳисоб-китоб зарур. Энди чўтти олдимизга олиб, аниқ ҳисоб-китоблар асосида ишлашни ўрганмоғимиз даркор. Халқимиз "турғунлик йиллари"да ишламадимми?! Ишлаганда қандоқ, юқорида айтганимиздек, жонини жабборга бериб ишлади! Фақатгина

ўша йиллари ҳисоб-китоблар сустроқ олиб борилди. Ҳисоб-китобни ҳайбаракаллачиликнинг "ура-ура" садолари кўмиб кетди. Сергак тортиб қарасакки, асосий йўлдан анчагина четга чиқиб кетганмиз. Анчагина. Йўлнинг қайси қисмида, қандай сабабларга кўра четга чиқиб кетдик, қандай йўл тутсак, қандай тезликда юрсак Асосий Бош йўлга тушиб олишимиз ҳақида бош қотирыпмиз бугун.

— Ҳалима опа, рухсат берсангиз ҳозир Сизнинг битта шеърингизни ўқийман:

Бугун муаммодир кўлни асрамоқ,  
Муаммодир боғни, гулни асрамоқ.  
Бошқача қурсак деб таклифлар қатор,  
Қийин ҳатто тўғри йўлни асрамоқ.

Эсласанг... хотирга қуюнлар кетгай,  
Эсласанг қораяр кўзларинг олди.  
Қийос боғлар кетиб, шамолга беткай,  
Ўрнида яп-яйдоқ далалар қолди...

Ҳар бир сўзни маҳкам, дарахтдай ушлаб  
Силкитгин, ҳар бир сўз берсин садо, ун.  
Кўкартир, кўкартир тишингда тишлаб  
Тилни асрамоқ ҳам муаммо бугун!

Сўз ташиб, сўз ташиб худди болари  
Биз қайгача борсак, сўз-ла борамиз.  
Сийрак тортиб қолса сўз далалари  
Уни болаларга қандоқ берамиз?

Елкада она тил юклари турсин,  
Биз кетавермайлик ўзни кўтариб.  
Меҳнаткаш ўзбекнинг боласи юрсин  
Пахта билан қўшиб Сизни кўтариб.

Дарҳақиқат, "ҳатто тўғри йўлни асрамоқ" ҳам мушкул бўлиб қолди. Маълумки, геометрия фанида исботсиз қабул қилинадиган аксиомалар бўлади. Кейинги пайтларда ҳаётда ҳам геометрия фанига хос бўлган истисно ҳодисалар — "исботсиз қабул қилинадиган теоремалар" пайдо бўлаётир. Мен республикамиз мактабларида рус тилини ўрганишни яна кучайтириш борасидаги таклифларни назарда тутяпман. Баъзи ҳолларда: "Ўзбеклар ҳарбий хизматга боргач, рус тилини яхши билмагани учун қурилиш батальонларига тушиб қолмоқда" деган гаплар эшитилади. Бу — масаланинг бир томони холос. Муҳим жиҳати шуки, бугунги кунда рус тилини мукамал билмай туриб, жаҳон маданияти бойликларини эгаллаб бўлмайди. Чинакамига билимли, малакали инсон бўлиш учун болаларимиз рус тилини пишиқ-пухта билишлари керак. Шу ўринда ўз-ўзидан савол туғилади: нега энди рус тилини ўрганишга барча имкониятларимизни сафарбар этганимиз ҳолда, айти пайтда она тилимиз — ўзбек тилини ўрганиш борасидаги камчиликлар ҳақида миқ этмаслик лозим? Ўзбек тилини пухтароқ ўрганиш борасида ким жон куйдиради? Шубҳасиз, тил ўрганиш учун инсонда қобилият бўлиши керак. Чунки тил билишлик ҳам юксак маданият белгиси ҳисобланади. Демакки, тил ҳам илм. Илмлар эса бири иккинчисига ҳалал бермайди: биз нафақат тилмочликни, балки инсоният томонидан ўтмишда яратилган барча билимларни ҳам ўзлаштирмоғимиз даркор. Доҳиймиз В. И. Ленин бизга худди шундай таълим берган Ҳалима опа, биз ҳаммамиз идеология фронтининг ходимларимиз. Сир эмаски, бу соҳада ҳам чаласавод кимсалар ёки бирор мансабни узоқдан мўлжаллаб юрган, лекин ҳозирча "отини совутаётган чавандозлар" ҳар қадамда учраб туради. Улар улуг ғояларни чайқов қилишдан ҳам

тап тортмайдилар, баъзан эса куракда турмайдиган "ташаббус" билан ўзларини кўрсатмоқчи— кимнингдир назарига тушмоқчи бўладилар. Афсусланарли жойи шундаки, бундай "қалтис" дамларда "тушунган одамлар" сукут сақлаб туришади: устиларига мағзава ағдарилишидан қўрқадилар, "миллатчиликда" айбланиб қолишдан ҳадиксирайдилар. Нега бундай? Тўғри йўлни асрамоқ, рост гапни айтмоқ шунчалар қийинми?

— Ҳали бола эдим. Қишлоғимиздаги бир тўйда адабиёт ўқитувчимиз Акрам ака Каримназаров атоқли арман шоири Аветик Исаакяннинг "Она юраги" шеърини ўзбекчада, жуда таъсирли оҳангларда ўқиб берган эди: давра сув қуйгандек жимжит бўлиб қолганию кўпчилик кўзига ёш олганини ҳали-ҳали унутмайман. Асарнинг қисқача мазмуни шуки, бир санам ўзига ошиқу беқарор йигитга: "Агар муҳаббатинг чин бўлса, онангнинг юрагини суғуриб, менга олиб келасан. Ўшандан кейингина ишқингнинг ростлигига имон келтириб, сенга турмушга чиқаман", дейди. Севги шаробидан маст-аласт йигит уйига бориб онасини ўлдиради:

...суғурибди юрагин,  
Тўлдирибди қон билан  
Ўйнаб ўсган кулбасин.

Йигит уриб турган юракни ҳовучлаган куйи қизнинг ҳузурига югуради. Йиқилиб-суриниб, чопиб кетаётган пайтда ногаҳон қаттиқ қоқилиб юз тубан қулайди, юракни қўлидан тушириб юборади.

Ёмон йиқилди бир гал  
Қоқилиб дўнғалакка.  
Тил битибди шу маҳал  
Ерга тушган юракка...

Она юраги фарзандидан: "Жоним болам, қўзичоғим, ёмон йиқилмадингми, у ер-бу еринг лат емадими?" деб сўрайди.

Шу мўъжаз асар бошқа миллат вакилининг қаламига мансуб эканини, ўша шеър рус тили орқали ўзбекчага таржима қилинганини тўйда ўтирган бирон киши ўйлабди дейсизми? Асар жуда катта дард билан ёзилган эди, шу дард ҳамманинг дил торларини зирқиратиб юборди. Биз мана шундай "турткилар" таъсирида вояга етмадикми? Агар ўртамизда улугвор маънавий кўприк— рус тили бўлмаганда ўша соҳир асарни ўзбек тилига, ўзимизга қандай қилиб ўтказиб олардик? Арман тилида яратилган шу нодир асар кимгадир халақит берадими? Йўқ, албатта. Аммо унинг кўпчиликка маънавий озиқ бергани, тингловчиларни бир лаҳза бўлса-да бир қадар теранлаштиргани, бир қадар инсонийлаштиргани шубҳасиз. Шундай экан, ер юзидаги тилларнинг бир-бирига халақит бериши мумкинлиги ҳақида гап бўлиши жоизми? Асло. Дунёга ижодининг асоси "хор-зорларга ачинмоққа чақирдим"дан иборат, ғамхўр, шафқат тангриси бўлмиш биргина Пушкинни бергани учун ҳам улуг рус тилини бошимизга кўтарсак арзийди.

Гулрухсор дарёдай гулдурос солиб, "Садои ман муҳаббат, адои ман муҳаббат!" деб шеър ўқиётган лаҳзаларда юрагида тожик тилидан гўзалроқ тил ер юзида йўқлигига комил ишонч ҳукмрон бўлишига гумон қилмайман ва буни мен табиий ҳол деб биламан.

"Токи тил мавжуд экан — халқнинг умри боқийдир. Ҳар бир тил муайян халқ учун азиз ҳисобланади", деган эди атоқли ёзувчимиз Чингиз Айтматов "Литературная газета"да эълон қилинган суҳбатларининг бирида.

Бизнинг ўз тилимизга бўлган ниҳоясиз муҳаббатимиз ҳам бошқа тилларни севишимизга, чанқоқлик билан ўрганишимизга заррача-да халақит бермайди деб ўйлайман.

Чунки бу бебаҳо мерос — бу бойликни бизга улуғ онамиз берган. Тирикликнинг энг қувончли кунларида бизнинг давомимиз бўлиб ҳар бир фарзандимиз дунёга келар экан, бу хазинани биз уларга, ўз болаларимизга ўтказамиз. Йўқотмас, тўлдириб, кўпайтирса кўпайтирар-у, камайтирмас қилиб. Борди-ю бирорта фалокат рўй бериб бу хазинани фарзанд йўқотса, бу ҳол яхшиликдан дарак бермайди. Бу катта йўқотиш армони унинг тош қотган дийдасини тимдаламаса, энди уни қайтадан бешикка белаб алла айтишга тўғри келади. Чунки унинг сезгиси уйғониши, тили қайтадан чиқиши керак. Унга худди чақалоқ маҳалларидагидай эзилиб-эзилиб, узоқ-узоқ алла айтишимиз лозим. Агарда бу чорлов, бу фигон унга кор қилавермаса, биз ҳам Чингиз Айтматовнинг улуғ Найман онасидай белимизни сириб боғлаб манқуртга айланган бу гўдакнинг хотирасини уйғотишга киришмоғимиз керак бўлади:

"Сенинг отинг Жўломон! Эсла, эслаб кўр — сен Жўломонсан! Отангнинг оти Дўнанбой, эсла, отангнинг оти Дўнанбой!"

Биз мана шундай куйиб-куйиб нидо қилганимизда, ҳар хил иккинчи, учинчи даражали ишларга эмас, мана шу биздан қоладиган бирдан-бир ишга ўзимизни томчитомчимизгача сарфлаб адо қилганимизда бизнинг тил билмас гўдагимиз тилга киради. Тилга кирмай иложи йўқ. Ўзимиз ҳолдан тойиб, милтиллаб-милтиллаб сўнги лахча чўғимизгача ўчиб бўлсаям, улуғ Найман онадай "душман ўқига учиб бўлсаям", уни — гўдагимизни тилга киргизмоқ туғилишдай, ўлимдай ҳам қарз, ҳам фарз бўлмоғи лозим.

Академик Эркин Юсупов ўз мақолаларида шундай таъкидлайдилар:

"...республика Фанлар Академиясининг Тарих институтида 1981—1987 йиллар ичида тайёрланган илмий асарларнинг етмиш (70) фоизи рус тилида, йигирма (20) фоизи хорижий тилларда, фақат саккиз (8) фоизи ўзбек тилида нашр этилди. Табиатшунослик соҳасидаги илмий тадқиқот институтларида ўзбек тилида тайёрланган ишларнинг сони бундан ҳам камдир".

Саккиз фоиз... Тилни унутиш...

Биз чанқоқлик билан ичиб улғайган шъриятнинг биллур булоқларидан бири, эҳтиросли арман шоираси Сильва Капутикян "Правда" газетасида эълон қилган мақоласида (1987 йил 7 май): "Бошқа республикаларда қандайлигини билмайман-у, бизда — Арманистонда йилдан-йилга она тилимизнинг кўлами, доираси торайиб бормоқда", деб ёзган эди. Бундай гапларни бевосита бизнинг республикаимиз ҳақида ҳам айтиш мумкин. Тилга оқибатнинг сусайиши менга онага оқибатнинг сусайиши, отага оқибатнинг сусайиши, элга оқибатнинг сусайишидай кўнгилсиз туюлади.

Телевизорда бир савоб иш бошланди — "Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари" кўрсатуви бериб бориляпти. Бир оқшом ўша кўрсатувни томоша қилиб ўтириб даҳшатга тушиб кетдим: чаронали чақалоқлигидан бошлаб тишида тишлаб, еру-кўкка ишонмай катта қилган Отани унутиш, Онани унутиш...

Эътиқод, оқибат деворлари кўп жойидан дарз кетган экан, биз уни билинтирмай усталик билан суваб келатган эканмиз-у, мана бу қайта қуришнинг ларзали шамоллари, силкинишларида дарзлар кўзга ташланиб қолди. Энди зудлик билан, имкон қадар зудлик билан

ларзали шамоллари, силкинишларида дарзлар кўзга ташланиб қолди. Энди зудлик билан, имкон қадар зудлик билан бу деворларни қайта қуриш, тирикликнинг оғир юкларини кўтаришга тоб берадиган, мустақкам қилиб қайта қуришга киришмасак, кечикамиз шекилли.

Ҳаётда кўриб, баъзан аччиқ надоматлар чекиб кузатиб юрганларим, ўйлаб юрганларим — мана шу шеър ўша кечаси қоғозга бир нафас билан тўкилди:



## НИМА ДЕБ КУЙЛАШНИ МЕНГА ЎРГАТГИЛ...

Эҳтимол, буюмдан воз кечмоқ мумкин,  
Бебаҳо кийимдан воз кечмоқ мумкин,  
Нақшинкор уйингдан воз кечмоқ мумкин,  
Аммо кекса Онангдан эмас!

Чаманлар эҳтимол хотирдан кетар,  
Тотганинг оғу-бол хотирдан кетар,  
От кетар, суюкли бўрон ёл кетар,  
Кекса Отанг кетмас хотирдан аммо!

Балки хотин кетар сендан узилиб,  
Балки боланг, майли, кўнгли бузилиб,  
Буларга айбдордай синиқ, эзилиб...  
Шўрлик Онанг сендан қаёққа кетар!

Бездирсанг, ит кетар улоқиб, дайдиб,  
Дўст кетар, дўстликка лаънатлар айтиб,  
Руҳи ҳам чирқиллаб қоровуллайди,  
Отангни ўлгач ҳам кеткизолмайсан!

Шундай дердим, аммо бугун бу йўлда  
Нимадир ўзгарди, нимадир ўлди,  
Ҳайрон кўзларига қумлар тиқилди —  
Отанг уйдан кетди биринчи бўлиб.

Қадимда онани қақишатса хотин,  
От думига боғлаб, олинарди хун.  
Ўша арқон эркак тилида бугун —  
Онанг уйдан чиқди иккинчи бўлиб.

Хотиржамсан, майли, сиёҳ кеч кирар.  
"Кўчада эмас-ку" — юпанч, куч кирар,  
"Ў, болам-а", деган ёзув қичқирар,  
"Қариялар уйи" деворларида.

Унутдим: дийдаси қотганларни мен,  
Ортимдан кўп қиммат сотганларни мен,

Ортимдан отгани — отганларни мен —  
Булар нима, бундай Ғам келганда дуч!

Кўклан қормас, қарғиш ёққаними бу?  
Бола эмас, бало боққаними бу?  
Дарёнинг тескари оққаними бу?  
Тушун,— дейсан, ўргат, қандоқ тушунай?!

Қичқириқ тутади, дунёйи-дунни,  
Ўчиринг, ўчиринг бу фиғон, унни!  
Оёғи осмондан келган бу кунни  
Нима деб куйлашни менга ўргатдил...

— Ҳалима опа, Сиз бу йил дўстларингиз даврасида камтарона бир санани нишонлашингиз мумкин экан: яъни, биринчи шеърйй тўпламингиз бўлмиш "Илк муҳаббат" китобхонлар дунёсида танилганига роппа-роса йигирма йил тўлади. Сизнинг назарингизда, шу ўтган давр ичида шеър дунёсида, шоиранинг дунёқарашида нималар ўзгарди: нималар ўткинчи булут янглиғ ўтиб кетди-ю, нималар муқим ўрин олди? Дарвоқе, бундан йигирма йил муқаддам ҳам Сизни муқимлик ва "кўчманчилик" масаласи хийла ташвишлантирган экан...

— Ҳа, йигирма йил оз муддат эмас. Бу орада мен қўлимдан келганча, озми-кўпми шеърлар ёздим. Жондан азиз гўдақларимизни оёққа турғаздик. Мана энди, ёшим бир жойга бориб, қирқни қоралаб турганимда Сизга комил ишонч билан айтаманки, қарашларимда кескин ўзгариш юз бергани йўқ. Кўнглимда гуркираб турган ёшлик ҳою ҳаваслари пасайганини, одамларга бўлган ҳаддан зиёд меҳру муҳаббатларим, ишончларим баъзан заҳа еганини ҳисобга олмаганда ва нисбатан бошқа майда туйғуларни-да "ўчириб" ташлаганда ўзимда катта ўзгаришлар бўлганини сезганим йўқ.

— Сиз бу туйғуларни "майда" деб биласизми?

— Ҳа. Ҳамма гап воқеа-ҳодисаларни қандай қабул қилишингизга боғлиқ. Ўйлашим учун булардан кўра муҳимроқ, зарурроқ ишларим кўп. Албатта, булар ҳам инсон учун маълум даражада сабоқ бўлиши мумкин. Ҳаётда ўз олдимга қўйган мақсадим, қўлимдан келадиган иш, юрадиган йўлим аниқ бўлганидан кейин ҳар хил туйғуларга чалғимасликка ҳаракат қиламан.

— Мен эсам... э-э, жин урсин, айтишга ҳам арзимайди ҳатто! Ҳалима опа, агар янглишмасам, кўп йиллар олдин ёзилган битта шеърингизда "Менинг умрим мўлжал сари кетган ўқ" деган жумла бор эди. Ўйлайманки, Сиз умрингизда тўппончаданми, автоматданми ўқ отиб кўрмаган бўлсангиз керак, лекин мерган экансиз! Айтинг-чи, ўқ ҳақидаги шеърларингиз қандай сабаблар билан дунёга келган?

— Мен Москвада олий адабиёт курсларида таҳсил кўрганман. Талабчан семинар раҳбаримиз Александр Межиров бир куни: "Қани, яхшилаб ўйлаб кўринглар-чи, ўқ ҳақида нима дейиш мумкин? Хуллас, келгуси машғулотда шу ҳақда гаплашамиз", деб қолди. Сиз айтаётган шеърларим ўша баҳонада қоғозга тушган эди. Навбатдаги семинар чоғида айрим курсдошларим қатори менинг машқларим ҳам яхши баҳоланганини ҳали-ҳали эслаб юраман. (Мақтов кимларга ёқмайди дейсиз?) Дарвоқе, ўшанда сабоқдошларим Василий Марсюк билан Гамлет Карчикян ўқ ҳақидаги шеърларимни русча сўзма-сўз таржимасидан украин ва арман тилларига ўгиришган эди.

— Ўша шеърларингиздан саккиз қатори эсимга келди:

— Онам эгилиб нақ камон —  
Отди. Айланиб ўққа —

Учяпман. Билмам қай томон —  
Тунгами ё ёруққа.  
Билганим, тегади шу ўқ.  
Онам ичгандир қасам —  
Унда ортиқ бошқа ўқ йўқ,  
Мен мўлжалга тегмасам!

— Раҳмат.

— Столингиз устида турган анави хатнинг муаллифи— Анил Жанвижай ким бўлди? Ие, ҳиндча журналнинг варақлари ҳам келибдими? Сиз улуғ Тагорнинг тилига тушунасизми?

— Афсуски, лотин алифбосида ёзилган исм-фамилиямдан бошқа бирор сўзга тушунганим йўқ. Хатнинг муаллифи таниқли ҳинд шоири. У менга рус тилида хат ёзибди. Афтидан, Анил менинг шеърларимни рус тилидан бенгал тилига таржима қилган шекилли.

— Қани, хатни ўқиб кўрайлик-чи, хойнаҳой роса шеърларингизни мақтаган бўлса керак?

— Шеърларим ҳинд ўқувчиларига манзур бўлибди.

"Қадрли Ҳалима Умматқуловна!

Ассалому алайкум!

Мен Сизга Ҳиндистоннинг журналларидан бирида (ҳинд тилида) чоп этилган шеърларингизнинг ксероноус-хасини юборяпман. Бу шеърларни мен рус тилидан таржима қилдим. Бизда Сизнинг шеърларингиз хийла машҳур бўлиб кетди: Ҳиндистондаги кўплаб журналлар мендан яна-тагин Сизнинг шеърларингизни таржима қилиб беришни сўрашапти. Агар Сиз янги шеърый тўпламингизни жўнатсангиз камина бағоят хурсанд бўлардим.

Мен ёш ҳинд шоириман. Москва радиосида ишлайман ҳамда Адабиёт институтида таҳсил кўряпман. Шу пайт-

гача совет шоирларининг шеърий китобини таржима қилганман.

Сизга ҳиндистонлик ёш шоирларнинг шеърий тўп-ламини совға сифатида юборяпман.

Эҳтиром билан,

Анил Жанвижай, Москва.  
19. XII. 87".

— Ҳалима опа, Сиз умуман таржима масаласига қандай қарайсиз?

— Халқнинг тили, адабиётига жони ачийдиган ҳар бир ижодкор бу масалага бефарқ қарамаса керак. Мени ҳанузгача таржимага турли савиядаги асарларнинг чиқиби кетаётгани ташвишлантиради. Аксарият ҳолларда ўша "бозоргир" асарларнинг баҳоси бизнинг катта, теран адабиётимизга тамғадай босиладики, инсоф билан айтганда, бундай ҳолга чек қўйиш пайти аллақачон келган. Аксинча, бедодлик давом этаверса, биз Иттифоқ миқёсида ҳам, жаҳон миқёсида ҳам ўзбек адабиётининг рост бўйини ҳеч қачон тиклай олмаймиз.... Анилнинг илтимосига кўра, мен унга "Решимость" китобимни жўнатдим. Ўзига маъқул бўлган шеърларимни танлаб таржима қилар. Лекин барибир кўнглим хижил. Ўзга тилу ўзга халқ юрагини забт этиш, ҳарқалай, осон кечмаса керак.

— Адабиёт ҳаётдан бир қадам олдинда юриши керак, деган сийқа бир гап бор. Бу гап шу даражада кўп айтиладики, беихтиёр ўша гапни айтаётган кишини тутиб олиб дўппослагинг келади. Бундан ташқари, кўпчилик танқидчилар "янги ва янги хилма-хил" асарларни ана шу "тоғора"га солиб кўришни жуда қойиллатишди. Асар ўша "тоғора"га сигса-ку, хўп-хўп,

мабодо... Очиги, мен ўша "суюкли" иборани эшитсам, ансам қотади, нима бало, ёзувчилар ногорабоз бўлишлари керак экан-да, дегим келади. Одатда, азал-азалдан ногорабозлар олдинда юришарди. Ваҳоланки, "Пўк эрса ҳам гар ногора гулгуласи бош оғритар" (Алишер Навоий).

— Набижон, "Адабиёт ҳаётдан бир қадам олдинда юриши керак" деган гапни мен унинг йўналтирувчи, огоҳ этувчи кучлигига ишора маъносида тушунаман. Қайта қуриш жараёни энди бошланди ёки энди бошланмоқда дейиш ҳам мумкин. Турғунлик йилларида жамиятимизда порахўрлик, ёлғон, таъма, ифвогарлик, қариндошни берига буриш, бегонани нарига суриш каби иллатлар анчагина томир ёйди. Адабиёт эса бундай иллатларни шу бугун очаётгани йўқ. Жаннатмакон Нодар Думбадзенинг "Абадият қонуни"даги Сандро Маг-лаперидзе — ўмарувчи, типик ўмарувчи. Бироқ, ёзувчи ҳаётни бу "чирмовиқ"дан анча илгарироқ тозаламоқчи бўлмаганмиди? Чингиз Айтматов қачонлардир олий жазога ҳукм этган ("Оқ кема"даги) Ўрозқуллар бугун фош этиляптими? Фош этиляпти. Ёки қалами тигли Евгений Евтушенконинг "Юз киши ўртага олиб тепкилаётган бечорани ҳеч қачон юз биринчи бўлиб тепкиламаслик" ҳақидаги (Афсуски, бизда ҳозир бунинг акси бўляпти — бу ҳам аслида саводхонликка, эътиқодга бориб тақаладиган масаладир):

"Катта миқёсдаги ахлат босганда  
Лозим бўлар катта тозалаш",

каби ўлмас мисралари нечанчи йилларда ёзилганини эслайсизми?..

Ўзимиздан Одил Ёқубовнинг "Диёнат"ини, Пиримқул

Қодировнинг "Мерос"ини, Асқад Мухтор билан Эркин Воҳидовнинг қатор шеърий туркумларини, қайта қуриш байроғини шиддатли равишда олдинда кўтариб боришаётган бир тўп олов нафасли шоир дўстларимиз, укаларимиз бор-ки, мен уларнинг тиниб турган юракни бўрондай қўзғатиб юборадиган ҳар бир шеърини ўқиганимда халқимиз бахтига адабиётимизда мана шундай безовта қалб соҳиблари — "бўрон болалари" борлигига ич-ичимдан шукроналар айтаман. Ҳшалардан иккитасининг ўзим ёдлаб олган мисраларини айтайми:

Хуршид Даврон:

Тундан қўрқма, тунни ич  
Ва мағрур боқ саҳарга.  
Синган бўлса гар қилич,  
Айланур у ханжарга!

Муҳаммад Солиҳ:

Сен кетганда  
Бир аёлдай кетсанг эди,  
Нозу фиरोқ этсанг эди.  
Йўқ, бунақа кетмайдирсан сен.  
Нозу фироқ этмайдирсан сен,  
Сен кетсанг боғлардай кетасан.  
Вақт ўтган сари юк солиб,  
Сен худди тоғлардай кетасан.  
Узоқлашган сари юксалиб.  
Фигонсиз, фарёдсиз ва тилсиз  
Чексиз бир Ватандай кетасан.

Мен "Кетиш"нинг мана шундай — "вақт ўтган сари юк солиб, узоқлашган сари юксалиб" кетишини, улуғвор, бул қадар улуғвор, "чексиз бир Ватандай" кетишини

Солиҳдан бошқа ҳеч кимда учратмаган эдим. Шундай шеърларни мен "ҳаётдан бир қадам олдиндаги адабиёт" деб тушунаман.

— Биламан, шеърларингизнинг устивор фазилати — самимият. Айниқса, муҳаббат мавзусидаги шеърларингизда ана шу хусусият яққол сезилади. Агар Лев Толстойнинг "Анна Каренина — бу менинг ўзим!" ("Лекин Толстой бир минут ҳам хотин бўлиб кўрмаган", деган гапни янглишмасам Абдулла Қаҳҳор айтган эди) деган гапига ишонадиган бўлсак, услуб — ижодкорнинг асл нусхасидир. Демак, Сизнинг асл нусхангиз, услубингиз самимият. Лекин Сиз баъзан-баъзан ўзингизни "бўғиб-турасиз" бағишлов шеърларингизда (мен бирор долзарб мавзуга, ўткинчи саналарга бағишланган машқларингизни назарда тутяпман) нафасингиз, овозингиз, керак бўлса, созингиз "бўғилаётгани" зукко ўқувчига шундоққина билиниб туради...

— Ўша шеърларимга (бағишлов шеърларимга), энди ука, давр нуқтаи назаридан қараш керак бўлади десам, ўзимни оқлагандек бўламан. Лекин ижодкорни ҳам, унинг асарларини ҳам даврдан ажратиб олиб баҳолаш адолатдан эмас. Баъзан овозимнинг "бўғилаётганини" тўғри илғагансиз. Агар кейинги ўн йилликлар — "турғунлик йиллари" деб ҳисобланаётган бўлса, менинг адабиётдаги қисқа умрим, кам ҳосил ижодий йўлим айнан ўша йилларга тўғри келади. Бу йилларда эса мен ҳам, менинг тенгдошларим ҳам тилимиз чиққандан бошлаб: "Комсомол қиз Ойбўстон, номинг оламга достон"га жўр бўлдик. Радио, телевизорни бурасак: "Халқлар озод, Ватан обод, ҳамма бахтиёр!" деб қулоғимизга қуйишарди. Расул Ҳамзатов ўтган йили "Огонёк" журналида эълон қилинган суҳбатида бундай деган эди "Ҳатто 1937 йилда ҳам биз, "Биздагидай инсон эркин



нафас оладиган яна бирорта мамлакат бормикан? Билмайман", деб қўшиқ айтардик". Газета-журналларнинг редакцияларида шеърларимиздаги "ура-ура"лар салгина пасайган нуқталарни топиб олишардида: "Гумбурлатиб ёзмайсизми! Нимадан бу норозилик, зорланиш? Қора ранглар қуюқлашиб кетибди", деган гапларни, ҳукмдай жаранглайдиган эътирозларни эшитиб турардик. Аммо гап бунда эмас, энг ёмони — биз ўзимиз шунга кўникиб кетдик. Шундай кўникдикки, қора ранглар билан оқ ранглар қай даражада "човуштирилса" цензурадан ўтишини шу қадар усталик билан ўзлаштириб олдикки, оқибатда бу бизнинг одатий кўникмамизга, тўғриси айтганда, фожиамизга айланди. Биров эмас, ўзимиз-ўзимизни чеклаб, сизнинг иборангиз билан айтганда, ўзимизни "бўғиб" ёшишга одатландик.

— Агар адашмасам, бир вақтлар матбуотда Сизнинг "Мослашувчан одам" шеърингиз чиққан эди. Лекин уни китобларингиздан излаб тополмадим. Чамамда, ўша шеърингиз ушбу суҳбатимизга алоқадор шекилли. Ёдингизда бўлса, айтсангиз.

— Хўп эшлашга уриниб кўраман:

Бир вақтлари чарсу чалани  
Ўз сўзингдан қайтмас эдинг Сен.  
Капа дердинг, турган капани —  
Бошқачароқ айтмас эдинг Сен.

Қирраларинг ўткир туюлиб  
Ўргандилар, қотирдилар бош...  
Қирраларинг бир-бир ейилиб  
Бўлдинг силлиқ, юм-юмалоқ тош.

Энди уни айтмоқлик учун  
Ном қидириб гоҳ очасан фол —  
То ўзгариб кетмасин мазмун,

Капага ҳам келмасин малол.  
Энди йўлинг топиб олдинг чин,  
Қатнаб чўпу чўпчакларига.  
Энди яшайверишинг мумкин  
Кириб ҳатто чўнтакларига.

Мана шундай, одамлар орасида ҳар қандай ша-роитга мослашув (бундай ҳолатлар фақат бизнинг республикамиз миқёсидагина рўй бергани йўқ), ўз фойдаси йўлида ҳеч нарсадан қайтмаслик ҳоллари, имон, эътиқоднинг сусайиши авж олди. Яхшики, энди об-ҳаво ўзгарди: қайта қуриш эпкинлари мадад кучларидай бизга етиб келди. Бу кучлар пастга қараб эниб бораётган айрим имон, эътиқод устунларини қайта тикланиб олишига ёрдам бериши шубҳасиз.

— Ҳалима опа, биринчи китобчангизда танқидчига бағишланган шеърингиз бор экан. Ўша пайтдаёқ — адабиёт остонасидаёқ танқидчиларга ишингиз тушган-миди, дейман. Танқидчиликка муносабатингиз...

— Адабиётдан, айниқса танқиддан бирорта объектни ўққа тутувчи қурол сифатида фойдаланишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ҳаётда баъзан меъёр билан ёлган ёмғирдай далаларни яшнатиб юбориш мумкин бўлган танқидга, баъзан эса бу ёмғир бевақт ва бемеъёр ёғиб экин-тикинни ер билан битта қиладиган танқидга дуч келамиз. Пайҳон бўлган экин-тикин қаддини ердан кўтариб гуллагунча, ҳосилга киргунча қиличини қайраб қиш келади. Шунингдек, обдон олиб бориб-олиб келинган шўрлик ижодкор қайтиб оёққа тургунича ҳам умрининг гуллаш фасли ўтиб кетадики, натижада битта танқид туфайли ижодкор ҳам, адабиёт ҳам теппа-тенг зарар кўради. Бундан ташқари, гоҳо-гоҳо

айрим мақсадларни кўзлаб, шоир тили билан айтганда, "мақсадчалар" учун хизмат қиладиган танқидлар ҳам учраб турадики, бундай танқидлар нафратга ҳам арзитайди. Бевақт, асоссиз, ҳаддан зиёд мақтовнинг зарари ҳам бундан кам эмас, албатта. Холис танқидни қадрлайман.

— Ўзингизча ичингизда калима мисоли қайтариб юрадиган бирорта шиорингиз борми? Мен, масалан, фашистларнинг ўлим лагерида азоб чекиб ётган генерал Карбишевнинг дўстларига далда бериш мақсадида айтган сўзларини худди тасбеҳдай тез-тез ўгириб тураман: русчадан — ўзбекчага. ўзбекчадан — русчага. Мана, русчаси: "Думайте о своей Родине, тогда Вас не покинет мужество". Ўзбекчаси: "Ўз Ватанингизни ўйлангиз, ўшандагина Сиздан матонат юз ўгирмайди". Лекин ўзбекча таржимани муваффақиятли деб бўлмайди.

— Талабалик йилларимда столим устида ҳамиша Николай Островскийнинг қуйидаги сўзлари ёзиқли турарди: "Олға, фақат қийинчиликлар оша олға!" Ҳаётда машаққатлар орқалигина олға юриш мумкин эканига неча-неча бора иқроп бўлдим.

— Ҳалима опа, энди суҳбатимизга, жилла қурса рамзий маънода бўлсин, яқун топсак. Марҳамат сўз Сизга!

— Оқибатни асрайлик, дўстлар! Токи оқибат деворларига дарз тушмасин!

## ТАВБА-ТАЗАРРУ ВАҚТИ

Бузилган адирда лола бир ҳол-ей,  
Бузилган тақдирда бола бир ҳол-ей,  
Икковин боғлолмай тола бир ҳол-ей,  
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

Орол, тўлқинларинг қочдилар қайга?  
Оҳулар қочди қай ёнган тўқайга?  
Одам, болаларинг учди мўмайга!  
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

Икковмиз, дейсан — у ягона чиқар.  
Дўст деб эгиласан, бегона чиқар.  
Маъно деб ушлайсан, бемаъно чиқар,  
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

Ўз уйида зардоб ичгувчи қушлар —  
"Болалар уйи"га учгувчи қушлар  
Ва гоҳ бу дунёдан кечгувчи қушлар,  
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

Сўзимни ҳар томон бурмагин тагин,  
Ўзимга қаратдим дарднинг бор тигин.  
Оҳ, кимга сизгинсанг, дўст, шунга сизгин!  
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

Тавба қил, ёвлашган эллар оралаб,  
Саратонда босган селлар оралаб,

Мақсадин йўқотган диллар оралаб,  
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

Бугун отанг беҳол, давлатманд одам,  
Эрта балки боланг берар панд, одам.  
Кўз оч, ўзи билан ғоят банд одам  
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.

Тик туриб армонни ичиб қайтадан,  
Ўт олиб ҳар томир, ичинг қайтадан.  
Ҳаммасин бошламоқ учун қайтадан  
Тавба-тазарруга вақт етди бугун.



## *Аёл эл қилади аслида Элни...*

Март ойини зиёрат оyi дегим келади. Йилнинг бу ойида хотира куни ўтказилишини ўйлайман...

Дарвоқе хотира...

Инсоннинг хотирасидан катта бойлиги борми ўзи? Мана шу қутлуғ бойлик унинг бугунида белига қувват, эртасига руҳида ишонч вазифасини ўтамайдими?

Хотирам дафтарини варақлайман. Кўрган, эшитган, ўқиганларим...

Уруш оловига дастлаб гугурт чаққанлар, унга ўт қалаб гувиллатганлар, уни ўчиргунча силласи қуриганлар... ва минг азобларда қаддини тиклаганлар. Эгилмас бўлиб тикланганлар. Тарих бизга "Урушга қарши кураш — у бошланмасдан олдин олиб борилиши керак" деб уқтиради, бошлангач эса фойдасиз, ҳўл-қуруқ баробар ёнади.

Уруш йилларидан биз қанча узоқлашиб кетган сари

жанг майдонларида, фронт ортида баробар ёнганлар шунча яққолроқ ёнганича қад кўтараверади...

20 миллион шаҳид... Бу мотам бутун дунё халқи қатори жабрдийда совет кишиларининг ҳам хотирасидан абадий ўчмас. Ҳеч бир халқ шунча оз муддатда шунча яратувчи, қурувчи қўлларидан жудо бўлгани йўқ. Қардош дўстларимиз полапонларини илондан олиб қочган қушдай, ўзлари ёв йўлига қалқон бўлиб, гўдакларини бизнинг бағримизга жўнатишди. У вақтда ўзи оёқда зўрға юрган одамларимиз ҳам эвакуационларга боришган, совуқдан, очликдан дириллаган, ҳаммадан ҳадиксираган, эвакуация қилинган болаларни иссиқ бағирларига босиб, чопонларига ўраб уйларига олиб кетишган. Иссиқ танчалари атрофида ўтқизиб иситишган. Қоринларини тўйғизишган...

Инсон гўдагини ўзидан кўра кўпроқ севиши, асраши — бу жуда кўп марталар исботланган ҳаётий ҳақиқат.

Хотирамга эса бошқа даҳшатли ҳақиқатлар келади.

...Улар бизнинг ғуруримиз — Толстойнинг қабрини топташган, ижодхонасига кириб айш-ишрат қилишган. Китобларини ўтда ёқишган.

Улар бизнинг Пушкинимизнинг Святогорскдаги қабрини поймол қилиб музейни талон-торож қилишган. Улуғ шоирнинг портрети эса ўққа нишон бўлган. Ахир улар бизнинг сиғинадиган қабрларимиз, юксаладиган руҳий, ғоявий чўққиларимиз эмасмиди?!

Буюк рус композитори П. И. Чайковскийнинг музейи фашистларнинг мотоциклларига гараж бўлган ва бу гараж даҳо бастакорнинг қўлёмалари, китоблари, мебелларини ёндириб иситилгани тарих саҳифасига қора ҳарфлар билан ёзилган.

Улар биргина совет халқи эмас, қўллари етган жойда, вақтинча бўлса ҳам барча халқларнинг суянч тоғларини

қўпоришди, бойликларини ўғирлашди, тортиб олишди. Улар орасида шоир А. Мицкевич, композитор Шопен, улуғ санъаткорлар, бадиий тасвир усталари, Моне, Сезанне, Ван Гог, Матисс асарлари бор эди. Микеланджелонинг машҳур, бебаҳо "Брюггелик Мадонна" си ҳам гестапо ходимлари томонидан шахсан фюрер учун ўғирлаб кетилди...

Юзлаб йиллар давомида эришилган халқимизнинг маданий бойликларига қўшиб ўн минглаб одамларимизни олиб кетиб, улардан ҳайвонларча бешафқатлик билан ўч олинганини унутишга, хотира дафтарларидан ўчиришга инсониятнинг ҳаққи йўқ. Чунки улар ҳам сиз ва менинг ёшимдаги, кўпчилиги янада ёшроқ, ҳаётга эндигина кириб келаётган ёшлар эди. Аёллар, болалар, оталар эди...

Дунё Нюрнберг процессидаги мана бу айбнома фактларни унутишга ҳаққи йўқ:

— Эс-эсчиларнинг хоналарига безак сифатида ишлатилган инсон бошининг қуритилган терилари...

— Освенцим печларида ёқишга мўлжалланган одамлардан, аёллардан қирқиб олиниб "тайёрланган" иссиқ пайпоқ тўқиш учун мўлжалланган тонна-тонналаб инсон сочлари...

— Крематорийларда ёқилган минглаб, миллионлаб одамларнинг кулидан ўғит сифатида фойдаланиш...

...Булар ҳали асрлар оша фашизм устидан қора айбномадай, овози ҳеч қачон ўчмайдиған Хатинь қўнғироғидай жаранглайверади. МДФЖ — халқаро демократик хотин-қизлар Федерациясининг дастлабки, 1945 йилнинг декабридаги йигинида асосан мана шундай ўлим лагерлари, қонли жанг майдонларидан тасодифан омон чиққанлар иштирок этишди.

Уруш тугаган, одамлар тинчлик шамолидан эндигина



баҳра ола бошлаган, аммо қайғулар, айрилиқ, ҳижрон азоблари ҳали тугамаган, Ватан тупроғида, одамлар кўксида уруш очган яралар ҳали қилвираб турарди. Урушнинг беқут оёғи куйдириб кетган кўчаларда оч, яланғоч, етим-есирлар, арвоҳдай қоқ суяк болалар кезинарди. Биринчи Халқаро Конгрессга 41 юртдан қатнашган 850 нафар хотин-қизларнинг аксарияти жанг шинелларини ҳали ечиб улгурмаган, фашист концлагерларининг бутун азоб-уқубатини ўз бошларидан ўтказган, бу қаттол қамчилар зарбини ўз таналарида синаган иккинчи жаҳон урушининг қатнашчилари эди...

Ҳамма замонда, ҳар вақт урушга тайёргарлик ва у келтирадиган фалокатларни ҳаммадан кўра аёллар чуқурроқ ҳис қиладилар. Энг оғир юк аввало уларнинг елкасига тушади.

— ...Мана шу Ўратепадан Шаҳристон тарафга кўтарилишда йўл бетидаги кафтдайгина бизнинг қишлоғимиз — Қайирманинг ўзидан уруш бошланганининг дастлабки ҳафтасидаёқ 30 чоғли йигит фронтга кетди,— деб эслайди шу қишлоқлик Майрам хола,— барисиям уйланган бўз йигитлар, келинларнинг 5-6 тасининг 1-2 тадан гўдаги бўлиб, қолганлар бирови салт, бирови гумонасини ўзиям сезиб-сезмай чимилдиқда қолган келинчаклар эдик. Бировимиз бир ой уй қилган, бировимиз бир кун. Қишлоқнинг ўттиз боласидан бировиям қайтмаса-я. Тағинам яшадик-да. Ҳай, оти ўчсин бу урушнинг! Кўз очиб кўрганларимизнинг бўйларига кўзимиз тўймай, икки қўлимиз урушнинг ёқасида, қон қақшаб яшаб ўтдик-да, болам.

Ҳа, бугун бутун Инсониятнинг икки қўли кечаги урушни бошлаганларнинг, бугун бошламоқчи бўлаётганларнинг ёқасида! \*

Яна бир хотира... Англиянинг Гринэм-Коммон

шаҳрида қанотли ракеталарнинг жойлаштирилишига қарши бош кўтарган аёллар тинчлик лагери қуришди. Жаҳонни ларзага солиб неча йиллар яшашди. Қор-ёмғирда, оч-наҳор яшашди. Эртага бўлмаса индин бу қалин, қорамтир қорлар, бу зил-замбил музларнинг эриб кетишига ишончи комил, гўдакларини муз устида гуғаётган аёлларнинг муз устида бўлса ҳам бу алғов-далғов дунёга суюкли, қиличдай кескир эрларга ўхшаш, ўзларидай қайтмас қасоскорларни совға қилган ўша аёллар хотирамда ўчмас бўлиб қолди:

Гўдагин қорларга ўраган Аёл  
Унга не берса ўч, аҳд бераётир.  
Дунёдан тинчлик, нон сўраган аёл  
Дунёга қийналиб бахт бераётир.  
Йиглама!  
Бири Азоб, бўлди, чинқириб ўлди  
Музларга ёпишиб қолиб киндиги  
Аёл эл қилади аслида элни,  
Тугсанг, Эрк бўлади эндиги!  
Эндиги туққанинг билмайди қазо  
Кўкрагинг тутасан, оппоқ сут-ку, бўл.  
Эй тирногигача, ёвларга жазо,  
Иродаси темир, темиртан Аёл.  
Жонингда не бўлса жонига ўтказ  
Йўлингнинг давоми — йўлчиларини.  
Темир шуур билан вояга етказ  
Ватаннинг темиртан элчиларини.



## Елкадаги юкни олиш йўли

(“Ёш куч” саҳифаларида журналист — шоира  
Санобар Фаҳриддинова билан суҳбат)

— Ҳалима опа, бугун барчамиз замоннинг шиддатлари билан баробар интиляпмиз. Бу борада ҳам ёшлар олдинда. Улар она тили, табиат муҳофазаси, социал шароит каби жумҳуриятимиздаги қатор муаммоларга ўзларининг дадил ошкор муносабатларини билдиришмоқда. Бу яхши. Аммо улар руҳиятидаги айрим ўзгаришлар, яъни “Қаро кўзим”ни эшитишга рағбати йўқ йигит-қизларимизни “рок” музикаларига “юз тубан” кетишларидан хавотирга тушасан одам...

— Ҳа, табиатан ўзи шундай. Урушда ҳам, тинчлик замонларда ҳам давр юкининг асосий залвори ёшларнинг елкасига тушади. Қайта-қайта замонлар, даврлар тажрибасидан ўтган бу ҳаёт ҳақиқатини унутишга ҳаққимиз йўқ. Шунинг учун ҳамма замонда ёшларнинг олдинга чиқиши табиий ҳол. Ёшларнинг бугуни замонавий музикаларга берилишидан хавотирга тушмаслик керак. Бу давр билан, ёш билан алоқадор шекилли.

Мен, масалан, қадимий қўшиқларни эшитганимдагидай  
қолатга кам тушаман.

Менинг кўнглим сен билан-о  
Сен кетарсан ким билан?  
Қадамнингда гуллар очилсин.

"Биров" билан кетаётган ёрнинг қадамида гуллар  
очирилишини иташ... Аждодим, нури дийда моможон-  
ларимнинг этакларини ўпаман. Мунча танти бўлиб,  
шикаста кўнгил, мунис бўлиб яралмаса улар, беҳиштий  
қушларим-а.

Ахир одам деганимиз биз ҳарчанд "буюк инсон" деб  
таърифласак ҳам пайти билан, айниқса ҳижрон кун-  
ларида ёлғизланиб қоладиган, меҳру-муҳаббатга,  
шафқатга муҳтож, атрофида айрилиқ изғиринлари эсиб  
турган танҳо, узилай-узилай деб турган япроқдайгина  
юрак-да. Бу ҳақда Улуғ Рабиндранат Тагордай етказиб  
айтган одам кам бўлса керак. Сокин дарё салобатидай,  
гулдуросидай бу сатрлар унинг "Бир аёл ҳасрати"  
шеъридан:

Қалбингни очганингда эшигидан кирдим мен  
Истар эдим, қалбингни бутунлай эгаллайин.  
Унда менга ўрин йўқ, қайтишга боркан эшик  
Бу эшикдан чиққан йўл — дўзах йўли, даҳшатли  
Гуноҳқорман, аммо мен кимдан ҳам ўпкалайин!  
Фақат сени севганда мен тушуниб олдим-ки  
Оламда муҳаббат бор. Муҳаббат зўр куч экан.  
Мен муҳаббат дардида оҳу-зорни англадим  
Мен машуқнинг ҳажрида интизорни англадим  
Англадим-ки севгисиз, молу-дунё пуч экан.

Биз имкон топиб халқимизнинг қадим маданиятини  
ёшларимиз онгига сингдира боришимиз керак-ки, акс  
қолда бу — бугун бизнинг юракларимизни зир-

қиратадиган, агар биз шу бугуноқ тадоригимизни кўриб, жиддий ўйлаб, иш бошламасак, эртага кўз ёшимизни тирқиратадиган фожиамизга айланиши мумкин бўлган катта миқёсдаги масаладир.

— Ёшлар, йигит-қизларимиздаги қандай фазилатларни қадрлайсиз?

— Йигитлардаги курашчанлик, шиддат, ҳар қандай пайтда ўзини қўлга ола билиш, ўзини тиклаш, олдинга ўта олиш жасорати. Қизларда эса ҳаё, ибо билан йўғрилган дадиллик, фикрлилик.

— Ҳалима опа, мана анча йиллардан буён шаҳардасиз. Туғилган жой деганда кўнглингиздан кечадиган ўйлар...

— Туғилган жой, она ҳақида, севимли кишинг ҳақида... гапириш қийиндай туюлади менга.

Улар то сўнги нафасингача кўксингда кўтариб юрадиганинг — табаррук муқаддас масканлар-у, уларни кўз-кўз қилишга, улар ҳақда сўз айтишга ҳар доим ҳам ботинавермайсан... Боёвут ҳақидаги кейинги шеърларимдан бири...

## УЛУҒБЕККА

Жоним ўғлим, қанотсизга Сен қанот бўл,  
Ўзга ўз бўл, эгилмагин, ётга ёт бўл  
Ерга қара, босиб кетма, эҳтиёт бўл,  
Йўлингдаги хотирани ўлдирмагил.

Майли болам, қайда гул оч, қайда кўкар  
Боёвутда бир гўша бор, чекка, чўкар  
Дарахлари олмаларин йўлга тўкар  
Йўлингдаги хотирани ўлдирмагил.

Қутлуг болам, бугун бахт-ла топишганинг  
Аммо кеча, сумалакка тош тушгани  
Энажонга "олиб бер"— деб ёпишганинг

Қўлингдаги хотирани ўлдирмагил.

Дерди "Худо, шу гўдакка толе бергин  
Сен эркинсан, ул ерларда тагин эркин  
Мен борми-йўқ, бор, жон болам, боравергин  
Дилингдаги хотирани ўлдирмагил.

Сени бердим катта элга, катта юртга,  
Меҳринг билан кўнгли илҳақ, кўзи тўртга  
"Энажон" деб бош ур, болам, Боёвутга  
Тилингдаги хотирани ўлдирмагил.

— Илк шеърларингиздан ҳеч уялганмисиз? Қайта қуришни қандай тушунасиз?

— Йўқ, одам ўзи уялиши мумкин бўлган нарсани матбуотга бермайди. Ундан кейин... сиз айтган қайта қуриш ҳақида... Менинг ҳис этганим шу бўлди-ки, биз ҳар доим айтиб келаётган гапларимизни илгаригидай қимтиниб, йўл қидириб эмас, энди ошкор, баралла айтаяпмиз. Бу жуда катта гап. Бу тўлиқ маънода ростликка олиб бораётган йўл. Бу кўп кўнгилдаликлар, тўғри гапнинг тўқмоғидан эзила-эзила гунг бўлиб "ичимдан топ" бўлиб қолган кўпчилик одамларимизнинг тилини чиқараётган, фикрлашга ўргатаётган фасл. Аммо зинҳор ҳўлу-қуруқ баравар ёниши, бор қурилган бинолар бузилиб, қўпорилиб ташланиб, қайтадан қурилиши кераклиги ҳақидаги буйруқ эмас.

Дарз кетган таъмирга муҳтож бинолар, таҳрирга муҳтож муносабатлар, характерлар қайта қурилиши керак...

— Адабиёт сиёсатсиз яшай оладими?

— Сиёсат — бу ўзгаравериши кўп бўлган ҳодиса. Адабиёт эса доимий кўнгил дардлари, интиқликлари, орзулари. "Ватан адабиёти"ни мен Ватаннинг катта

дардлари деб тушунаман. Шундай бўлиши керак. Аммо бу борада ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Адабиёт сиёсатга маддоҳликка ўтса унда у халқнинг онгига таъсир этиб маънавий ўсиши, бир қадам олдинга ташлаши учун эмас, халқни "ура-ура"чи қарсақбозларга, ҳайбаракаллочиларга айлантиришга хизмат қилади. Биз бу ҳодисанинг жонли шоҳиди бўлдик. Карл Маркснинг машҳур гапини эсланг, "Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак". Ёзувчилар, шоирлар эса Америка ёзувчиси Уильям Фолькнер айтганидай "халқни тарбиялайди".

— Аёлнинг маънавий юксалишида шахсий ҳаётининг таъсири бўлиши мумкинми?

— "Ёмон билан гўрингда қўшни қилмасин" деган гап юради элда. Қаранг-а одам зоти тириклигидагина эмас, ўлгандан кейин ҳам ёмон билан қўшничиликдан қочади.

Аёлларнинг ранг-рўйига қараб эрининг кимлиги, эрининг юриш-туришига қараб хотини ҳақида батафсил фикр айтиш мумкин. Бу ҳақда қадимий қадриятларимиздаги битиклардан, халқдан ўтказиб гапириб, ёзиш мушкулдир. Қарангки, эр билан хотин бир-бири билан ҳамжаёт, шерикгина эмас, бир-бирининг айбини беркитувчи, ёмонини яширувчи ҳам экан. Қуръони каримнинг Бақара сурасида мана бундай зикр этилган: "Улар (хотинлар) сизлар учун либосдир, сиз эса улар учун либосдирсизлар". Бундан чиқади-ки аёл билан эркак бир-бирини яланғочликдан, бепардалик, обрўсизликдан асрар экан-да. Баъзан енгил оёқ аёлларнинг дуч келган одам ҳисобига бойишининг, ҳар кун минг хил ялт-култ кийинишининг ҳақиқий либос ўрнига ўтмаслиги, унинг яланғочлигини... беркитолмаслиги шундан экан-да. Эркакка ҳам, аёлга ҳам либос, ҳар қандай кундан, ҳар қандай иссиқ-совуқдан ҳимоя қилиб, омон олиб чиқиб кета

оладиган либос зарур. Оилада аёлнинг юксалиши учун маънавий устунлик вазифасини эр ўташи шубҳасиз. Гап, Санобар, ана шу устуннинг қай даражада мустаҳкам-лигида. "Аёл фидойиликни тушунибгина қолмай, ўзини фидо қилишни ҳам билади"— дейди И. С. Тургенев. Бизнинг маънавий юксалишимиз учун мардлик билан тутиб берилган елкаларни, қўллар, кўзлар, сочларни... ҳар бир толасини тавоб қилиб, кўз устида асрамоқ — ҳар бир севилган аёлнинг тириклик дунёсида завқ билан, ишқу муҳаббат билан бажарадиган ҳар кунлик кўнгилли юмушига айланмоғи керак.

— Фикрлар ҳар хиллигига қандай қарайсиз?

— Яхши қарайман. Фақат биз бу фикрлар сўнггида нимагадир эриша олсак. Агар биз "ҳар хил фикрлилар" масалдаги каби ҳар томонга тортаверадиган бўлсак бу яқин йилларда бизнинг аҳволимизни на съезд, на депутатлар, ҳеч ким ўзгартира олмайди. Ахир аҳвол фақат гап билан эмас конкрет ишлар, натижалар билан ўнгланади-да. Аввало аҳволимизни ўнглаш хусусида тезроқ жўяли тўхтамларга келиш (айтиш керак-ки съезд бу хусусда анчагина ишларни амалга оширди) ва шу йўналишда кучларни бирлаштириб, аниқ мақсадлар билан иш олиб бориш. Фикрлар ҳар хиллиги "Фақат меники ҳақ" деб оёқ тираб туриб олишга, анархияга, ҳар ким хоҳлаганча "шоҳ ташлаши"га олиб борса бу ёмон белги. Тартиб. Биринчи галда тартибни йўлга қўйишимиз керак. Давлат идоралари, ишлаб чиқариш корхоналари, қолаверса уйимиздаям. Бош-бошдоқлик ҳеч қачон яхшиликка олиб бормаган. Ҳаммадан фикр эшитиш, баҳслар тарафдориман. Фойдали фикрларни ҳар тарафдан, ўнгданми, сўлданми, дўстанми, душманданми ҳаммадан ола-билишни ўрганишимиз керак. Қатъий тартиб-интизом йўлга қўйилмас, кучлар ақл билан бирлаштирилмас экан,



бугунги таназул, ночор аҳволимиздан чиқиш, чўкиб бораётган бугунги кун машинасини жойидан қўзғатиш, олдинга жилдириш жудаям мушкул.

— Швецияда аёл ўқитувчилар сони 6 фоиздан ошса парламентда норозиликка сабаб бўларкан. Бизда Иттифоқ бўйича бу кўрсаткич 96 фоизни ташкил қилади. Бу ҳол медицина соҳасида ҳам кузатилади. Сизнинг фикрингиз?

— Мана шу Сиз айтган "96 фоизнинг ўзи" кўп нарсага гувоҳлик бериб турибди. Мамлакатда болалар, ёшлар орасида безорилик, ўғрилиқ, қотиллик каби ҳодисалар кескин даражада кўпайди. "1989 йилда,— деб ёзади "Московские новости"нинг шу йил, 7 январь сонида ҳуқуқ фанлари доктори Игорь Карпец,— ўсмирлар томонидан 200 минг қотиллик содир этилди. Агар бу 1990 йилда бу кўрсаткични ушлаб туролсак, буни бир қадам олдинга ташлаш деб баҳолаш мумкин, негаки олдинги йиллар ҳаминша юқори кўрсаткичларни олиб келди".

"Ушлаб туриш", камайтириш учун эса бу масаланинг илдиз сабабларини чуқур ўрганиш, зудлик билан уларни бартараф этиш чораларини топиш керак бўлади. Мен мана шу аёл ўқитувчилар процентининг юқорилигини бу кўнгилсиз ҳодисаларнинг жиддий сабабларидан бири деб биламан. Ўтган йили, такрор айтаман, Иттифоқда уч минг 13—14 ёшдаги мактаб ўқувчилари, ўсмир қизалоқлар фарзанд кўрдилар. Уч минг оилада ҳали балоғатга етмаган боланинг қилмиши устидан кўнгилсизлик. Тушуниб-тушунмай — бу йўлга кирган қизчаларнинг кўнгилларида таҳлика, қўрқув... қай бирларида қайсарлик, асабийлик, ҳаётни бошлаб улгурмай ундан қўл силташ, ҳали кўклам келмай ҳаво иссиқлигига алданиб очилишга шайланиб қўйган, аммо қиш совуғи уриб, қовжираган ғунчадек сўлиш, туйғулар инқирози...

Мана шу биргина фактнинг жамиятга келтирадиган маънавий зарари ҳақида ўйлаб кўрганмисиз ва мана шу зарарда, аёл ўқитувчиларнинг "ҳиссаси" ҳақида-чи...

Қуръони каримда зикр этилишича, бирор масалада фикр билдириш, гувоҳлик бериш учун бир аёлнинг фикри билан кифояланилмас экан. Сабаб, аёл (эркакка нисбатан) кўнгилчан, кўнгил туйгулари, оний эҳтирослари билан (ён босибми, рад этибми) ҳукм чиқарар экан. Шу сабаб ҳам чиқарилган ҳукм ҳамиша ҳам тўғри бўлавермагани учун ёнига яна бир аёлни қўшиб беришар эканки, мабодо бири янглишса бошқаси тўғри фикрлайди маъносида. Бизнинг (аёлнинг) яхши хусусиятимиз, кўнгилчанлигимиз ҳам баъзан тарбияда бизнинг фойдамизга бўлмаслиги мумкин. Эҳтимол, эркакларнинг (оталарнинг) қаттиқ қўли, совуққон муҳокамалари бу ерда кўпроқ зарурдир. Болаларни, айниқса юқори синфларда характерлари янада қийинлашиши, уларнинг баъзилари ўзидан бошқанинг фикрини тан олмаслиги, қизларнинг баъзилари ичимдан топ бўлиб қолишлари ёки бунинг акси, ўқитувчи билан тенгма-тенг олишишлари, буларнинг ҳаммаси ўқитувчидан қанчалик кўп руҳий, жисмоний куч талаб қилиши кўриниб турибди. Синфдан йиглаб чиққан ўқитувчини ҳар хил тушунадиган болалар бор. Баъзан аёл ўқитувчиларда боланинг ҳолатини тушуниш учун бағри кенглик етишмаслиги мумкин. (Албатта, бунинг ҳам сабаблари ҳар хил.) Айниқса бизнинг қишлоқ шароитларида кам деганда беш-олти бола, рўзғор ташвишлари, ҳовли-томорқа дегандай, ҳар икки кунда бир тандир нон, нонни ёпиб олгунча кам деганда 3—4 соат вақт кетади. Бунинг устига мол-қол... Бир-биридан майда, кўп вақт, жисмоний куч талаб қиладиган бу ишлар конвейерга оғирлик қилар. Яна бунинг устига боғча йўқ жойлар, ёки бор бўлсаям турли

сабаблар билан ҳафтада бир кун ишласа, бир кун ишламайдиган боғчалар. Боласининг аравачасига солиб мактабга келадиган муаллималарни биламан. Улар жажжи боласини каттароқ болачасига бериб қўйиб, дарс ўтишга кирадилар. Тасаввур қилинг, ташқарида муштдай боласи қўлида чирқираб юрган чақалоғининг овозини эшитиб турган аёл қайси хаёлда дарс ўтади?! Ўтмай деса, бутунлай ташлай шу ишни деса, тирикчилик қурғур тошдан қаттиқ, кун ўтмаса... Эрининг 70—80 сўм ойлиги билан яшаб бўлмаса... Бу энди бошқа мавзу, албатта. Шунақа, муаммонинг бири ҳақида гап очсанг, бошқаси занжирдай уланиб келаверади.

Шунга қарамай, аҳволнинг қанчалик қийинлигига қарамай йўл қидириш керак. Маориф соҳасида аёлларнинг кўплиги ўзини оқламади.

Бу иш характер жиҳатдан ҳам, рўзғорда бандлик жиҳатидан ҳам (айниқса бизнинг халқда эркаклар рўзғорда аёлдан бир неча баробар эркин дейиш мумкин) эркакларга кўпроқ мос эканини ҳаёт кўрсатиб турибди.

Шунга яқин фикрни медицина соҳасида ҳам айтиш мумкин. Табобат кишилари орасида ҳам аёллар кўпчиликини ташкил қилади.

Бугун жумҳуриятимиздаги ижтимоий, маиший, маънавий аҳволнинг кўнгилдагидай эмаслиги ҳаммамизга беш қўлдай маълум. Аёллар касалликлари, болалар касалликлари, ўлими даҳшатли дард тўлқинлари, дарё тўлқинларидай бостириб келяпти-ки бу катта, қўрқинчли оқимга тўғон бўлиб туша оладиган, тўхтата оладиган қудратли кучлар керак бугун. Медицинада аёлларнинг кўп бўлгани ёмон эмас. Лекин уларнинг ҳаммаси аёллиги, уларнинг ҳаммаси фарзанд кўриши кераклиги, декрет отпускалари баъзан бир-бирига уланиб кетиб узоқ йиллар ишда бўлмасликлари (бунга улар ҳақли албатта)

"бу бўлмаслик" оқибатида уларнинг сони кескин даражада камайиши, (бизда врачларга ҳамиша таҳчиллик) аҳволимизни янада ночорлашишига олиб келади.

Ҳозир декрет отпускарлари муддати уч йилга чўзилди. Бу жараён, эртанги кунимиз, гўдакларимиз соғлигини кўзда тутган бу хил эзгу ишлар бундан кейин ҳам шу йўналишда давом этаверади. Албатта бундай шароитлар биринчи галда медицина соҳасида ишлаб турган аёлларимиз учун ҳам яратилади.

Бундай шароитда яна эржакларимиз юкни ўз елкаларига олишларига тўғри келаяпти. Медицина институтларига кўпроқ йигитлар, маҳаллий миллат болаларини жалб этиш, ўқишни битиргач имкон қадар уларни келган жойлари, туғилиб ўстан юртларига қайтариш керак, чунки ҳеч ким у ерлардаги одамлар характери, хусусиятини уларчалик чуқур билмайди. Ўқув программаларига мутахассислик бўйича амалий машгулотлар билан бирга маънавият дарслари ҳам кўпроқ киритилиши, ҳар ким ўз туғилган маскани, қишлоғи одамларини ҳар томонлама мадад бериб ўзи кўтармаса уларни ҳеч ким келиб кўтариб бермаслиги ҳақидаги талабчан туйғуни уларнинг ҳар бирига сингдирилиши керак бўлади-ки бу уларнинг кўнглида ўзини ўстирган халқи олдида масъуллик, жавобгарлик, шу билан бирга ўша жойга эғалик, яқинлик туйғусини шакллантиради.

Бу фикрлар, бу йўллар қайсидир маънода жамият-ни кўтаришга, аёллар, эзилган аёллар елкаларидаги юкларнинг қанчадир қисмини олишга мадад берадигандай туюлаяпти.

## МУНДАРИЖА

|                                |     |
|--------------------------------|-----|
| Аёлнинг кўнгил байрами         | 3   |
| Юрагимнинг оғриқ нуқталари     | 18  |
| Халқ тилига айланган аёллар    | 42  |
| Бормисиз, овоз беринг!         | 56  |
| Кўйиниб қараган ғусса барқарор | 70  |
| Нур ташувчи қўшларимиз         | 83  |
| Умидворлик                     | 90  |
| Сабр япроғи                    | 95  |
| Икки қўлда ҳам малҳам тутиб    | 119 |
| Оқибат деворлари               | 130 |
| Аёл эл қиладн, аслида элни     | 159 |
| Елкадаги юкни олиш йўли        | 164 |

X 87 Худойбердиева Ҳалима  
Юрагимнинг оғриқ нуқталари/ Муҳаррир  
Р. Шомансурова.—Т.: Ўзбекистон, 1991—174 б.  
ISBN 5-640-00940-3

Эҳтиросли шоира, журналист, мушоҳаданавис, фаол  
жамоатчи, Ўзбекистон ССР халқ депутати, Ўзбекистон  
ССР Президент Кенгашининг аъзоси Ҳ. Худойберди-  
еванинг ушбу бадиҳа мажмуасида яна Аёл, Она, Эзгулик,  
Болалик, Келажак умиди билан боғлиқ замоннинг энг  
долзарб муаммолари қаламга олинган.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Худайбердиева Халима. Боль сердца.

№ 187-91

Навойи номли ЎзССР  
давлат кутубхонаси.

X 0301070000-045 96-91  
М 351 (04) 91

Ў32

Халима Хулайбердиева

**БОЛЬ СЕРДЦА**

На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистон" — 1991  
700129, Ташкент, ул. Навои, 30.

Кичик муҳаррир Ш. Соибназарова  
Безовчи rassom X. Худойбердиев  
Балний муҳаррир А. Деҳқонхўжаев  
Техник муҳаррир А. Бахтиёров  
Корректор М. Йўлдошева

ИБ № 5531

Теришга берилди 12.12.90. Босишга рухсат этилди. 8.03.91. Формати 70X108<sup>1</sup>/32. №2 босма қоғозига "Таймс" гарнитурادا офсет босма усулида босилди. Шартли бос. л. 9,24. Нашр л. 7,53. Тиражи 20000. Заказ № 5613. Баҳоси 1 сўм.

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Нашр № 158—90.

Оригинал макет "Ўзбекистон" нашриёти томонидан  
"Ўзбекинтерфин" ПИГ ЦСТ ГХАП техникавий ва программавий  
воситалар базасида тайёрланган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг  
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида босилди,  
ГСП, Тошкент, Правда кўчаси, 41.